

ҚУВОНДИҚ СИДДИҚ

# ФУТБОЛГА ТИКИЛГАН „БОШ“

Ҳикоялар



ТОШКЕНТ – «О‘ЗБЕКISTON» – 2011

УДК: 821.512.133-32  
ББК 84(5Ў)6  
С 52

ISBN 978-9943-01-698-9

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2011

---

---

## ҚИШдаги ИШҚ

*Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, «қиш» ва «ишқ» сўзлари бир хил ҳарфлардан тузилган. Севгининг мўъжизаси шу эканда, «ҚИШ» деган совуқ нарсани бир ҳаракат билан «ИШҚ» деган оташга айлантириб қўяр экан.*

\* \* \*

— Кечирасиз, яхши йигит, менга ёрдамлашиб юборолмайсизми?

Мен ортимдан эшитилган бу кўнғироқдай жарангдор ва ёқимли овоздан эсимни йўқотиб қўяй дедим. Шу тобда ўгирилсаму унга қарасам... тасаввуримдагидек гўзал бўлмаса-чи, деган хавотир вужудимга титроқ соларди. Ҳозиргина тикилиб турганим — улкан киноафишадаги суратлар ҳам назаримда чаплашиб кетаётганди. Минг машаққат билан ортимга ўгирилдим. Қарасам...

Йўқ, мен тасаввур қилишни ҳам яхши эплай олмас эканман. Қаршимда тасаввуримдагидан-да гўзалроқ қизнинг қоп-қора, узун-узун киприклари орасидаги мовий кўзлари ёниб турарди. У Қорқиз кийимида эди.

— Ассалому алайкум, — ширин ва нозли оҳангда давом этди қиз. — Безовта қилган бўлсам, узр.

Назаримда, у менинг довдираб қолганимни сезиб, «касал эмасмикан», деб ўйлади.

— Йўқ, асло, ваалайкум ассалом... сира безовта бўлганим йўқ. Бажонидил ёрдам бераман!.. — остин-устин гапира кетдим мен ҳам.

Хуллас, бу гўзал Қорқиз Қорбобони кутиб, келавермагач, совғаларнинг бир қисмини кўтариб, боғчага бир

ўзи йўл олган экан. Биз боғчага етай деганимизда, ортимиздан Қорбобо ҳаллослаб келиб қолди. Қорқиз унга бироз жаҳл қилди. Аммо, жаҳл қилганида ҳам гўзаллигини йўқотмайдиган қизни биринчи бор кўриб турибман. Хуллас, у мени буткул мафтун этганди. Мен хайрлашишга чоғландим.

— Бошқа хизмат бўлмаса, менга жавобдир-а, яхши қиз?..

— Йўқ, нима деяпсиз, сизга жавоб йўқ энди. Болаларнинг байрамини кўриб кетинг. Шеър айтиб берсангиз, сизга ҳам совға берамиз, — қиз ўз ҳазилидан яйраб кулди. — Ёки вақтингиз йўқми?..

— Вақтим бемалол, — мен қизни йўқотиб қўймаслик умидида тез гапирдим. — Фақат шеър айтишни билмайман-да...

— Унда рақс тушиб берасиз, — у шундай дея қўлимдан етаклаб, ичкарига тортиб кетса бўладими... Қорбобо катта қопни орқалаганча, ортимиздан эргашиди.

Боғча саҳнаси чиройли безатилган. Болаларнинг қувончи чексиз. Уларни кўриб завқим ошиб кетди. Қорқиз (дарвоқе, ҳали унинг исмини сўрашга улгурмадим) болақайлар билан апоқ-чапоқ бўлиб, роса байрамни қиздирди. Болажонларни мен ҳам жуда яхши кўраман-у, аммо ҳозир фақат уни кузатардим. Севиб қолдим! Тамом!..

\* \* \*

Қорбобо машина чақирди. Мен Қорқиздан исмини сўрадим.

— Қорқиз, — деди у шўхчан.

— Ҳазил сизга жуда ярашар экан, — мен «бутун вужудим кўзга айланиб», унга тикилдим.

У ялт этиб менга қаради. Бир зум нигоҳларимиз тўқнаш келди.

— Менга бундай қараманг, яхши йигит, тагин эриб кетмайин!.. — у шундай дея, қўлимга гижимланган қоғоз тутқазди. — Мана, сизнинг совғангиз.

У Қорбобо билан бирга машинага чиқиб, тезда кўздан ғойиб бўлди.

Мен ҳеч нарсага тушунмаганимча қолавердим. Қўлимда гижимланган қоғоз. Наҳотки, буларнинг ҳаммаси шунчалик масхара қилиш билан якун топса... Қоғозни ахлат қутига ташламоқчи бўлганимда, қандайдир ёзувларга кўзим тушиб қолди. Уни ёйиб, текислаб кўрсам, менга хат ёзилган экан. Кўнглим алланечук бўлиб кетди. Ҳақиқат бошладим:

«Сизни илк бор кўрганимда юрагимда бир ўтли туйғуни ҳис этдим. Ҳали ҳеч қачон менда бундай бўлмаган эди. Аммо, сиз жудаям тортинчоқ, дилингиздаги тилингизга чиқаришга андиша қиладиган экансиз. Барибир менга бефарқ эмаслигингизни кўнглим сезганди. Эртага роппа-роса соат 12 да, шу ерда учрашамиз. Мени кутинг, илтимос. Қорқиз».

Наҳотки... Ҳалиги иккиланиш кўнглимдан чекинди. Қаранг-а, шунақа тортинчоқманми? Довдираб қолганимни сезибди-да, эҳ. Ростини ҳам анча кўнгилчанлигим бор. Аммо дийдам қаттиқ, ҳаётини асл ҳолича тасаввур қилишга ўрганган, эҳтирослардан йироқ эдим, қизлар, муҳаббат масаласи мени сира қизиқтирмасди. Бугун менга нима бўлди?!

Эртагача қандай яшайман?..

Бир кун бир йилга чўзилгандек бўлди. Туни билан хаёлларим не бир кўчаларга кириб чиқмади...

\* \* \*

Қиз айтган вақтда айтилган жойга келди. Менга қўлини узатди. Мен унинг қўлини бир муддат ушлаб қолибман чоғи:

— Эриб кетаман-ку, — деди кулиб.

Ноқулай аҳволдан қутулишга жўяли сўз тополмай каловландим.

— Қорқиз бўлсангиз ҳам совғангиз мени бу кечадаги совуқдан асради.

— Шеър айтишни билмасдингиз-ку, яхшигина шоир бўп қопсизми?

— Хўш, сизни қанақа музқаймоқ билан меҳмон қилсам экан? — дедим унинг Қорқизлигига ишора қилиб. У кулди.

Шинамгина кафега кирдик. Кинога тушдик. Кечгача шаҳарнинг энг чиройли жойларини айландик. Бу орада нотаниш болалардан уни рашк қилиб, муштлашиб, лабим ёрилди. Қорқиз жароҳатимга нафис ҳаворанг рўмолчасини босиб, «қурбон» қилди. Шу тобда менга ҳеч қандай оғриқ сезилмасди. Мен бу бахтиёрликдан сармаст эдим.

Унинг қизиқ феъли бор экан. Қаерга кирсак, харажатига тенг «шерик» бўлади. «Агар менга тўласангиз, кетиб қоламан, мени бошқа кўрмайсиз», дейди. Мен унга тикилиб тўймайман. Аммо, барибир мен уни эҳтиросларсиз ўрганишга ҳам уришиб кўрдим: «Ким ўзи бу қиз, нега ўзини яқиндан таништирмаяпти?» Мен ўзимнинг келиб-чиқишимдан тортиб, бу шаҳарда ўқиш дардида саргардон кезиб юрганларим, не-не ёлғонларга ишониб панд еганларим ва яна ҳаммасини кечириб кетганим, энди кўзим очилиб, ҳар бир ишга яхшилаб ўйлаб, сўнгра қўл уришим... аммо унга дуч келганда яна ақлимни йўқотганим билан ҳикоямни яқунладим. У эса кулиб туриб, фақат тингларди. Бироқ ўзи ҳақида ортиқча бирор гап айтмасди.

— Сиз ҳам ўзингиз ҳақингизда гапирсангиз-чи. Кеч бўлиб боряпти, ҳадемай «кетаман»га тушасиз. Лоақал исмингизни ҳам айтмадингиз, — дедим бироз норози оҳангда. У бир зум жилмайиб, сўнг бирдан жиддий тортди. Мовий кўзлари ёниб, менга тикилди ва деди:

— Кеча илк бор кўриб турганимга қарамай сизга ишонч билан гапира кетдим. Негаки, нигоҳларингиздаги самимийликликни илғаганим. Ўрнингизда бошқа биров бўлганида ҳам менга ёрдамлашиши мумкин эди. Аммо у билан муносабатимиз бу қадар чуқурлашиши даргумон бўларди. Мени шаҳарлик шартаки қиз деб ўйлашингиз мумкин. Бироқ дилимга яқин тутмаган одамга умуман гапирмайман. Сиз жудаям яхшисиз!

— Бир шоир ёзган экан:

«Муҳаббатдир бу дунёга асли тиргак,  
Дилга гулхан ёққан кўздан ишқ изладим.

Севсам ёмон севиб, адо бўлди юрак,

«Сиз яхшисиз!» деган сўздан ишқ изладим!..»

— Сиз ростдан ҳам яхшисиз. Ҳамма-ҳаммадан яхшисиз! — у шундай дея негадир йиғлаб юборди. Мен унинг қўлларидан тутдим. Кафтларимда ҳали ҳеч дуч келмаган ҳароратни ҳис этдим. Гўё мен тобора олов қаърига кириб борардим. Аммо бунча ёқимли бу олов. Қорқизнинг олови!..

Бу нима ахир? Қишдаги ишқми? Севгининг мўъжизаси шу экан-да. «ҚИШ» деган совуқ нарсани бир зумда «ИШҚ» деган оташга айлантириб қўяр экан...

\* \* \*

Умрим бино бўлиб бу қадар ёқимли лаҳзаларга дуч келмаган эдим.

У, агар малол келмаса, уйига кузатиб қўйишимни илтимос қилди. Унинг ёнида бўлиш бахти олдида илтимосга ҳожат йўқлигини айтдим. Сўзларимиз тугаб қолди. Энди нигоҳлар орқали суҳбатлаша бошладик. Бир кун келиб унга совчи жўнатсам, мен ҳали танимайдиган ота-онаси нима дейишини, менинг ота-онам нима дейишини хавотир билан тасаввур қилардим. Агар кўнишмаса, барига қўл силтаб, уни олиб қочиб кетишимнинг режаларини тузиб қўярдим. Нигоҳим унда-ю, хаёлим минг хил кўчаларда сарсон кезарди. Жинни бўляпман, шекилли.

Ниҳоят унинг маҳалласига етдик. Дарвозаси кенг очилган данғиллама ҳовлига яқин борарканмиз, қизнинг салкам малика эканлигини тасаввур қила бошладим. «Нима бўпти, — дейман ўзимга-ўзим, ҳозирча келажак ҳаёт йўли номаълум кимса эканлигимни эсламасликка уриниб. — Муҳими, Қорқиз иккимиз бир-биримизни севамиз-ку!..»

Кутилмаганда дарвозадан орқага кескин чиқиб, кескин тўхтаган чиройли машина хаёлларимни жойига келтириб қўйди. «Отаси бўлса-я?» деб қўрқиб кетдим. Йўқ, рулда ёшроқ, мендан тўрт-беш ёш каттароқ йигит ўтирарди. Акаси бўлса керак. У машинадан тушиб, бизга қараб жилмайди. Қорқиз югуриб бориб у билан кўришди ва менга ишора қилиб:

— Бизда меҳмон бор, — деди акасига.

Йигит кулиб, менга қўл узатди ва ичкарига таклиф қилди. Мен ундан уялиб, «рахмат» деб, кетишга чоғландим. Қиз кетиб қолсам хафа бўлишини айтиб, югуриб уйига кириб кетди. Нима бўлса бўлди, дея ичкарига кирдим. Ҳовли ва хоналарнинг ҳашаматини тасвирлаб беришимга узоқ вақт кетади. Биз катта бир хонага кирдик. Ноз-неъматларнинг оғирлигидан столнинг оёқлари синиб кетай деяпти.

— Зилолани зериктирмаганингиз учун раҳмат! — деди йигит. Мана, ниҳоят, Қорқизнинг исми Зилола эканини билиб олдим. Аммо мен бу исмни унинг ўзидан эшитишни, мени кучиб, шундоққина қулоқларимга майин овозида ширингина шивирлаб айтишини жуда-жуда хоҳлагандим. Ҳа, майли. Ҳали унинг менга «сюрприз»лари кўпга ўхшайди. Ҳар ҳолда у Қорқиз-да. Ака билан ҳали танишишга улгурмасимиздан қиз уй кийимларида кириб келди. Унга бекалик ҳам жуда-жуда ярашишини тасаввур қилиб, завқланиб кетдим. Акаси эса анча камгап йигит экан. Аммо меҳмондўстликни қотираркан. Дарров менга хизмат қилиб, бежирим рюмкаларни коньякка тўлдирди. Ҳоли жонимга қўймади, ичишга мажбур бўлдим.

— Биз, кечагина танишдик, — дедим мен акаси ҳар хил хаёлларга бормаслиги учун.

— Ҳаммаси тушунарли, Зилола оиламизнинг ягона, эрка қизи, — деди у хотиржам. Сўнг орага яна жимлик чўкди. Ниманиям гаплашардик.

Ишларим кўплигини айтиб, кетишга ижозат сўрадим. Хайрлаша туриб Қорқиз, йўғ-е, Зилола яна қўлимга хат тутқазди. Бу гал гижимланган қоғозда эмас, чиройли конвертда эди. Сўнг: «Сиз жудаям яхшисиз!» — деди кўзлари намланиб ва югуриб уйига кириб кетди. Унинг бу тарздаги хайрлашуви кўнглимга алланечук хавотир солиб қўйди. Ортга қайтар эканман, Зилоланинг хатини очиб ўқиш иштиёқи ортиб борарди. Ниҳоят, метрога етдим. Метро поездининг вагонлари ёруғ, хат ўқишга жуда қулай. Секин конвертни очиб, хатни ўқий бошладим.

— Биласизми, ўзингиз кўрганингиздек, менинг ҳамма нарсам етарли. Аммо мен... мен энди ҳеч қачон



ҳеч қаёққа чиқа олмайман. Бугун менинг умримда фақат бир марта бўлса-да, энг катта орзуим ушалди. Мен кимдир мени чин дилдан севишини жуда-жуда истардим. Ота-онам менга ўзим орзу қилган ҳамма нарсани муҳайё қилганлар. Аммо мен ҳақиқий севгини, умримда бир марта бўлса ҳам дунёдаги яхши бир инсон томонидан севилишни орзу қилардим. Бу орзуимни рўёбга чиқаришга эса на ота-онам ва на ҳар қандай бойлик қодир эди. Мен сиз кўрган ана шу ҳашаматли уйда бекаму кўст, аммо севги борлигига ишонмайдиган одамлар билан яшайман. Худога шукр, бугун, сиздек олийжаноб инсон туфайли орзуимга етдим!..

Мен ҳам сизни умрбод севаман. Аммо сиз билан фақат хаёлимдагина бирга бўламан. Хатимни ўқигач, туйғуларимни ўйин қилибди дея, мени айблашингиз мумкин. Бу сўзларни кўзларингизга қараб ҳам айтишим мумкин эди. Аммо сиздаги муҳаббат нигоҳларини сўндириб қўйгим келмади. Сизни ўша нигоҳларингиз билан эслаб юрмоқчиман. Эртага менинг тўйим бўлади.

Сиз билан энди ҳеч қачон кўриша олмаймиз... Сиздан миннатдорман, илтимос, мени тушунинг ва ҳаммаси учун кечиринг!.. Сиз ҳаммадан яхшисиз!

\* \* \*

Метродан чиққанимда ҳавонинг авзойи бузилганди. Атрофга телбанамо боқардим.

Сўнг нотаниш кўчаларда узоқ югурдим... Ёмғир аралаш қор юз-кўзларимни тинимсиз саваларди. Кийимларим жиққа ҳўл бўлди. Аммо менга совуқ сезилмасди. Менинг ичим ёнарди. Ижара уйга қандай етиб келганимни билмайман...

Туни билан аламдан тўлғониб чиқдим. Тонгга яқин ўзимга келдим... Энди ичим ёнмасди. Аксинча, юрагим ўрнида бир парча музни ҳис этардим. Қорқизни севиб, ёнган юрагим тамом музлаганди. Бу музюрак энди бир умр эримаса керак...

Севгининг мўъжизаси шу экан-да!.. «ИШҚ» деган оташ бирпасда яна «ҚИШ» деган музликка айланди. Энди менга севгидан сўз оча кўрманг!

## НОГИРОН ҚИЗ ФАРОСАТИ

(воқеий ҳикоя)

Сиз автобусда кетаётиб, йўл ҳақида ўйлаганмисиз? Бу йўлларнинг охири бормикан? Кетаверсанг-кетаверсанг, йўлларнинг адоғига умринг етармикан? Бу йўллардан кимлар ўтди — кимлар ўтмади? Йўллар... Танимиздаги қон томирларига ўхшамайдими улар? Агар шундай бўлса, дунёнинг ушбу томирлари туташадиган юраги қаерда?..

Эҳтимол, ҳозир ҳам кимлардир йўлда кета туриб, хаёлларга чўмиб ёки китоб ўқиб бораётгандир. Бу яхши. Ахир қизгин суҳбат, газета ёки китоб мутолааси манзилингизни яқин этади-да. Мен учун эса бу ҳолатлар қачонлардир манзилимни яқин этган-у, аммо юрагим «йўллар»ини анча вақт сиқиб қўйган бир суҳбат воқеасини эслатаверди.

Бир пайтлар қишлоқнинг соддагина боласи эдим. Йиллар мени рисоладагидек улғайтирди. Мактабни битириб, ўқишга кирдим. Ўқиш билан бир вақтда ишлаб, пул топиш йўлларини ўргандим. Хуллас, ҳаётда ўрнимни топиб, яхшигина чархландим. Энди ўйласам, фақатгина билим ва иш борасида чархланиб қолмасдан, ҳаётда ўзимни анча эркин тутишни, кимга қандай муомала қилишни ҳам қойил қиладиган бўлибман. Кунларнинг бирида ана шу — ҳар доим менинг фойдамга ўйнайдиган муомала қобилиятим биринчи марта менга «хиёнат» қилди.

Меҳнат таътили олиб, қишлоғимга отландим. Автобусга чиқдим. Чиптамда кўрсатилган ўриндиққа бордим. Қарасам, ёнимдаги ўриндиқда гўзал бир қиз ўтирган экан. Ҳали ҳеч ким бир қарашда эътиборимни тортмаган эди. Унинг ҳусни-жамолини ифодалаш учун, назаримда, шоир ёки рассом бўлиш ҳам камлик қиларди.

Автобус йўлга тушди. У гўзаллиги баробарида шунақа камгап эканки, ярим йўлгача ундан эшитганим

фақат бир марта, «илтимос, автобуснинг тепа дарчасини ёпиб юборинг» деган жумла ва илтимосини ба-  
жарганимдан сўнг, «раҳмат» деган сўзи бўлди.

Бу ширин, тиниқ ва майин овоз эртақдаги малика-  
лар тасаввурини берарди. Мен унга йўл бўйи тинмай гап  
отардим. У жимгина борар, баъзан сезилар-сезилмас,  
жилмайиб кўярди. Жилмайганда янада малоҳатли эди.

— Тақдир вақтинча бўлса-да, иккимизга ёнма-ён  
ўриндиқни насиб этган экан, исмингизни сўрасам,  
мени айбламассиз...

У бир жилмайди-ю, аммо бир сўз демай автобус  
деразасига юз бурди.

— Турмушга чиққанингизга ишонмайман-ку, аммо,  
севган йигитингиз борлиги эҳтимолдан ҳоли эмас кўри-  
нади.

— ...

— Майли, жавоб берманг, аммо илтимос, сўзла-  
римни эшитиб боринг...

— ...

— Ўзим аслида ёмон йигит эмасман. Ҳар бир инсон  
қатори бу ҳаётда менинг ҳам кимнидир ёқтириб, се-  
виб қолишга ҳаққим бор деб ўйлайман. Мабодо, сизни  
бир кўришдаёқ севиб қолган бўлсам нима қипти?! Сиз-  
дек гўзал қизни севишим айб эмасдир...

Шу вақтда ҳар қандай шоиру ёзувчилар ёзолмай-  
диган даражада ақлли сўзларни топиб гапиргандек  
бўлиб кетдим. Аҳён-аҳён унга зимдан қараб кўяман —  
сўзларимнинг таъсирини билмоқчи бўламан. Жим ке-  
таётганини эса гапларимнинг унга маъқул бўлаётга-  
нига йўяман.

Ҳар сафар эшак аравадек йўрғалайдиган автобус  
бир зумда Жиззахга яқинлашиб кўйганига ҳайрон қол-  
дим. Қиз ўрнидан туришга уринди.

— Ие, тушасизми? — дедим шошиб, энг муҳим  
нарсамни йўқотиб кўяётгандек оҳангда.

У «ҳа» ишорасида бош силкиди.

— Сизни кузатиб кўяман, — дедим кўлидаги сум-  
касини олишга уриниб.

У «йўқ» ишораси билан бошини сарак-сарак қилди.

— Сиздан умид қилсам бўладими?

У яна оҳистагина «йўқ» ишорасини қилди.

Кайфиятим тушиб кетди. Ахир, шу тобда унинг учун ҳамма нарсага тайёр эдим. Биргина мухтасар сарфарда у менинг бутун борлигимга айлангандек эди.

— Унда менинг ҳаётим тугар экан-да, — дедим астойдил ўксиниб.

У кулиб, «йўқ» ишораси билан бошини сарак-сарак қилди.

Хурсанд бўлиб кетдим. «Демак, мен ҳам унга ёқиб қолибман», деган фикр дилимни ёритиб юборди. Қиз автобуснинг тушиш эшиги томон юра бошлади. Билдимки, Жиззахда тушар экан. Хаёлимдан, бу қизни яна кўрармиканман, қачондир яна учрашармиканмиз, деган орзиқишлар кечди. У автобусдан тушди. Сўнгги бор бўлса-да, уни яна бир мартагина кўриш илинжида ташқарига қарадим...

Қарадим-у... бутун вужудим музлаб, хаёлларим тўзғиб кетди. Кимдир оғир гурзи билан бошимга бир уриб, ўрнимга ўтирғизиб қўйгандек бўлди... Дилимни ўз-ўзимга бўлган нафрат кемирарди. Нега бу қизга шунча сафсата ўқидим, дея сира ўзимни кечира олмасдим... Унинг сўзларимни жавобсиз қолдиришидан мақсади — мени ўз ташвишига «шерик» қилишдан асраш эканлигини англаб, виждоним янада азобланарди. Мен у билан хайрлашаётиб, умидсизликдан «энди менинг ҳаётим тугар экан-да», деганимда, у «йўқ» ишорасини қилганлигининг ортида мен ўйлагандан бутунлай тескари маъно ётганини билиб, бир азобим минг изтиробга айланарди... Автобус жойидан силжиб, юра бошлади. Мен минг азоб билан яна унинг ортидан қарашга журъат топдим...

Қиз сумкасини елкасига илганича... оқсоқланиб борарди...

## АРОСАТДАГИ САДОҚАТ

Наргиза катта шаҳарнинг бир четидаги кўп қаватли уйнинг энг тепа қаватида яшайди. Қайнисини уйлантиргач, эри ана шу квартирани сотиб олганди. Шунга ҳам ўн йил бўлибди. Аввалига кўникиш бироз қийин бўлганди... Аммо, вақт ҳамма нарсага даво деганлари тўғри экан. Маҳаллада ҳаёт бошқача эди. Ҳамма биридан бойроқ кўринишга ҳаракат қиларди. Бу ерда турфа хил одамлар, ўз «дунё»лари билан овуниб яшашиди. Ахир икки ёки уч хонали квартирани ҳарчанд безаб-чаплаганинг билан у кенгайиб, дангиллама бўлиб кетмас экан-да... Маҳаллага бирор бегона кимса ораласа, ҳамма биларди. Сўраб-суриштириш бошланарди. Бу ерда эса, ҳатто ён қўшнингни йиллаб танимаслигинг мумкин экан. Аммо, Наргизанинг ўзи хушмуомала аёл бўлгани учун деярли барча қўшнилар билан чиқишиб кетди. Бу жойнинг ҳам зерикмаса бўладиган ажойиб ҳаёти мавжуд экан...

Уч йил олдин уларнинг ёнидаги бир хонали квартирага янги қўшни кўчиб келди. Наргизадан анча ёшу, аммо ёлғиз аёл экан, икки яшар қизалоғи бор. У жуда гўзал, қадди-қомати хушбичим, қимматбаҳо кийимлари, тилла тақинчоқлари ўзига ярашиб турарди. Ёнингиздан ўтиб кетса, ноёб атирларининг унча-мунча аёллар ҳавас қиладиган ислари узоқ вақт ҳавода учиб юрарди. «Бирор бадавлат хонадоннинг қизи бўлса керак, — деб ўйлади ўшанда Наргиза. — Кўчиб киришдан олдин квартирани ҳам энг замонавий услубда яхшилаб таъмирлатди».

Бу янги қўшни бироз кибрми ёки ёшлигига борибми, бошқа қўшни аёллар билан ҳадеганда чиқишиб кетавермади. Бир куни Наргиза лифтдан чиқса, қизалоғини етаклаб олган ўша аёл унинг эшик қўнғироғини босиб турган экан. Зарур иши чиқиб қолиб, бир жойга бориб келиши кераклигини айтиб, унгача қизчасига қараб туришини илтимос қилди...

Шу тариқа гўзал хонимнинг қўшнилар билан илктанишуви бошланди. Рост-да, ўзбекчиликда қўни-

қўшнисиз, дўст-ёронларсиз яшаб бўларканми?.. Ана шундан кейингина, қўшничилик муносабатлари доим кераклигини англади чоғи, бу аёл ҳам ҳамма қатори ҳовлига чиқиб, аёлларнинг шўх-хандон суҳбатларига кўшиладиган бўлди.

Тез орада маълум бўлдики, у бир бадавлат эркакнинг иккинчи хотини бўлиб яшар экан. Эркак унинг ёнига хорижий русумдаги алламбало машинада ҳар уч-тўрт кунда бир келиб, ҳолидан хабар олиб кетаркан. Аввалига подъезддаги машиналар орасида бу машина бошқача бўлиб ажралиб турарди. Кейин-кейин бунга ҳам кўникиб қолишди. У одатда кечқурун пайдо бўларди. Аёллар эса кечки овқатга унаш учун уйларига кириб кетишарди. Шу боис улар бу гўзал аёлнинг «сиртқи эр»ини кўрмай қолаверишарди. Тасодифан кўриб қолган аёллар, унинг истарали, ақлли ва хушсурат, аммо ёши бу аёлдан анча катта эканлигини айтишарди. Бу гаплардан сўнг бошқаларнинг уни кўришга қизиқишлари янада ортаверарди.

Бир куни янги қўшни аёл Наргизаникига вино пўкагини суғурадиган бурама очқич сўраб чиқди.

— Ҳа, хоним, шаҳзодангиз ташриф буюрдиларми, — дея ҳазил қилди Наргиза.

Аёл Наргизанинг эри гапларини эшитиб турганини эътиборда тутди шекилли, жавоб ўрнига кўз қисиб қўя қолди. Наргиза у-бу нарсани баҳона қилиб, бирикки марта коридорга чиқди, аммо барибир унинг «эр»ини кўролмади.

Шундан кейин аёл Наргиза билан янада яқинроқ гаплашадиган бўлиб қолди. «Эр»ининг катта шаҳардаги катта бир корхонада раҳбар эканлигини, хотини, тўрт фарзанди борлигини, уларни яхши кўришини, аммо уни (табiiйки) хотинидан ҳам кўпроқ севишини, қизалоғи ҳам ундан эканлигини, нима деса ҳамма нарсани муҳайё қилишини завқланиб гапириб берарди.

— Опа, кичик қизингизни олиб, бизникига чиқинг. Бугун қизимнинг туғилган куни, — қўшни аёл биринчи марта Наргизани уйига таклиф қилди.

Наргиза қизчаси билан совға олиб, уникага чикди. Қизалоқни табриклашди. Уйида улардан бошқа меҳмон йўқ экан. Дастурхон ажойиб безатилган. Икки қизча у-бу ширинликлардан татиб кўришгач, ўйинга берилиб кетишди. Аёл ҳозир эри келишини айтди. Наргиза ноқулай аҳволга туша бошлади.

— Биз кета қолайлик, — деди хижолат бўлиб.

— Йўқ, нималар деяпсиз. Мен сизни эрим билан таништирмоқчиман.

— Қўйсангиз-чи, бунинг нима ҳожати бор.

— Опа, сиз хижолат бўлманг. У киши мендан қўниқўшнилари орасида ишончлироқ, қийин кунда суянса бўладиган одамлар бормикан, деб сўраганларида сиз ҳақингизда айтганман. Илтимос, бемалол ўтираверинг. Кетсангиз, хафа бўламан.

Наргиза энди ноилож қолди. Анча-мунча «ҳасрат»лашишди. Бир маҳал эшик кўнғироғи чалинди. Аёл югуриб бориб эшикни очди.

— Кечикдингиз, бунинг алоҳида жазосини оласиз, — аёлнинг салом ўрнида ўпишишлар аралаш гапи шу бўлди.

— Ассалому алайкум, — эркак ширин калом билан хонага кириб келди. Наргиза ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйиб, юзига тик қарамай у билан сўрашган бўлди.

Кейин дастурхон атрофида тизилишди. Вино қуйилди. Наргиза ичмади. Қўшни аёл, уни «эр»ига таништирди. «Эр» Наргизага раҳмат айтди, бундан кейин ҳам бу хонимнинг ҳолидан хабардор бўлиб туришини илтимос қилди. Табиийки, Наргиза унга, «ўзингиз-чи, ўзингиз доим бирга яшасангиз бўлмайдими», деган саволни бера олмасди. Уларни «тушуниши» керак эди-да.

Пайт пойлаб, барибир Наргиза ҳалиги эркакка қаради. Унинг қиёфасини яққол кўрди. Кўрди-ю, негадир юрак уриши тезлашиб, ғалати бўлиб кетди...

Наргиза уни кимгадир ўхшата бошлади: «Нега у менга бунчалик таниш туюляпти?»

Бу ерда кўп қололмаслигини, уларнинг ҳам уйига меҳмонлар келишини айтиб, ўрнидан турди. Аёлнинг «эр»и Наргизага яна бир бор раҳмат айтди.

Наргиза тез-тез юриб, ўз уйига кирди-ю, негадир боши оғрий бошлади. Бир маҳал ҳалиги эркакни эсландек бўлди. Дарҳол оилавий фотоальбомини топиб, варақлай кетди... Мана, топди... Дугонаси Дилбарнинг никоҳ тўйида бирга тушган суратлари. Наҳотки!.. Бўлиши мумкин эмас... Ахир у... у қадрдон дугонасининг қонуний эри-ку!..

\* \* \*

Суратга тикилиб, бир зум Дилбарни эслади. Наргиза у билан болаликдан, мактабда бирга ўқиб, қадрдон дугоналар бўлиб улғайишган. Дилбар шунақа содда ва самимий, камтарин, беозор, ибо-ҳаёси ўзига ярашган, қалби шу қадар беғубор, ҳар жиҳатдан гўзал қиз эдики... уни алдашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эди. Тўйларидан кейин Дилбар билан жуда кам кўришадиган бўлишди. Кейин ўзи ҳам турмушга чиқиб кетди. Энди умуман кўришмай қўйган эдилар.

Орадан анча йиллар ўтиб, бир куни тасодифан Дилбар билан учрашиб қолишди. Мактаб даврини эслаб, яйраб-яйраб, узоқ суҳбатлашдилар. Дилбар ўз ҳаётидан шу қадар мамнун ҳолда ўктамлик билан гапирардики, ҳар қандай аёлнинг унга ҳаваси келарди.

— Мана, турмуш қурганимизга ҳам йигирма йилдан ошди. Тўрт фарзандни бекаму кўст улғайтириб кел-япмиз. Катта шаҳарда, катта ҳовлида яшаймиз. Турмушда ҳамма нарсамиз етарли. Бу жиҳатдан нолишга ҳаққим йўқ. Хуллас, дугонажон, мен жудаям бахтлиман, — дугонаси ўз ҳаётини қисқагина шундай изоҳлади, холос. Дилбарнинг камтарлиги, соддалиги қолмапти-я, тузукроқ мақтанишни ҳам билмайди. Икки дугона телефон рақамларини алмашиб, тез-тез гаплашиб туришга келишиб олдилар. Наргиза унинг бу бахтли лаҳзалари бир умр уларга ҳамроҳ бўлишини тилаб, хайрлашди.

\* \* \*

Наргиза ҳамон суратга тикиляпти-ю, аммо ишонгиси келмаяпти. Йўқ, у ҳозир ёш қўшнисиникида кўрган



одам Дилбарнинг эри эмас, бошқа одам бўлиши керак. Хуллас, ёмон хаёлларга бормагани маъқул. Альбомни ёпиб, жойига қўйди.

Ҳар кунгидек, қўшни аёл билан ҳазил-ҳузулга йўғрилган муомалалари давом этаверди. У янги-янги «сир»ларидан Наргизани хабардор қилиб, роса кулди-рарди. «Эр»и пайқаганидек, Наргизага қаттиқ суяниб қолганди.

\* \* \*

Бир куни қўшни аёл Наргизанинг уйига йиғлаб чиқди. У нима гаплигини сўради.

— Бир неча кундан бери «эр»им уйга келмай қўйди... Телефон ҳам қилмаяпти. «Сотка»си ўчирилган...

Маълум бўлишича, «эр»ининг ишхонасида катта муаммо юзага келибди, бундан қаттиқ таъсирланганидан кутилмаганда юрак хуружи тутиб, касалхонада ётганмиш.

— Балки бориб, кўриб келарсиз, — маслаҳат берган бўлди Наргиза.

— Э, нималар деяпсиз, ахир хотини кечаю кундуз бошида ўтирган бўлса, мен қандай қилиб бораман.

Наргиза нима дейишини билмай қолди. Негадир, шу тобда яна ўша дугонаси — Дилбарнинг қон йиғлаб ўтирганини тасаввур қилиб, кўнгли алланечук бўлиб кетди. «Йўғ-э, бошқа одамдир...» дея ўзини хотиржам қилишга уринди.

\* \* \*

Орадан бир ойча вақт ўтди. Аёл эса негадир парвойи фалак бўлиб, «эр»и ҳақида қайғуриб гапирмай қўйди. Бир куни Наргиза ундан «эр»ининг аҳволини сўради.

— Э, қийналиб кетдим, — ҳасрат қила кетди у. — Биласизми, опажон, мен бу эркакка ишониб юрсам, у мени алдаб юрган экан.

— Йўғ-э, унақага ўхшамасди-ку, — деди Наргиза хаёлидан «тагин бошқа бировини топибдими», деган тахминни ўтказиб.

— Аҳволимни қаранг, уч йилдан бери мана шу каталакдек хонада қийналиб яшайман. Лифт ўлгур ишламай қолса, тинкам қуриб кетади. Бу акам эса, сал кўпроқ пул топсам, сенга пастки қаватдан икки хонали квартира олиб бераман, аммо ҳозир пулим бунга етмайди, деб мени алдаб юрган экан. Билсам, бир эмас, учта икки хонали квартирага ҳам етадиган пули бор экан. Мана, куни кеча аниқладим, операцияга нақ учта квартиранинг пулини сарфлабди...

Наргиза бу аёлни танитай қолди. Севимли «эр»и ўлим билан олишиб ётса-ю, бу ёш хоним не ҳасратда...

Шу куни кеч маҳалда телефон жиринглаб қолди. Наргиза гўшакни олди-ю, юраги ҳапқириб кетди. Гўшакдан қадрдон дугонаси Дилбарнинг ҳорғин ва ҳазин овози эшитилди.

— Тинчликми, — сўради Наргиза ҳамон ўша эркакнинг бошқа одам бўлиб чиқишидан умидини узмай.

— Бошимизга ташвиш тушиб қолди, Наргиз. Бир ойдан бери эрим оғир касал, бирдан юраги хуруж қилиб қолди. Операция қилдирдик. Энди-энди ўзига келди. Бор пулимизни, ҳатто машинамизни сотиб, уни давлатдик. Кичик ўғлим: «Ойи, адамнинг яхши кўрган машинасини ҳам сотамизми?» — дейди. «Сенга машина керакми ёки аданг?» — деб, уришиб бердим. Керак бўлса, унинг соғайиб кетиши учун жонимни беришга тайёр эдим. Худодан шифо тилаб, бошида бедор ўтирдим. Илтижоларимни эшитиб, мана, Аллоҳимнинг бориға шукр, адамизни бизга қайтиб берди. Энди бироз эркин нафас олиб, сенга кўнғироқ қилиб турувдим, дугонажон. Шундай меҳрибон, мард эримни йўқотиб кўйишдан жуда-жуда кўрқиб кетдим, Наргиз... Бизни деб, бола-чақасини деб, не кўйларга тушадиган эрларимизни эҳтиёт қилишимиз керак экан, дугонажон...

Наргиза дугонасининг гапларини эшитар экан, кўшни аёлнинг «эр»и тақдиридаги бу қадар ўхшашликдан хавотирга тушиб борарди. Дилбар ўз эрининг

бошидан ўтган бу дард ҳақида ёш қўшни аёлнинг сўзлари билан деярли бир хил тафсилотни гапирарди. Фақат ҳар икки аёлда бу эркакка бўлган муҳаббат ва меҳр орасидаги фарқ ер билан осмонча эканлиги аллақачон Наргизага аён эди.

Дугонаси эрига шу қадар ишонар, унга жонини беришга тайёр эди. Аммо...

Ҳа, инсон истаса-истамаса-да, ҳаёт сўқмоқларида ана шу «аммо» деган зидловчи тушунчаларга дуч келарди экан... Наргиза эркакнинг кимлигини аниқ эслагач, ёш қўшни аёлни ва дугонасининг эрини шу қадар ёмон кўриб кетдики...

Начора, қўлидан нима ҳам келарди. Ҳар ким ўз ҳаёт тарзини ўзи хоҳлаб ўзгартиради. Шу тобда бу эркакнинг уни кўз очиб кўрган аёлининг аросатда қолган садоқатигина ҳаётга қайтарганлигини билишини чин дилдан истади. Аммо қандай айтсин?.. Ишқилиб, шифо берган Аллоҳ унга инсоф ва иймон, орият ва адолат, аросатсиз садоқат ҳам берсин!

## **БИРГА ЎЛМАЙМИЗМИ, ДЎСТИМ?!**

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз!

Биласизми, мен кутилмаган бир тасодиф билан икки йиллик дўстимни, аниқроғи, мен дўст деб юрган кишини синовдан ўтказганман. Атайлаб эмас, ҳаммаси тасодифан юз берганди ўшанда... Бироқ синови одилона бўлгани учун ҳам ушбу тасодифга ҳалигача раҳмат айтаман. Чунки, шу каби тасодифлар юз бермаса, ҳеч қачон чин дўстни аниқлай олмайдиганга ўхшаймиз. Балки, менинг назаримда шундайдир, тагинам билмадим...

Ҳарбий хизматимиз шўролар замонида тўғри келиб, икки йиллик умримиз юртдан олисда, Украинанинг Днестр дарёси бўйларида кечган.

Хизмат баробарида қанча-қанча дўст орттирдик. Мақтаниб, баъзан завқланиб ва ё ҳатто уялиб, хижолат бўлиб эслайдиган қанчадан-қанча воқеалар рўй бермаган дейсиз...

Уйга қайтишимга уч-тўрт ой қолган. «Дембельский аккорд» беришди. Бу дегани дембеллар, яъни деярли хизматни ўтаб бўлган аскарларга махсус топшириқ бўлиб, бир ой давомида текинга бирор каттароқ ишни бажартиришарди. Бу ишлар унчалик қийин бўлмайди, аслида. Чунки командирлар хизматини ўтаб бўлган аскарларни эсон-омон уйига кузатиб қўйишни қатъий шарт деб билишарди. Бизнинг чекимизга Иккинчи жаҳон уруши йилларида қурол-аслаҳа омбори бўлган эски бир иморатни бузиш мажбурияти тушди.

Ишни тезда бошлаб юбордик. Икки йил давомида қалин дўст бўлиб қолган бир йигит билан бу ишда ҳам ёнма-ён жўш урардик. Бир куни биз ишлаётган хонанинг полида алоҳида бўлиб турган бир чуқур чизиққа кўзим тушиб қолди. Қизиқиб, ўша чизиқ атрофини тозаладим. Қарасам, қалингина темир қопқоқ. Назаримда, уни жойидан кўчирса бўладигандек. Темир жуда оғир эди. Бу жойга у ертўлага эшик сифатида қўйилган, деб ўйладим. Қанча вақт ўтди, билмадим, амаллаб ўша оғир темирни жойидан силжитишга муваффақ бўлдим.

Тахмин қилганимдек, пастга йўл бор экан. Қизиқишим янаям ортди. Эҳтиёткорлик билан пастга туша бошладим. Ертўла деганим унчалик чуқур ҳам эмас экан. Чор атрофни ўргимчак тўрлари босиб кетганини ҳисобга олмаганда, айтарлик у ерда ҳеч нарсаям йўқ. Полнинг турли тешикларидан ва мен тушиб келган эшикдан тушаётган нурлар ертўлани яхшигина ёритиб турарди. Бир пайт сал нарида, четроқда ярмини тупроқ кўмиб қолган, қолган қисми юзага чиқиб турган қутилар тахламига кўзим тушиб қолди. Секин бориб, қутининг устини тозаладим. Тахталари деярли чириб кетган. Ушлашинг билан тезда уваланади. Шу тобда, хоҳол бойлар (украиналикларни «хоҳол» дейишади) бу қутиларда тилла беркитиб қўйган бўлса-я, деган фикр ҳам хаёлимга бегона эмасди... Қутилардан бирининг устини тўла қўпориб ташладим. Унинг ичида турли темирлар тахлами занглаб ётарди. Йўқ, қутиларда тилла йўқ экан... Куляпсизми, нафсинг қурсин деб?.. Нима,

мен ҳам одамман-ку, хаёлим хато чиқса нима қипти?..  
У шунчаки хаёл эди, қарор эмас ҳар ҳолда...

Темир деганларимни бир-бир қутидан чиқариб ола бошладим. Қарасам, уруш замонларидаги эски граната, снарядлар... Ҳаммаси занглаб кетган! Йигитларни бир қизиқтираман, деб ўйлаб, икки елкамга икки автомат, камаримга иккитадан граната қистириб олдим. Сўнг қўлимга ҳам битта гранатани олиб, секин юқорига кўтарилдим...

Бу аҳволда чиқишимни кўриб, дўстим кўрқиб кетиб, ўзини четга олди.

— Ҳой, нима балоларни кўтариб чиқдинг?...

— Қара, манави ертўлада роса кўп қурол бор экан.

— Портлаб кетиши мумкин-ку... Юр, тезда командирларга хабар берайлик... — дўстим ваҳима билан гапирарди.

— Э, шошма. Нималар деяпсан? Бариси занглаб, тамом бўлган-ку. Қара, ёпишиб қотиб ётибди, — шундай деб, бир қўлим билан граната дастагини корпусига сиқиб ушладим, иккинчи қўлим билан унинг халқачасини тортиб кўрдим... Дўстим ҳаракатимдан хавфсираб ўзини девор ортига олди. — Намунча кўрқасан, айтдим-ку занглаб кетган деб...

Шу пайт кутилмаганда пўлат халқача илгаги билан олиниб кетса бўладими?.. Юрагим орқага тортиб кетди... Агар граната кучини йўқотмаган бўлса-чи?! Дастагини қўйсам, тамом... портлайди... Пўлат илгакнинг жуфтлашиб бориб, икки ёнга ажралиб турган учини бирлаштириб, жойига тиқиб қўйса, ҳаммаси жойида бўлади. Буни ҳар бир аскар яхши билади. Аммо, қани энди бармоқларим билан бу қаттиқ илгак учини бирлаштира олсам. Бир зумда пешонамни совуқ тер босди. Дўстимни ёрдамга чақирдим.

— Ҳой, жўра, бу ёққа кел, — дедим унга. — Мана бу илгакчани жойига сал сиқиб, илинтириб қўйса, бўлди, шу холос. Менга озроқ кўмаклашиб юбор...

Қарасам, девор ортидан мўралаб турган дўстимнинг кўзларидаги кўрқинч меникидан кўпроқдек.

— Йўқ, — деди у. — Портлаб кетиши мумкин-ку,

ундан кўра қимирламай тур! Ҳозир командирларни чақириб келаман. Бир йўли топилар...

Кўлим толиб борарди, занглаб кетган ўша илгакни қайтадан илинтириб қўйишга ўзимнинг имконим етмай қолганди.

— Кел энди, дўстим, кучим етмай, кўлимдан тушиб кетадими деб кўрқаяпман, салгина ёрдамлашиб юбор. Манави илгакни жойига тиқиб қўйсанг бўлди, буни яхши биласан-ку. Бекордан-бекорга ўлиб кетгинг келмайди-да, ахир!

— ...Мен ҳам шуни айтаяпман-да... — дўстим каловлана бошлади. — Иккаламиз ўлгандан кўра, бир киши ўлгани яхшироқ-ку!..

Шу гапни айтиб, дўстим кўздан ғойиб бўлиб қолди-ку!

Мана сизга дўстлик... Ахир, шу дамгача ҳамма нарсамизни баҳам кўриб келаётган яқин ўртоқмиз-а! Икки йилда бошимиздан нималар ўтмади... Унинг учун кимлар билан муштлашмадим. Ўлимга ҳам бирга борамиз, деган аҳдлар қилувдик-ку...

Алам билан илгакнинг учини бирлаштиришга тиришаман. Фойдаси йўқ. Атрофдан шу илгак қалинлигида михми, бирор қаттиқ симми қидираман. Қани топила қолса...

Девор ортидан командирларнинг ташқарига чорловчи овозлари эшитилди. Чиқдим.

Мен чиққунимча тревога бўлиб кетган... Шаҳарнинг шу атрофида бирор инсон қолмаган... Каскалар кийиб олган сафдошлар ва сапёрлар эҳтиёт бўлиб мени кузатиб туришибди. Командирлар галма-галдан менга кўрсатма беришарди: «Кўлингни маҳкам тут, кўчадан тўғри кетавер!..»

Ўргатувчи кўп-у, бироқ бирор мард келиб, граната илгагини жойига тиқиб қўйишни ўйламаяпти. Ўйлаб нима қилади? Ахир, энг яқин дўстинг қочиб қолди-ку... Уларга нима, сен бормисан ёки йўқ...

Катта кўчада бир ўзим, худди Рэмбодек кетиб бораяпман. Командирлар кўрсатмаси бўйича хавфсизроқ бўлган, шаҳарча четдаги дарё соҳилига бордим. Унга-

ча ҳам анчагина йўл эди. Гранатани сиққан ўнг қўлимнинг томирлари бўртиб кетганди. Кичкинагина граната мен учун тобора улкан харсанг тошдек юк бўлиб борарди.

Ниҳоят, дарёнинг кенг соҳилига етдим. Ҳамма аскарлар, офицерлар мендан 20 метрлар чамаси ортимда, гоҳ юриб, гоҳ эмаклаб, изма-из келишарди. Тўхтаганимдан сўнг буйруқ келди: «Қаттиқроқ улоқтириб, ерга ёт!»

Бор кучим билан қўл силтадим у ётдим. Ҳаммаёқ тинч... Мундай қарасам, граната ҳали ҳам қўлимда. Бармоқларим очилмай қопти. Ҳеч ким ёнимга келмади. Ўнг қўлимнинг қотиб қолган бармоқларини чап қўлим билан бир-бир бўшатиб, гранатани секин чап қўлимга ўтказдим. Ўнг қўлим бармоқлари менга бўйсунмаган ҳолда қаттиқ мушт бўлиб тугилиб қолди. Гранатани, биров ўнғайсиз бўлса-да, чап қўлим билан амаллаб олдинга улоқтирдим ва ерга юзтубан ётиб олдим. У қаергадир бориб тушди...

Аммо яна атроф тинч. Сапёрлар секин келиб текшириб кўришди, унинг ичидаги нарсалар аллақачон ўз кучини йўқотган экан.

Ким кулган, ким менга танбеҳ берган... Шу тобда ҳеч кимнинг гапи қулоғимга кирмасди. Дўстим эса ҳазилнамо кулиб, ёнимга келди. Унга зарда билан: «Раҳмат!» — дедиму очилолмай тайёр мушт бўлиб қотган қўлим билан нақ жағига туширдим!..

## ДИЛНИНГ ТИЛСИЗ ИЗҲОРИ

Камалак мавсумнинг осуда туни. Чигирткалар «кўнғироғи»га баъзан итнинг узук-юлуқ аккиллаши қўшилиб қолади. Адирнинг айни бурама ерида бир туп улкан қайрағоч салобат тўкиб туради. У уч юз йилдан бери «ҳаётни жим кузатаётган донишманд» дарахт. Ҳар ойнанинг тўлин кечасида, тун ва тонг ораси бўлган бир маҳалда қишлоқдан адирга боқсангиз ана шу қайрағоч ойга соя салади. Ажойиб манзара...

Бу кеча ушбу манзарада ўзгариш юз берди. Бир туп

қайрағоч қораси ёнида яна бир жуфт инсон кўланкаси пайдо бўлди. Ҳаяжонли ҳисларнинг унсиз шивир-шивирларини шамол ҳар ён учирар, аммо бу сирларни олисларга олиб кетишга барибир ожизлик қиларди...

\* \* \*

— Мен учун муҳими, сиз ва сизнинг менга муносабатингиз! — *Бу йигитнинг сўзлари.*

— Одамлар... қишлоқ... нима дейди?! — *Бу қизнинг сўзлари.*

— Одамлар... қишлоқ... Улар ҳар нарса дейди, аммо ҳеч қачон бизга муҳаббат ҳадыя этолмайдилар. Биз ўз севгимиз қасрини юракларимизда қурамыз. — *Бу йигитнинг сўзлари.*

— Биз улардан ожизмиз. Қишлоқда одамларнинг гап-сўзи тез тарқалади. Бу яхшимас... — *Бу қизнинг сўзлари.*

— Биз ожиз эмасмиз. Муҳаббат бизга ҳеч кимда йўқ қудратни беради. Кейин, биз бу қишлоқда ҳамма каби, шунчаки, жисман яшаймиз, холос. Аммо руҳан биз муҳаббат қасрида, бу ҳиссиз одамлардан юксакларда яшаймиз... — *Бу йигитнинг сўзлари.*

\* \* \*

Биз уларни «деди» деёлмаймиз. Таассуфки, улар «дейиш» имконидан маҳрум, яъни қар ва соқов. Бир қарашда улар чиройли ҳам эмас. Аммо, бу фақат ўзгалар назарида шундай... Аслида, бир-бирлари учун жоннисор инсонлар қиёфаси айнан шу икки покиза қалб соҳибларида мужассам. Фақат улар бир-бирларини, умуман, ҳеч кимни эшитмас ва уларни ҳам ҳеч ким эшитмасди. Қишлоқ тунидаги сукунатни бузаётган жониворларнинг одатий «ранг-баранг» товушлари, баргларнинг шитир-шитири, сой сувининг шилдираши ва қиз кўйлагининг шамолда ҳилпираши... афсуски, бу икки соя борлиқ сасини тинглашдан мосуво эди. Бироқ, оламдаги турли ғийбату ҳақорат сўзларни эшитмаслик «бахт»ига ҳам уларгина муяссар эдилар...



\* \* \*

— Бизга бахт замони келади ҳали... — *Бу йигитнинг сўзлари.*

— Мен сизга ишонаман. Фақат... фақат одамлар... — *Бу қизнинг сўзлари.*

— Одамлар яшаши керак одамлардек... — *Бу йигитнинг сўзлари.*

— Нега одамлар бизнинг уларга ҳавасимиз келишини билмайдилар?.. — *Бу қизнинг сўзлари.*

— Бизлар синовдамиз, ҳа, синовдамиз. Аллоҳнинг синовида... — *Бу йигитнинг сўзлари.*

— Бунча оғир бу синов... — *Бу қизнинг сўзлари.*

— Шукр қилайлик, қўл-оёғимиз, танамиз бутун, энг муҳими, юракларимиз, қалбимиз соғу саломат. Биз бу синовдан чин муҳаббат қудрати ила омон ўтамиз...

— *Бу йигитнинг сўзлари.*

— Мени кечиринг... Худойим, мени кечир... — *Бу қизнинг сўзлари.*

\* \* \*

Улар дил дардларини сўзларга айлантириб, серҳарат бармоқлари ила ҳавога ёзардилар, холос... Нигоҳлар сўзларди — ҳеч кимга эшиттирмай, оҳиста, ун-сиз.

\* \* \*

— Билингки, мен сизни қаттиқ севаман ва бу севгимдан мени ҳеч ким қайтара олмайди... — *Бу йигитнинг сўзлари.*

— Лекин, барибир... қишлоқнинг гапи ёмон. Мени бошқа ерларга олиб кетасизми?.. — *Бу қизнинг сўзлари.*

— ...Мен сизни муҳаббат қасрига — юрагимга олиб кетаман... — *Бу йигитнинг сўзлари.*

— Сиз... сиз мени ростдан, шунчалик севасизми?.. — *Бу қизнинг сўзлари.*

— Мен сизни ўзимдан ва даҳри-дун баҳридан кечиб севаман!.. — *Бу йигитнинг сўзлари.*

— Мен ҳам... мен ҳам сизни қанчалик севишимни билсангиз эди... — *Ишора қилади беихтиёр қизнинг кўзлари.*

\* \* \*

Шунда... шунда уч юз йиллик қайрағоч ўз ҳайратини яшира олмай, бир қалқиб тушади...

— Агар муҳаббат чин бўлса, уни изҳор этмакка ТИЛ шарт эмас экан! — **Бу қайрағочнинг сўзлари.**

\* \* \*

## **ОНАМНИ ЙИҒЛАТИБ ҚЎЙДИМ...**

Шодибек уйига бунча кўп одам йиғилганининг сабабини билмасди. Йўқ, биларди, аммо маъносига тушунмасди. Отаси яқинларини уйига тўплаганда фақат қувноқ кулгулар янграрди. Отаси кулгили гапларга роса уста эди-да. Аммо бугун йиғилган одамларнинг бариси жиддий, ҳеч бири кулмасди. Қариндошлар, қўниқўшнилар, ҳамма шу ерда. Фақат улар орасида отаси йўқ эди. Йўқ, отаси ҳам бор экан... Фақат отаси чекка уйдаги кароватда ухлаб ётарди. Атрофида аммалари, янгалари, опалари «ув»лаб йиғлашарди. Айниқса, онаси ўксиб-ўксиб йиғларди. Шодибек мурғаккина гўдак эди ўшанда. У онасининг этагидан тутиб, бир зум нари кетмас, онасига қўшилиб йиғлаганди. Фақат у қўрққанидан йиғлаганди. Ҳали ақли пишмаган бола эди-да. Онасининг дод-фарёди-ю, ўксиб-ўксиб йиғлаганининг маънисини билмасди. Шодибек ўшанда онасининг тиззаларини маҳкам кучиб: «Ойижон, йиғламанг», деб роса йиғлаганди. Негадир онасининг йиғлашидан кўрқарди...

Кейин-кейин ҳам онаси тез-тез йиғлаб турарди. Шодибек бу ҳолатга фаҳми етмай қийналарди. Ака-опалари кўпчилик эди. Отасиз оила кўп қийналар экан. Онаси бечора уларни бошқалардан кам қилмаслик учун тинмай ишларди. Бироқ қўлидан келгани шифохонада фаррошлик эди, холос.

Иш ва рўзғор юмушларидан озгина бўш қолса: «Болаларим, мактабда яхши ўқинглар, ҳеч бўлмаса бирор тузук ҳунар ўрганинглар. Шунда, қачондир улғайганларингда қийналиб яшамайсизлар. Яхши болалар би-

лан дўстлашинглар...» — дерди. Онаси узоқ насиҳат қилиб ўтирмасди. Тўғрироғи, тузукроқ насиҳат қилишни ҳам билмасди. Эҳ, содагина она!..

Опалари яхши ўқишарди. Аммо, Шодибек ва ўғилларнинг саводхонлиги жуда-а-а оқсоқ, ўйинқароқлик эса жойида эди.

Еттинчи синфда уларга янги синф раҳбари келди. Адабиёт ўқитувчиси экан. У шу қадар берилиб дарс ўтардики, гўё синфхона театр сахнасини эслатарди. Аввалига янги ўқитувчига ўзларини бир кўрсатиб қўймоқчи бўлган шўх, тўполончи болалар турли «қилиқлар» чиқарардилар. Аммо янги ўқитувчи ҳар сафар бу қилиқларнинг ҳеч бир маънисини йўқлигини ҳазил-ҳузул билан исботлаб бериб, уларнинг ўзларини изза қилиб кўяверарди.

Хуллас, ҳаммалари бу ўқитувчига ўрганиб қолишди. Унинг ҳикоялари шунақанги қизиқ эдики... Ҳатто, болалар дарсдан кейин ўқитувчининг уйига ҳам борадиган бўлишди.

Бир куни ўқитувчи синфдаги барча болаларга ўзининг шахсий кутубхонасидан китоблар улашди ва деди: «Авайлаб, йиртмасдан ўқинглар, ўқиб бўлиб, қайтиб беринглар». Бироқ, негадир Шодибекка китоб бермади. Уни ажратгани учун ўқитувчидан хафа бўлди... Нега ахир? Отаси бўлмагани учунми?.. Бошқа болалар каби хурсанд бўлишга, ўқитувчидан китоб олишга унинг ҳаққи йўқми?.. Бу нимаси ахир?..

Шодибек, балки мени кўзи илғамай қолгандир, деган ўйда бошқа болалар каби ўқитувчидан китоб сўрамоқчи бўлди. Аммо, охири марта қачон кўлига китоб олгани ҳам эсидан чиқиб кетган эди. Ҳатто, мактабга сумкаси, куп-куруқ қўл билан келишга одатланиб қолганди. Шу боис ҳозир ўқитувчидан китоб сўраса, ҳамма унинг устидан кулиб юборадигандек туюлди. Дарс тугагач, болалар бир-бир синфдан чиқа бошлашди. Шодибек жойида қолди. Ҳамма чиқиб кетгач, ўқитувчидан китоб сўради.

— Нима-а-а? — деди ўқитувчи истехзоли кулиб. — Сен китоб сўраяпсанми? Китоб нималигини биласанми, ўзи? Сенга ўхшаган болаларга китобни ишониб

бўларканми? Кўй, яхшиси, кўча-кўйда тупроққа боти-и-иб, санқиб, дайдиб юравер!..

У шундай дея синф журналини кўтариб, чиқиб кетди. Шодибекка роса алам қилди. Ўқитувчини рос-мана ёмон кўриб кетди.

Эртаси куни болалар, қизлар бирин-кетин қўллари-ни кўтаришиб, «мен айтай, мен айтай» дейишиб, кеча олган китобларидан ўқиганларини бир-бир ай-тиб бера бошлашди. Ҳамма хурсанд. Ўқитувчи бутун дарс давомида баҳо кўйиб ўтирди. Шодибек эса, ҳам алам, ҳам ҳавас билан жим ўтирарди.

Дарс тугагач, яна орқада қолиб, ўқитувчидан китоб сўради. Ҳартугул, бу сафар у сахийлик қилди.

— Ҳа майли, қани бир уриниб кўр-чи, ўқий олар-микансан. Эртага бу китобдаги ҳикоялардан камида бештасини айтиб бермасанг, сени синфдан-синфга қолдириб юбораман.

Шодибек қувониб кетди. Албатта ўқишини айтиб, ўқитувчисининг кўлидан олган китобни бағрига маҳ-кам босганича кўчага югурди.

Эртанги кун адабиёт дарсида яна ҳамма қўл кўтар-ди. Бу қўллар орасида Шодибекнинг ҳам қўли борли-гини ҳеч ким сезмади. Ўқитувчи бу гал журналдан бошини кўтармасдан деди:

— Шодибек, чиқ доскага!

Синф сув қуйгандек жим бўлди. Ҳамма унга: «Та-мом бўлдинг, Шоди-и-и!» — дегандек қарарди. У шаҳд билан ўрнидан туриб, доскага чиқди ва кеча олган китобини ўқитувчининг столига кўйди. Сўнг ўқиган-ларини бирма-бир айта бошлади. Аввал бироз ҳаяжон-дан тутилиб-тутилиб гапирди. Болалар кулишди. Ўқитувчининг «жим» деган маънода столни муштла-ши уларнинг овозини ўчирди. Шундан сўнг Шодибек дадил-дадил ҳикоя қила кетди. Деярли дарснинг охи-ригача фақат у гапирди.

Ўқитувчи:

— Баракалла, болакай! — деб елкасига қоқиб кўйди ва Шодибекка ўша китобни тутқазди. — Бу китоб энди сеники, мендан совға! Баҳойинг эса «беш»!

Шодибек ўқитувчига раҳмат айтиб, жойига ўтирди. Мактабга келиб, шу кунгача «4» баҳо ҳам олмаган бола, ҳаётида биринчи марта «5» олди. Юраги ўйнаб кетарди. Болаларнинг ҳам унга муносабати бирдан ўзгарди.

Кейинги кун онаси ишга, у эса мактабга биргаликда йўлга тушишди. Мактабга етай деганларида муюлишдан адабиёт ўқитувчиси чиқиб қолди. Саломлашишди. Бир пайт онаси ўқитувчига қараб турди-да:

— Ука, сизга катта раҳмат! — деди.

— Нега ундай деяпсиз, хола?

— Мен... мен шу боламнинг қўлида китоб кўраман деб ўйламай ҳам қўйгандим... Раҳмат сизга! — онаси шундай дея, йиғлаб юборди.

— Э, хола, қўйсангиз-чи, ҳали ўғлингиз катта олим бўп кетади, — деб, ўқитувчиси бир жилмайди-да, шошиб мактабга кириб кетди.

У онасининг йиғлаганларини кўп бора кўрганди. Ҳар гал нимадир етишмаслигидан ёки Шодибек каби безори ўғилларининг навбатдаги ғурбатларидан куйиб йиғларди. Аммо бугунги тўккан кўз ёшлари унга бошқача туюлди. Шодибек учун бу йиғи ҳам ёқимли, ҳам ҳасратли эди.

У бир лаҳзада улғайиб қолгандек, катталардек фикрлай бошлади: «Наҳотки, мен ўз жоҳиллигим билан онажонимни шунчалик азоблаб келган бўлсам. Ҳали мен онам учун ҳеч бир яхшилик қилганим йўқ-ку. Бор-йўғи, кичкина бир китобчани ўқиб чиққанимга шунчалик тўлқинланиб кетдиларми? Мен яна онамни йиғлатиб қўйдим-а... Онажон, мени кечиринг!»

Бу сўзлар тилига чиқмаса-да, дилини куйдириб юборгандек бўлди ва онасини маҳкам қучиб, у ҳам йиғлаб юборди.

Шодибек шу кундан ўзгарди.

Вақтлар ўтди... Мана, ўқитувчиси айтганидек, каа-ат-та олим бўлмаса ҳам, катта рўзғорни боқишни эплайдиган касб-корнинг эгаси бўлди. Онажони ёнида, ардогида!

## ОНАМ БЎЛОЛМАЙСИЗ, КЕННОЙИ...

Биз ўшанда бола эдик...

Тоғли қишлоқ. Кеч кузак маҳал. Дарахтлар деярли яланғоч.

Кўшни ҳовлида яна «дод-вой!» бошланди. Идишлар синиб, жаранглади. Пақиру тоғоралар тарақлади. Яна «чарс» этиб таёқ синдим-ей...

— Бошланди, — деди онам уҳ тортиб. — Бу Асқар-жон сира одам бўлмади-я. Гулдек хотинини хор қила-япти.

— Э-э-э, онаси, Асқарга ҳам осон эмас, — деди отам хўрсиниб.

Мен уларнинг ташвишли суҳбатига безътибор ҳолда нимадир содир бўлишидан чўчиб ўтирардим. Бир пайт ҳовлимиз даричаси шарақлаб очилиб, Ойсара кеннойим югуриб кирди. Қовоқлари шишган, ялангоёқ, ҳаво салқин бўлишига қарамай битта кўйлакда эди. Ҳар галгидек онамга қараб, «жонимдан тўйиб кетдим!» дея хўнграб йиғлайди деб тургандим, йўқ, ундай бўлмади. Отамдан ийманди, шекилли. Отам тез-тез юриб кўчага чиқиб кетди. Онам менга «уйга кир» ишорасини қилди. Мен яна бир «дийдиё»ни тинглашдан «куруқ» қолдим.

Ойсара кеннойим онамга алланималар деб, роса йиғлади. Сўнг: «Нима қилай, укангизни яхши кўраман-да!» — деди. «Яхши кўраман» деган гап Асқар амаким ҳақида кетаётганини сезгандим. Ойсара кеннойим:

— Сизни ҳаммадан кўра кўпроқ яхши кўраман, опа-жон, — деди-да, сўнг омонатгина табассум билан ҳовлимиздан чиқиб кетди.

Менинг шу кеча уйқум келмади. Ойсара кеннойим-ни эсладим...

\* \* \*

...Ёзнинг сўнгги кунлари эди. Сойда чўмилавериб, юзларим тўр-тўр ёрилиб, «балиқ» бўлиб кетгандим. Тол тушда қорним очиб, уйга қайтсам, сўрида онам билан Ойсара кеннойим чой ичиб, кулишиб ўтиргандилар.

— Қани, ширин бола, бери кел-чи!

Мен салом бердим. Ойсара кеннойим алик олиб, сўзида давом этди:

— Сени ўзим кўтариб катта қилганман. Ҳали қараб тур, шунақанги бир чиройли қиз туғайки... сени ўзим куёв қиламан.

Улар барабар кулишди. Мен уялиб, ўзимни орқага тортдим.

— Майли болагинам, кел энди, уялма, — деди Ойсара кеннойим. — Гап бундай. Сен энди катта бўлдинг. Ўқишинг керак. Эртага мактабга борасан, сени ўзим ўқитаман. Гапимга қулоқ сол, мактабда мени «кеннойи» деб чақирма. Муаллима опа ёки шунчаки, Ойсара опа дегин, хўпми?!

Мактаб бошланиб кетди. Аввал бошда Ойсара кеннойимни «опа» деб чақириб қийин бўлди. Бир-икки бор болаларга кулги бўлдим. Ахийри, «муаллима опа» дейишга кўникиб ҳам кетдим.

\* \* \*

Эрталаб Ойсара кеннойим билан ҳар доимгидек мактабга бирга кетдик.

— Менга қара, ўзинг ақлли боласан, кечаги гаплар ҳақида бировга «чурқ» этмагин-а! — деди у кеча уйимизга йиғлаб келганидаги воқеаларни эслатиб.

Мен индамадим.

— Сен катта бўлсанг, ким бўлмоқчисан ўзи?

Мен яна жим эдим.

— Ҳа, майли. Ишқилиб, яхши одам бўлсанг бўлгани...

Ойсара кеннойим билан ҳар куни шу тарзда қишлоқдан бир чақирим наридаги мактабга қатнаймиз.

\* \* \*

Яна бир кун ўтди.

Бу гал кеннойим ҳам, мен ҳам жим кетардик. Фақат бир нарсага эътибор бердим: рўмолини сал бошқачароқ ўрабди. Чап юзини деярли бекитиб олган. Мактабга етай деганда тўсатдан у икки елкамдан маҳкам тутиб, мени ўзига қаратиб олди ва деди:

— Менга қара, жон болам! Менга ўғил бўлмайсанми? Мени ҳам «Онажон!» деб чақиргин... Менинг ўғлим бўлсанг-чи, а? Ахир... ахир, бизнинг ҳовлимизда ўйнашни яхши кўрасан-ку. Арғамчилар илиб бераман. Ҳамма нарса олиб бераман... Асқар амакинг ҳам сени яхши кўради... — деди.

Ва яна кўп гапларни айтган Ойсара кеннойимнинг кўзлари ёшланди. Ўксиб-ўксиб йиғлади. Рўмоли ечилиб, сочлари тўзиб кетди. Нега рўмоли билан чап юзини ёпиброқ ўраганини энди тушундим. Унинг юзи кўкариб кетганди, қулоғида сирға ўрнида қон қотиб қолганини кўрдим. Шунда у бирдан йиғидан тўхтаб, менга бақира кетди:

— Қанақа боласан?! Нега бир оғиз гапирмайсан! Бир оғиз «сизга ўғил бўламан» деб қўя қолсанг камайиб қоласанми?..

Мендан эса барибир садо чиқмади...

Болалик экан, танаффус пайти синфхонада тўполон қилиб, дераза ойнасини синдириб қўйдик. Дарс бошлангач, ҳамма хавотир билан ўтирарди.

Аммо Ойсара кеннойим ҳеч кимни койимади. Фақат дарс тугагач:

— Ойна синса, уни қайта бутлаб бўлмайди. Аммо ўрнига бошқасини қўйиш мумкин. Янгисини... Инсоннинг кўнгли ҳам ойнага ўхшайди, бироқ у синса, бутлаб ҳам, ўрнига янгисини қўйиб ҳам бўлмайди, — деди.

\* \* \*

Эртаси куни тонг маҳали қўшни ҳовлида бошқача «дод-вой»лар эшитилди. Аслида мен ҳам шундан уйғониб кетдим. Онам тинмай йиғларди.

— Бечора Ойсара... бу дунёда кун кўрмади. Тур, ўғлим, юз-қўлингни юв. Бугун мактабга бормайсан. Ойсара кеннойинг ҳаммамизни ташлаб кетди. Яқинларига қўшилиб, сен ҳам йиғлаб тур. Сени «болагинам» дерди-я. Тур, болам, ахир биласан, кеннойингнинг «Онажон!» деб йиғлайдиган дилбанди бўлмаса...



Бўғзимга нимадир тиқилиб келди. Йиғлаётган одамлар орасида турибман-у, аммо сира кўзимга ёш келмайди. Мен ҳамон жимман... сўнг илк бора жиддий ўйлай бошладим. Ойсара кеннойим билан хаёлимда суҳбат кура бошладим. Фақат энди мен тинимсиз гапирардим, у эса жим... Мен тинимсиз гапирардим, у эса жим...

«Нега ундай қилдингиз? Энди биз мактабда қандай ўқиймиз? Нима, энди менга довучча қоқиб бермайсизми? Асқар амаким сизни қаттиқ хафа қилди-ми? Истасангиз, рогатка билан Асқар амакимнинг кўзини чиқараман... Лекин, Асқар амакимни доим яхши кўраман дер эдингиз-ку... Нега бунақа қилдингиз, кеннойи?... Нега мени болам дердингиз? Менинг ойим бор-ку... Қанақа қилиб мен сизни «ойи» дейишим мумкин... Мен сизни яхши кўрардим... Ойимдек яхши кўрардим, кеннойи... Ахир, болангиз бўлмаса ҳам сиз барибир яхши она эдингиз-ку!»

Мен хаёлимда тинимсиз гапирардим, у эса жим...

## «ФАРҚ»ЛИ ОПА

*(воқеий ҳикоя)*

Одам эсини таниб, дунё билимларини ўрганиш учун борган илк мактаби бошқа олам-у, ҳаёт мактаби бошқа экан. Бундан йигирма йил муқаддам мактабни битириб, пойтахти азимдаги энг катта билим масканида ўқиш орзуси билан «юрак ютиб» Тошкентга келдим. Аслида мени аламлар етаклаб келган эди.

Тошкент сафари олдидан ўзим ихлос қўйган, ҳурмат қиладиган барча устозларимдан оқ фотиҳа олиш учун бир-бир ҳузурларига кириб чиқдим.

— Ҳозир ўқишларда ҳақиқат йўқ. Пулинг бўлмаса, олий ўқув юртини орзу ҳам қилиб ўтирма. Сен оддий бир ишчининг боласисан, катта ўқишларга бориб вақт ўтказма, яхшиси, бирор касб-ҳунар билим юртига ҳужжат топшир, ота-онангни қийнама, — деди ҳар гапини шартта айтишга одатланган бир ўқитувчимиз. Мен

хайратда қотдим. Наҳотки, мен энг кўп ҳурмат қиладиган ўқитувчиларимдан бири шу сўзларни айтаётган бўлса.

У нега бундай деди? Мен отамдан ортиқча пул талаб қилмайман. Йўлкира ва бир ойга, имтиҳонларни топшириб олгунимча етадиган пул берса бўлди, деб юрибман-ку. Наҳотки, шу ўқитувчи ҳақ бўлса... Йиғламоқдан бери бўлдим. Шу кеча, мактабга илк қадам қўйганимдан тортиб, уни аъло баҳоларга битирган кунимгача бир-бир эслаб чиқдим. Бу йиллар менинг қалбимга қанча-қанча орзулар солиб келганини ўйладим. Наҳотки ҳаммаси энди армонга айланса, дея кўнглим бузилди.

Тонгда отамдан пул сўрадим.

— Ота, менга 50 сўм етади. Ҳисоблаб чиқдим. Ўта тежамкор бўламан. Йўлкира ва еб-ичишимга шу пул етарли.

— Биласан, уканг, сингилларинг бор. Рўзғор катта. Ойликка қараган одам бўлсам. Яхши жойларда ўқиб, тезроқ ёнимда суянчиққа айланишингни жуда-жуда истайман. Аммо, ҳозир менда 50 сўм пул чиқмайди, болам.

— Ота, ўзимда ҳам 20 сўм бор. Сиз 30 сўм берсангиз бўлди, етади.

— 20 сўм? Қаердан олдинг уни?

— Эсингиздан чиқдимми? Нусрат ака бор-ку, кино-клубдаги рассом. Бирга дарс қиладиган синфдошимнинг отаси. Баҳорги таътил арафасида Нусрат ака касал бўлиб қолганди. Дарс тайёрлашга борганимда у кишининг ўрнига афишаларни чизиб-ёзиб бергандим. Тузалганидан кейин, маошини олганида, ўша ёрдимим учун менга пул берганди. Йўқ дейишимга қарамай, чўнтагимга солиб қўйди. Мен розиман, сенинг меҳнат ҳақинг, деганди.

— Майли, болам, баракасини берсин.

Отам менга айтган пулимни берди ва оқ йўл талаб, дуо қилди. Оиладаги етишмовчиликдан хижолат эканлигини айтди.

— Ҳадеб ўзингизни айблайверманг, ота. Муҳими, бизга тўғри тарбия бериб келяпсиз-ку. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади.

Шундай дея Тошкентга йўл олдим.

Шу топда отамдан ҳам, Нусрат акадан ҳам хурсанд эдим. Биласизми, туманда Нусрат акадан бошқа рассом йўқ эди. Мен тузуккина расм чизардим. Отам, балки ҳужжатларингни рассомчиликка топширарсан, деди. Мен туманимиздан рассомчилик институтини кетмакет тўртта йигит битираётганини, бир-икки йилда туманда рассомларга эҳтиёж бўлмаслигини айтдим. Қолаверса, менинг орзуим журналист бўлиш эди.

Мени ҳеч ким танимайдиган пойтахтга илк бора сафарим осон кечмади. Университетга ҳужжат топширишимнинг ўзи бир азоб бўлди. Ҳамма ўз ташвиши билан банд, қайси ҳужжатни қаерга топширишим керак, қаердан қандай тавсия олишим лозим, шулар ҳақида одамлардан маълумот сўрасам, ҳаммаси оғриниб, жўяли жавоб айтишмайди. Ҳужжатлар тўлиқ қабул қилинмасдан абитуриентларга ётоқхона беришмас экан. Одамлар тун билан ухламай чиқадиган аэропорт менга тунаш манзили бўлди. Тежаб-тергаб юрган пулимни киссавурларга олдириб қўймаслик учун ухласдан тонг оттирдим. Қоқилиб-туртиниб, уч кун деганда амаллаб ҳужжатларимни топширишга муваффақ бўлдим. У вақтлар тест имтиҳонлари деган гап йўқ эди. Номдор домлалар қаршисида минг ҳаяжонга тушиб, кириш имтиҳонларини ҳам топширдим. Аъло баҳоларга эмаску, аммо ҳартугул йиқилмадим.

Маълум муддат ўтгач, ўқишга кирганлар рўйхати эълон қилинди. Мен эрта қувонган эканман. Мен каби имтиҳонларни турли баҳоларга топширганлар кўп экан. Баҳолари энг юқори натижани кўрсатганларгина талаба бўлишди. Менга эса атиги бир «балл» етмай қолди. Шунча жойга келиб, етдим деганда йиқилишим, ҳалиги, мактабдаги ўқитувчимнинг гапларидан ҳам ошиб тушди... Эҳ, отам менинг олий маълумотли бўлишимни қанчалик орзу қилганди-я... Ҳаммаси тамом... Ҳуж-

жатларимни қайтариб олиб, бирор техникумга топшираман, деган қарорга келдим.

«Балл»лари етмаган абитуриентлар ҳужжатларини қайтиб олиш учун узун навбат ташкил қилишганди. Оғир қадамлар босиб, улар билан сафлашдим. Тўрт-беш столда университет ходимлари ҳужжатларни қайтариб беришарди. Ниҳоят, менинг навбатим келди. Қоп-қора сочларини ўртасидан «фарқ» очиб турмаклаган бир опа менинг ҳужжатларимни ахтара кетди. Дарвоқе, ҳужжатларимизга кириш имтиҳонларидаги баҳоларимиз ҳам илова қилинар экан. Ҳалиги опа менинг баҳоларимни кўриб, қошларини чимирди.

— Ука, сизнинг баҳоларингиз юқори экан-ку. Бу натижа билан сиртқи бўлимга ариза ёзсангиз, сизни имтиҳонсиз қабул қилишади.

Мен сиртқи бўлим нима эканлиги ҳақида озгина ҳам тушунчага эга эмасдим.

— Йўқ, мен яхшиси, техникумга топшираман, ҳужжатларимни қайтиб беринг, — дедим кайфиятсиз ва бироз жаҳл оҳангида.

— Ие, қизиқ бола экансиз, университетда ўқиш қанча-қанча ёшларнинг орзуси-ку. Шу ергача, тагин юқори натижалар билан етиб келибсиз, энди айтаётган гапингизни қаранг, — деди опа астойдил куйиниб.

Мен унинг юзига тик қарай олмадим. Умуман, ўқишдан йиқилдим деб ўйлаганим учун, бошимни тик кўтаришга журъатим етмай қолганди. Сиртқи бўлим қанақа ўқиш, деб сўрашга уялдим. Соддалигимдан кулишади деб ўйладим. Аммо, саволимни уққандек, опанинг ўзи тушунтира кетди.

— Ўқишни битиргач, барибир, олий маълумотли бўласиз. Дипломингиз бир хил кучга эга бўлади. Имкон топсангиз, бир вақтнинг ўзида бирор таҳририятда ишласангиз ҳам бўлади. Ахир, кўшимча даромад ўзингизга, оилангизга фойда эмасми?..

«Фарқ»ли опа, яъни сочини фарқ қилиб очган ўқитувчи аслида менинг кўнглимдагини топиб гапирарди. Ҳатто менга сиртқи бўлимга ариза ёзиш наму-

насини ҳам кўрсатиб берди. Мен эса, ҳамон ўзимни ҳақиқий талаба ҳисоблай олмаётганим учунми, унинг юзига ҳам қарамай, хушламайгина намуна қоғозни олдим. Сўнг «фарқ»ли опа айтганидек ариза ёзиб, ректорат қабулхонасига йўл олдим.

Орадан кўп ўтмай сиртқи бўлим талабаси бўлган-лигим ҳақидаги буйруқни ўқидим. Курсни ўрганиш сабоқлари бошланди. Курсдошларим билан танишдим. Биз ўқийдиган бўлим ҳам бошқаларидан қолишмаслигини, ҳақиқий талаба бўлганимни эндигина англай бошладим. Шукроналик ҳисси билан, менга йўл-йўриқ кўрсатган опага миннатдорчилик билдириш учун уни излай бошладим. Ўшанда юзларига тик қарамаганим учун эслаб қолмаган эканман. Фақат сочларини ўртасидан «фарқ» очиб турмаклаганини эслардим, холос. Шу боис уни ўзимча «фарқ»ли опа деб атардим. Шундай кўринишдаги ўқитувчи опалардан сўрасам: «Мен ҳеч қачон унақа жойда туриб, ҳужжат тарқатмаганман», — дейишарди.

Тез орада бизни ҳарбий хизматга чақиришди. Икки йилдан сўнг қайтиб келиб, яна ўқишимни давом эттирдим. Яна беш йиллик ўқиш даврида мен ўша мунис опани қидириб юрдим. Аммо тополмадим. Соч турмаклари ўша опага ўхшаган аёлларни кўрсам, кўзларим қувнаб кетарди. Бир вақтнинг ўзида хижолатдан юрагим эзиларди. Ахир, тўпори феълим боисми, ҳаддан зиёда содалик туфайлими, ҳартугул, недир бир номаълумлик юки оғир келиб, ўшанда менга тўғри йўл кўрсатган опахонга бир оғиз раҳмат ҳам демабман...

Ким эди ўша «фарқ»ли опа?.. Етти ухлаб тушига кирмаган, бегона бир жайдари бола учун шунча куйинишга уни нима мажбур қилган экан?.. Ёки у аслида аёл қиёфасига кириб олган фариштамикан?.. Фаришталар ўз яхшиликларини англатмаслик учун одамларни ўзларига қаратмай кўярмикан?.. Билмадим, билмадим... Аммо, орадан йиллар ўтиб, ҳар гал касбим туфайли муваффақиятларга эришганимда ўша фариштасифат аёл олдида бош эггим келади, унга ташаккурлар айт-

гим, эътиборсизлигим учун минг бора узрлар сўрагим келади.

— Агар фаришта бўлсангиз, ўшанда сизни менга йўллагани учун Тангрига ҳамду санолар айтаман, агар одам бўлсангиз, эзгуликда фаришталар билан беллашишга қодир аёлларни яратгани учун яна Аллоҳга шукроналар бўлсин, дейман! Сизни тополмаганим учун мени кечиринг, менинг «фарқ»ли ва ҳаммадан фарқли фариштасифат опагинам!..

## БЕГОНА ҚИЗИМ

Ишхонамда ўтириб, уй харид қилиш мақсади билан газетадаги эълонлардан бири бўйича қўнғироқ қилдим. Гўшакдан аёл кишининг рус тилидаги жавоби эшитилди. Харид шартлари менга маъқул бўлиб, ўша манзилни топиб бордим. Икки хонали квартира. Эшик қўнғироғини босдим. Менлигимни билиб, аёл эшикни очди. Русчалаб салом бердим. У алик олди ва бир зум ҳайрон ҳолатда, бир сўз демай менга тикилиб қолди.

— Кечирасиз, адашибман шекилли?.. — дея кетишга чоғландим.

— Йўқ, адашмадингиз, — деди аёл овози қалтираб. Кейин ҳартугул ўзини ўнглаб, мени ичкарига таклиф қилди.

Кирдим. Ошхона томондан қўшиқ хиргойи қилиб, ўйнаб ўтирган қизалоқнинг овози келди. Мен хоналарни кўздан кечириб, кейин ошхонага ўтдим. Аёл квартирасини тинимсиз мақтаб турибди. Ошхонага қадам қўйишимни биламан, ҳалиги қизалоқ, тахминан икки-икки ярим яшар бўлса керак, мени кўрди-ю: «Папа! Пап вернулся!», яъни: «Дада, дадам келдилар!» — деб ўзини бағримга отса бўладими? Қизалоқ шунақа ширин эдики, унинг интилишини рад этиб бўлмасди. Уни бағримга босиб, аёлга қараб, «тушунмадим» деган маънода қошимни учириб, лабимни бурдим. Аёлнинг кўзлари ёшланди.

Аёл менга оилавий альбомини кўрсатди. Тасодифни қарангки, суратларда гўё мен борман. Аёлнинг эри

менга жудаям ўхшар экан. Дарвоқе, сочларим сариқ, кўзларим мовий. Баъзан кўча-кўй, бозор-ўчарда ўзбеклар ҳам менга русчалаб гапиришади. Ўзбеклигимни билгач, кулиб кўйишади. Хуллас, қизча мени отасига ўхшатибди.

Аёлнинг айтишича, эри бир йилча олдин Россияга кетиб, қайтиб келмабди. Тез кунда уларни ҳам олиб кетишини айтган экан. Аммо шунча вақтдан бери домдараксиз экан. Қизча уни яхши кўрар, соғинар экан. Вазиятни тушуниб, қизчани бироз эркалатдим. Пастга тушиб, музқаймоқ ҳам олиб бердим.

Уйнинг нархини эса келишолмадик. Мен кетдим. Тез орада бошқа жойдан квартира сотиб олдим.

Бир куни ишхонамда ўтирсам, телефон жиринглади. Гўшакни кўгардим. Бир аёл русчалаб салом берди. Русийзабон танишларим йўқ эди, деб ажабландим. Билсам, яна ўша аёл экан. Ўшанда унинг телефонида менинг иш телефоним рақамлари ёзилиб қолган экан. Хуллас, у уйини сотмабди. Менга арзон нархда беришини айтди. Мен эса аллақачон бошқа уй сотиб олганимни айтдим. Аёл йиғлаб гапира бошлади.

— Гап шундаки, қизим ўша кундан бери хархаша қиладиган, отасини сўраб йиғлайдиган бўлиб қолган. Илтимос, мени тўғри тушунинг... Бошқа хаёлга борманг. Гўдак ичкиб қолган, тинмай йиғлайди. Малол келмаса, бизникига келиб, қизимни бироз овутиб кетинг. Йўқ деманг. Агар унга бирор нарса олиб бериш керак бўлса, пулини ўзим бераман. Фақат сиз олиб берсангиз бўлгани.

Қай аҳволга тушганимни тасвираб беролмайман. Аммо аёл йиғиси юрагимни юмшатиб юборганди. «Ҳаракат қиламан», — деганимдан сўнг рус аёл мени узоқ дуо қила-қила гўшакни кўйди.

Оилалиман, ўзимнинг ҳам икки фарзандим бор. Воқеани хотинимга сўзлаб бердим. У қошларини чимириб: «Ҳали менга билдирмасдан... қизлик бўлишга ҳам улгурганмидингиз, а?» — дея аввалига ҳазил қилди. Сўнг, қизчага раҳми келиб: «Бориб кела қолинг», — деди.

...Қизча узоқ вақт бўйнимдан кучиб турди. Жудаям галати бўлиб кетдим. Мурғаккина меҳрибон кучоқ мени сел қилиб юбораёзганди... Бунча ёқимтой бўлмаса-я... Бу гўдаккинанинг отаси қайларда экан?..

— Менга ишонсангиз, қизалоқнинг фақат ўзини олиб кетсам. Сиз уйингизда қолаверинг... икки соатда қайтиб келамиз, — дедим аёлга танишларим кўриб қолиши мумкинлигини назарда тутиб... У рози бўлди. Бироқ қизалоқ кўнмаса денг....

Хуллас, биргаликда сайрга чиқдик. Уларни кўчада, боғларда сайр қилдирдим. Ҳамма харажатларни аёл зиммасига олди. Аммо қизалоққа кўғирчоқ совға қилдим.

— Йўқ, пулини олинг, — деди аёл жиддий... — Ахир шунга келишдик-ку...

Мен буни чин кўнгилдан совға қилаётганимни, қизча менга ёқиб қолганини, қолаверса, ўзимнинг ҳам қизим йўқлигини айтдим.

Қизалоқ шу куни роса хурсанд бўлди. Кейин, энди мен узоққа кетаяпман, деб у билан хайрлашдим. Ўзиям актёр бўлиб кетдим-ов. Аёлдан узр сўраб, менга бошқа кўнғироқ қилмаслигини тайинладим. Сўнг кетдим. Кўп ўтмай уларни унутдим.

Орадан икки йилча вақт ўтиб ҳалиги аёл яна менга кўнғироқ қилди. Яна ўша гап...

Наҳотки, қизчанинг отаси келмаган бўлса. Мен энди унинг илтимосини қатъий рад этдим. Чунки қачондир қизчанинг ёлғонларга ишониб юргани фош бўлганида мен виждонан қийналаман, деб ўйладим. Ҳозир у кичкина, бу нарсага кўникиб кетар, деган фикрга бордим. Аёл бошқа кўнғироқ қилмади.

Яқинда бир иш билан шаҳарнинг ўша даҳасига бориб қолдим. Негадир бегона «қизим»нинг тақдири билан қизиқиб, таниш уй кўнғироғини босдим. Қизча ҳам анча катта бўлиб қолгандир, деб ўйлардим. Эшик очилди. Аммо бошқа одамлар. Маълум бўлдики, аёл уйини сотиб, бошқа жойга кўчиб кетибди. Қаерга кўчиб кетганини улар билишмас экан. Уларни қидириш бе-



фойда ва шарт ҳам эмас, деб ўйладим. Аммо эсласам, ҳамон кўнглимни хижолатчиликми, нимадир безовта қилаверади... Кўча-кўйда ширинтой қизалоқларни кўриб қолсам, ўша беғубор «бегона қизим»ни соғиниб кетаман...

## ЯНГИ ОЙИ

У жажжи қўлчалари билан ариқ четидаги майса ва ялпизларга сув сачратиб, йиғлаб ўтирарди.

— Нега йиғлаяпсан, ўғлим? — сўради ортидан келган дадаси.

— Нега бузоқчамни сўйдингиз? Сизни ёмон кўраман...

— Болам, тушунсанг-чи, ахир. Агар сўймасак, бузоқчанг ҳаром ўлиб қоларди.

— Уни сиз ўлдирдингиз, сиз... сизни ёмон кўраман... Ойим бўлганларида бузоқчамни сўйдирмасдилар...

Дадаси бошқа сўз айтмади, аммо бирдан уни бағрига маҳкам босди. Сўнг: «Бўлди, бошқа гапирма», — деди-да, унга қўшилиб йиғлаб юборди.

Қизиқ, кап-катта одам ҳам йиғлар экан-да... Энди унинг йиғлагиси келмай қолди. Дадасининг ёшланиб турган кўзига қараб, нега бунақа бўлаётганини тушунмай, жим турарди. Кейин секин дадасининг кўзини бекитиб турган қўлларини тортди ва сўради: «Дада, сиз нега йиғлаяпсиз? Бирор жойингиз оғрияптими?»

Дадаси «ҳа» дегандек бошини силкитди ва уни етаклаб, ҳовли томон юра бошлади.

— Сизни ёмон кўраман деганимга йиғлаяпсизми, дада, — деди у йўл-йўлакай.

Дадаси, яна «ҳа» ишорасида бош силкиди ва кулиб кўйди. Дадаси кулса чиройли, яхши одам бўлиб кўрилади. Ҳали йиғлаганида қандайдир кўрқинчли одамга ўхшаб қолганди.

— Дада, сизни ёмон кўрмайман, энди йиғламанг, хўпми.

Дадаси, «хўп», дея бош силкиди-да, сўнг уни даст кўтариб, бағрига маҳкам босди.

Уни анчадан бери ҳеч ким бунчалик маҳкам бағрига босмаганди. Эслади: охирги марта ойижониси уни шундай қаттиқ қучганди. Ўшанда, ойиси: «Яхши бола бўлиб ўтиргин, мен сенга укача олиб келаман», — деганди. Икки марта ухлаб тургандан сўнг дадаси, амакилари, яна оқ халатли икки нотаниш одам ойисини нарвонга ўхшаш нарсада кўтариб келишди. Уйдан кетаётганида ойисининг қорни катта эди. Қорни пучайиб, жуссаси ҳам кичкинагина бўлиб қолибди. Ойиси ухлаб ётарди. Аммо у ишонмади. Чунки, икки юзидаги чуқурчалари кўриниб турарди. Чунки бу чуқурчалар ойиси кулганидагина шунақа кўринарди. Ойиси ўзини ухлаганга солиб, ҳаммани алдаяпти. Бир маҳал, бувисидод солиб йиғлаб, уни кўрқитиб юборди.

Катта амакиси уни дарҳол кўтариб, ўзининг уйига олиб кетди. Амакисининг уйида у зерикади. Чунки уларникида у билан ўйнайдиган ўғил бола йўқ. Учта қизи бор. Катта қизининг чиройли сумкаси бор. У яқинда мактабга бора бошлади. Кеннойиси шу қизига: «Тўполон қилмасдан, жанжаллашмасдан ўйнаб ўтиринглар, кўчага чиқманглар», — деб тайинлаб, уни ҳам шу қизларнинг ёнига ўтқазиб қўйди. Сўнг бошига оппоқ рўмолини ўраб, чопон ва дўппи кийиб олган амакисига эргашиб чиқиб кетди.

Шу куни амакилари унга ҳам хатна тўйида аммалари совға қилган зарли чопонини кийдиришди ва белига белбоғ бойлашиб, яна ўзининг уйига олиб чиқишди. Қараса, ҳовлилари одамга тўлиб кетибди. У амакиларига ўхшаб чопон кийиб олган дадасининг ёнига борди. Дадаси юзига рўмолчасини босиб, жим ўтирарди. Сўнг бир қўли билан юзини бекитиб, иккинчиси билан уни қучиб, бошини силаб қўйди.

Бироздан кейин амакилари, одамлар, ҳаммалари узун сандиқ ўрнатилган нарвонни елкаларига кўтариб, қишлоқ ортидаги тепаликка йўл олишди. У ерни «мозорот» дейишарди. У ер кўрқинчли жой эди. Болалар у ерга бормасди. Лекин ҳозир у дадаси етакловида елкаларига ўша узун сандиқни кўтариб кетаётган одамлар орасида пилдираб борарди. Кейин билса, ўша узун сан-

диқ ичида ухлаб ётган ойисини олиб кетишаётган экан. Шу-шу, ойиси қайтиб келмади.

Ҳа, айтганча, ойиси алдамаган экан. Укача олиб келаман, деганди-ку. Аммо, укача эмас, сингилча ташлаб кетган экан. Бир-икки кунда сингилчасини олиб келишди. У кўрди. Юзлари қип-қизил, кўзчаларини зўрға очиб-юмади. Роса кулгили. Жуда кўп йиғлайди. Бир сафар туни билан йиғлаб чиқди... Бувиси, кеннойилари бир бўлишиб, уни роса овутишди. Аммо у кўнмади. Ойиси бўлганида сингилчасини овутишни биларди.

У анча вақт ойисини эслаб ётди, сўнг ухлаб қолибди. Эрталаб турса, бувиси ва кеннойилари сингилчасининг тепасида ўтиришарди. Сингилчаси энди йиғламасди. Уни оппоқ йўрғакка ўраб қўйишганди. Ҳамма жим. Бувиси: «Бояқиш онасини соғинган экан-да», — деди ва йиғлаб юборди. Шу куни дадаси ва амакилари сингилчасини ҳам ойисининг ёнига қўйиб келишди.

У ўша кундан бошлаб зерика бошлади. Ойисини соғинарди. Ҳар куни уни эркалаб, эртақлар айтиб беришини истарди. У ойисини тез-тез эслайдиган бўлиб қолди. Бир куни уни тушида кўрди. Ойиси икки юзидagi чуқурчаси кўришиб, кулиб турармиш. Ойисининг олдига борай деса, негадир оёқлари ўзига бўйсунмасмиш. Сўнг, бирдан шамол туриб ойисини учириб кетибди. Чўчиб уйғониб кетса, ойиси ёнида йўқ... Дадаси хуррак отиб ухлаб ётарди. У роса йиғлади. Аммо ўшандан кейин негадир ойиси унинг тушларига кирмай қўйди.

Ойиси уйда юрган пайтларда ундан бир қадам ҳам узоқ кетмасди. Ҳатто, ухлашга ҳам чўчирдики, гўё ухласа, ойиси қаергадир кетиб қоладигандек. Ҳар гал уйқудан уйғонганида хаёлида чарақлаган биринчи савол ҳам шу эди: «Ойим қанилар?» Сўнг шартта ўрнидан туриб, ҳовлига югурарди. Ойисининг ҳовли супураётгани ёки ошхонада нонушта тайёрлаётгани ё бўлма-са сигир соғаётганини кўргандан сўнггина хотиржам тортиб, енгил нафас оларди.

У ойисининг сигир соғишини томоша қилишни

яхши кўрарди. Сигир жим туриб, бузоқчасини яларди. Энди бу сигирни бувиси соғаяпти. Даладан қайтиб келган сигир бузоқчасини ялаётганини кўрганида у ҳам ойижонини эсларди. Шу сигир яқинда яна бузоқча туғди. Дадаси ва амакилари негадир бузоқчанинг сигирни эмишига йўл қўймасдилар. Сигир қандайдир касал бўлганмиш.

Бир куни тонгда уйқудан турса дадаси ва амакилари сигирни сўйиб, терисини шилиб, сўнг катта машинага ортиб юборишди. У кўрқиб кетди. Ойиси яхши кўрган сигир ўлиб қолибдимми, а? У дарров бузоқчанинг олдига югурди. Бузоқча ҳеч нарсани тушунмай, кавшаниб турарди. Унинг ялтироқ жунлари малла, аммо пешонасида оқ қашқаси бор. Жудаям чиройли. Ҳеч ким йўқ пайтида у бузоқчаси билан гаплашарди. Ойиси ҳақида гапириб берарди. Бугун эрталаб дадаси ва амакилари бузоқчани ҳам сўйиб қўйдилар. Бунинг учун дадасини ҳам, амакиларини ҳам ёмон кўриб кетди.

Шу тобда, худди ойиси каби уни бағрига маҳкам босиб олган дадасини ёмон деёлмасди. Ёмон кўраман деса, дадаси ҳам йиғлаши мумкин. У дадасини яхши кўради. Дадаси уни сўрига ўтқазиб қўйди. Сўрида бувиси, кеннойилари ширгуруч пишириб, уларни кутиб ўтиришган экан. Улар биргаликда нонушта қилишди. У дадасининг йиғлаганини айтиб, бувисини ҳам кулдирди. У бувисини ҳам яхши кўради.

Овқатланиб бўлишгач, бувиси чўнтагидан конфет ва ёнғоқ чиқариб унга берди ва юзидан ўпиб қўйди. Сўнг шундай деди: «Ўргилай ўзимнинг ақли болагинамдан. Энди сен катта бўляпсан. Сал нарсага хафа бўлаверма. Биламан, сен ойингни соғингансан. Ҳаммамиз ҳам соғиндик. Шунинг учун эртага сенга янги ойи олиб келамиз».

У кийимнинг, нарсаларнинг янгиси бўлишини биларди. Аммо, ойининг ҳам янгиси бўларканми, дея анграйиб қолганди. Бу ҳақда бувисидан сўраганди, ҳаммалари кулиб юборишди. Сўнг: «Янги ойи ҳам ойижонимга ўхшайдими?» — деб сўради.

— Ҳа, жоним, янги ойи ҳам ўз онангиздек бўлиб кетади, — деди кеннойиси.

— Нима, ўзимнинг ойим эски эдими? Одам ҳам эскирадимми? Барибир, менга эски ойим қайтиб келганида яхши эди-да, — деди у конфет тишлаб. Сўридагилар яна бир зум жим бўлишиб, кейин ўзларича нималарнидир гаплашиб кетдилар. У сўридан оёғини осилтириб, янги ойини тасаввур қилиб, уни ўз ойиси билан таққослаб кўрмоқчи бўлди. Янги ойини тасаввур қилишдан кўра, эски ойисини эслаш осон экан.

Эслади... Ёз кечалари шу сўрида ухларди. Тонгда сигирдан соғилаётган сутнинг «пов-пов» қилиб пақирга қўйилган товушидан ёки қўл кувидаги айроннинг ёғоч пишкак урилгандаги шовуллашидан уйғонарди. Булар ойисининг оддий кундалик юмушлари эди. Ўзи уйғонмаган пайтларда ойиси келиб уйғотган дамлар кўп бўларди. Ҳа, ойиси уни уйғотиб қўярди. Астагина турткилаб эмас, овоз чиқариб эмас, исмини айтиб эмас... Шунчаки, секин энгашиб, юзларини юзига босар ёки оҳиस्ताгина кўзларидан ўпиб қўярди. У секин кўзларини очиб, тепасида жилмайиб турган ойижонини кўрарди. Ойиси аллақачон уйғонган, сочларини бежирим турмаклаган, ҳатто рўзгорнинг тонги юмушларини ҳам бажариб бўлган, ҳамма ёқни саранжом-саришта қилган бўларди. Унинг ойиси дунёдаги энг яхши ойи эди.

Бувиси, кеннойилари ҳар қанча мақташмасин, янги ойини тасаввур қилишдан кўра эски ойисини эслаш осон экан. Ишқилиб янги ойи ҳам худди ўзининг эски ойисига ўхшаган ойи бўлсин-да!..

## ДУГОНА

Унга тавсия этилган ишга энг яқин ҳамкасаба дугонаси «таниш-билиш» қилиб ўтиб кетибди. Ҳаммасидан хабари бор эди-ку... Бунинг учун қанча-қанча лойиҳаларни ишлаб чиқиб, шу дугонаси билан неча бор муҳокама қилишганди... Дугонаси эса барча гоёларини ўзлаштириб олган экан... Уялмади-я...

Яхшиям, синфдош дугонаси қўнғироқ қилди... Яхшиям иккинчи бор жиринглаганда гўшакни кўтарибди. Битта қўнғироқ унинг қўнглини чароғон этиб юборди... Жаҳлидан тушмай ўтираверганида, ким билади, яна қанча вақт сиқилиб юрарди. Бир ҳафтаки, ҳеч ким билан гаплашишни истамаётган эди...

Адолат кўзгуга тикилганича синфдош дугонасини эслашга уринди. Эслади... Юриш-туриши пала-партиш. Сочлари ҳам тузук турмакланмаган... Дуч келган ўғилми-қиз — синфдошларга исталган мавзуда гапириб кетаверадиган қиз. Сабоқлар бўйича боши икки, учдан чиқмасди...

Инсон ҳаётида мактаб даври, ўқувчилик йиллари-дек сермазмун йиллар бормикан? Тўғри, болалик эди, эсларини йиғиб олишга улгурмагандир, ўсмирликнинг ўзига хос шўхликларидир, улар ҳам кўп бора устозларни ранжитишган. Ўша дамларни эслаб, бугун кексайиб қолган устозларига айтишса, улар ҳам ўшанда қандай жаҳллари чиққанини эслашиб, мириқиб куладилар. Афсуски, энди у дамлар ортда қолди. Умр — оқар дарё. Гўзал хотираларгина барчасига овунч.

Моҳира унинг телефон рақамини қишлоқдаги уйдан олибди. Ҳозир у ҳам оилали, ҳаёти тўқис-фаровон, бахтли экан. «Иложи бўлса, ҳар замонда кўришиб, болалик давримиздан суҳбатлашиб турсак, болаларимизни таништирсак, оилавий дўстлик ришталарини боғласак», деган таклифини айтди. Адолат у билан телефонда яхшигина гаплашди. Синфдош дугоналарини соғиниб юргани учунми, Моҳиранинг сўзлари унга хуш ёқди. Дугонасининг таклифини эрига айтди. Эри уни тушунди: «Майли, оиласи билан танишайлик», — деди. Моҳира ҳам, Адолат ҳам бундан роса хурсанд бўлишди...

Бу суҳбат Адолатга қайта-қайта мактаб даврини эслатаверди.

У яна Моҳирани тасаввурига келтирди: оддий, содда, кўримсизгина қиз. Балки Адолатнинг назарида шундайдир, ҳар ҳолда негадир унга деярли ҳеч ким эътибор бермас эди. Тўғрироғи, унинг ўзиям ўзига ун-

чалик эътибор бермасди. Бошқа қизлар ҳам ҳадеганда у билан дугона бўлиб кетмасди. У эса гуруҳ-гуруҳ бўлиб олган қизларга имкон қадар яқин бўлгиси келарди. Аммо уни ҳеч ким жиддий қабул қилмасди. Адолатнинг назарида, бу қизга жуда қийин эди. Унинг ўрнида бўлиб қолишни асло истамас эди...

Энди ўйлаб қараса, аслида Моҳира ўша муносабатлардан зиғирча ҳам хафа бўлмас, кўнглига олмас экан. Табиати шунақами, ким билсин... Ҳис-туйғуларга берилувчан ва бир вақтнинг ўзида жудаям бағрикенг. Ўзи билибми-билмай, ҳаётнинг ҳар қандай манзарасидан гўзаллик ахтариб яшар экан. Моҳира ўшанда ўқувчилик даврининг гўзал таассуротларга бой, эса қоладиган бўлишини истаган экан-да. Шу боис, ҳеч ким эшитмаса ҳам ўзининг турли таклифларини айтар, ҳеч ким қулоқ солмаётганини билганида ҳам асло хафа бўлмас, кулибгина кетавераркан.

Бу қизнинг яна бир ғалати одати бор эдики, ҳар байрамда барча синфдошларга табрик ёзиб, чиройли откриткалар совға қиларди. Хуснихати мақтагулик ҳам, тушунгулик ҳам эмас, тагин бир қанча хатолар, келишмаган жумлалар...

— Аҳмоқмисан, шунча пул сарфлаб, ҳаммага табрик ёзиб, — дейишарди қизлар унинг устидан кулиб. У эса бу ишини канда қилмасди. Адолат ва Соҳиба унга: «Нима қиласан ўзингни қийнаб, яхшиси бизга ҳеч нарса ёзилмаган, янги откритка совға қила қол, табрик сўзларини ўзимиз ёзиб оламиз», — деб, роса кулган пайтлари бўлган.

У эса хафа бўлишни билмасди.

— Йўқ, ўз қўлим билан ёзишим керак, — дерди Моҳира ва ёзган табригини жилмайибгина дугоналарига ҳадя этарди.

Мана, ўша ажиб дамлар ортда қолганига ҳам 20 йилдан ошибди. Адолат мактаб даврида Моҳирага бўлган аҳмоқларча муносабатини эслаб, уялиб кетди. Сўнг, сандиқда ётган эсдалик альбомини олиб, бир-бир варақлаб, синфдошлар билан бирга тушган суратларни томоша қилди. Буни қарангки, элликдан зиёд

сурат бор экан-у, аммо айнан Моҳира билан тушган бир дона ҳам сурати йўқ экан. Унинг ёзган саноқсиз табрик откриткаларидан бирортасини сақлаб қолмаган экан. Адолат йиғлаб юборай деди. Шунча йилдан сўнг, дугонаси у билан яна қадрдон бўлиш истагида излаб топиб, қўнғироқ қилибди-я. Ахир, бир куни уйига меҳмон бўлиб келса-ю, мактаб билан боғлиқ кичкина бир эсдалик сақланиб қолмаганини билса, қўнгли ўкси-майдами, деб юраги эзила бошлади. Бу қадар эътибор-сизлигидан хижолат чекди...

«Моҳира!.. Моҳирагина... Шунча йил мобайнида бир аёлнинг турмуш ташвишлари билан ҳисоблашиб, ўз ўрнида синфдош дугонангни ҳам эсингдан чиқармаб-сан-а!..»

Адолат шу тобда ўзини-ўзи ёмон кўриб кетди. «Нега ўша беғубор ўқувчилик йилларида бу хокисор дугонамнинг жудаям гўзал қалби борлигини илғай олмаган, эътиборсиз бўлган эканман», — деб ўзини-ўзи койиди. Инсон ҳаётининг мазмуни гўзал ва ёрқин хотиралар эвазига бойиб боришини англаб етишда анча кечикканини энди билди.

Кўзгуга узоқ термулар экан, имконича дугонасини тасаввурига келтирди. Кўзлари ёшланиб, беихтиёр лаблари пичирлади: «Мени кечир, дугонажон! Сен билан учрашишга тайёр эмасман... Йўқ-йўқ, тўғрироғи, сен билан учрашишга, дўстлашишга арзимаيمان, Моҳиражон... Кечир мени!..»

Шу тоб яна телефон жиринглади... У гўшакни кўтарди... Моҳиранинг қувноқ овози эшитилди:

— Адол, биласанми, менда сизлар билан тушган суратлар роса кўп... Учрашганимизда сенга ҳам бераман... Фақат тезроқ кўришайлик, хў-ў-ўп! Сени жуда соғинганман, Адол!..

Адолат йиғламсираб жавоб берди:

— Сен... сен сеҳргарсан, Моҳи!.. Биз албатта кўришамиз!



## ФУТБОЛГА ТИКИЛГАН «БОШ»

(кечаги кун ҳикояси)

Бола эдик. Оддий қишлоқ болалари...

Ҳар қишлоқнинг бошқалардан ажралиб турадиган бадавлатроқ хонадони бўлади. Азаматнинг отаси туман марказида каттароқ бир лавозим эгаси эди. Қишлоқда шаҳарсифат қурилган ягона уй ҳам шуларники, энг янги машина ҳам шуларники... Аммо у киши димоғдор эмасди. Ҳовлисида, уйида биз — болаларга истаганча ўйнашимизга изн берарди. Тўй-маъракада ҳам эл қатори хизматда бўларди. Болалар Азаматнинг уйидаги жиҳозларга суқланиб қарарди. Бу жўрам бироз нимжонроғ-у, аммо яхши бола. Дўстларидан ҳеч нарсасини қизганмайди.

Ҳамма болалар қатори биз ҳам футбол «жинни»си эдик. Бироқ, бир муаммо доим бизни қийнаган. Яъни, тузукроқ копток тополмасдик. Қишлоқ дўконларига келадиган коптоқлар бизнинг тўпори тепкиларимизга чидамасди. «Қишлоққа тўппи\*нинг нима кераги бор. Шусиз ҳам ишлар бошимиздан ошиб-тошиб ётибди. Тўппининг орқасидан лаканглаганча, молларга хашак йиғинглар. Эртага — қишда маза қилиб сут ичиб ётасанлар», — оталаримизнинг энг юмшоқ гаплари шу эди. Аммо футбол ўйнардик. Мактаб сабоқ маскани эканлиги билан бирга ўйинлар имкони ҳам эди. Фақат тескари тартиб. Яъни, одатда ҳақиқий футболнинг бир тайми 45 дақиқа бўлса, бизнинг мактабчасига футболимизда аксинча, бир тайм 5 дақиқа, танаффуслар 45 дақиқадан эди. Шу беш дақиқалик ўйин вақтида ҳам камида 3 та гол уришга улгурардик. Хуллас, дарслар орасидаги беш дақиқалик танаффуслар биз учун ҳақиқий футбол тайми эди. Катта танаффус-ку — энг бахтли лаҳзаларимиз. Боринги, дарсдан кейин ҳам мактаб майдончасидан қоровул қувиб чиқмагунча тўп тепардик. Аммо, копток муаммоси...

Резина ва пуфлама коптоқларнинг неча-нечалари копток бўлганига «пушаймон еган» бўлса ажабмас. Чарм тўпга пул қайда дейсиз. Иложсиз қолганда, шампан

виносининг елим қопқоғи жонга оро кирарди. Унчалик думалоқ эмас-у, аммо шуни ҳам тўғрилаб тепишни эплардик. Шу ўринда ўша пайтдаги патинкаларимизга раҳмат айтиб қўйсак арзийди. Баъзан бўшаган консерва қутилариям копток вазифасини бажарарди. Начора... Аммо жаҳон чемпионатидаги энг кучли дарвозабонлар ҳам келиб, бизнинг дарвозабондан ўрناق олиб кетса бўларди... Ахир, қирралари чирпираб, айланиб учиб келаётган консерва қутисини қайтаришнинг ўзи бўладими... Ўйинчиларни айтмайсизми... Ў-ҳў!.. Ўша консерва-коптокни калла қўйиб дарвозага бехато йўллаган пайтларимиз ҳам кўп бўлган. Бошларимиз тошдан экан. Охири, консерва банка ҳам бизнинг чапани тепкиларга дош бера олмай, пачоғи чиқарди. Биз яна тузукроқ «копток» ахтариб кетардик. Хуллас, бироз қаттиқроқ, думаланадиган, сал коптоксифат нарса бўлса бўлгани эди...

Мен мактабда барча қатори ўйинқароқ, аммо аълочи эдим. Азаматнинг отаси мени яхши кўрарди. Мен Азамат билан бир партада ўтирардим, унга дарсларни ўзлаштиришда ёрдам берардим. Бирга дарс қилинглари, деб дадаси мени атайлаб уйига таклиф қиларди. «Катта бўлганларингда, икковингни ўзим самолётда Тошкентга ўқишга олиб бораман», — дерди. Биз бу ишнинг қўлидан келишига ишонардик. Хурсанд бўлиб, янаям кўпроқ дарс қилардик.

Бироқ энди билсам, болаликнинг ўшанда биз англамаган шартлари — ўйинқароқлик руҳияти барибир устун келаверган экан. Футбол ҳақида гап очилса, дарс қолиб кетиб, кеча қандай футбол бўлгани-ю, эртага нималар қилишимизни режалаштира бошлардик. Лекин бизни копток муаммоси доим қийнарди-да...

— Азамат, отанг ҳар куни туман марказига боради-я?..

— Ҳа.

— Сенга шунча кўп нарсалар олиб берган-а.

— Ҳа.

— Шу... битта чарм тўп олиб беринг, десанг нима қиларди, жўра?.. Болалар роса хурсанд бўларди-да. Маза қилардик!..

— Биламан. Лекин отам бунга кўнмайди. Олдин ҳам кўп айтганман. «Сенга тўппи олиб бериб, қишлоқдошлардан балога қолишим етмай турувди, ундан кўра ўқишингни эпла», деб жеркиб берганди. Йўқ, жўра, бунинг иложи йўқ.

Уй вазифаларини тайёрлаб бўлмасимиздан Азаматнинг онаси бизни чойга чақирди. Биз яна бироз ёздиган машқларимиз борлигини айтдик. Дарсхонанинг бир четида, гилам устида Азаматнинг синглиси Дилбар гоҳ кўғирчоғига, гоҳ ўзига-ўзи гапириб, ўйнаб ўтирарди. Унинг кўғирчоғи ка-а-ат-та, деярли ўзидек келарди. Онаси уни ҳам икки-уч марта овқатланишга чақирди. Азамат: «Дили, гарангмисан, бор, сени аям чақиряпти», — деб бақириб бергандан кейингина у жойидан кўзгалар экан, кўғирчоғини кўтариб, бир-икки марта у ёқ-бу ёққа ағдарганди, кўғирчоқ «инга-инга» деган овоз чиқарди.

— Сен, йиғламай ўтийгин. Мен ҳозий чой ичиб келаман, — Дилбар кўғирчоғига «оналар»ча топшириқ бериб, дарсхонадан чиқа бошлади.

— Дилбар, кўғирчоғинг зўр экан-а, оти нима унинг? — дедим мен эркалаб.

— Наташа, — деди у лабларини чўччайтириб ва хонадан чиқиб кетди.

— Дадам, Москвадан олиб келган бу кўғирчоқни, — Азаматнинг ҳам мақтанчоқлиги тутиб қолди-ку...

— Азамат! — дедим синглиси хонани тарк этган заҳоти худди катта топилма топгандек завқланиб. — Менда зўр бир фикр туғилди! Қара, кўғирчоқнинг калласига қарагин, жўра!..

— Нима қипти, калласига? Оддий калла-да...

— Сенинг калланг оддий калла, жўра... Бу эса ажойиб калла...

— Нега бунақа деяпсан?

— Кўрмайсанми буни, роса думалоқ эканми?.. Худди коптокка ўхшайди-я!..

Узоқ тортишув, «э, йўқ-э, йўқ»лардан кейин Азаматни зўрға кўндирдим. Уй вазифаси чала жойида қолди. Иккимиз икки ёнга торта-торта, «инга-инга»латиб,

«Наташа»нинг калласини танасидан жудо қилдик. Сўнг Азамат мени нари-бери кузатган бўлиб, ўзи овқатга кириб кетди. Онаси мени ҳам овқатга таклиф қилди. Мен бугун онам тезроқ келишимни тайинлаган, деган баҳона билан бироз «семириб» қолган сумкамни кўтариб, илдамгина йўлга тушдим.

Уйга келиб, дарсхонамга кирдим. Сумкамни очиб, ноёб топилма — «Наташа»нинг калласини чиқардим. Кейин тонггача уни қаерга яшириб туришимни ўйладим. Ўйлаб-ўйлаб, охири ҳовли билан томорқа ўртасидаги ишқомнинг тепасига, ток барглари орасига бекитдим.

Кеч кириб, атрофга қоронғулик чўкканида ҳам мен дарсхонамдан чиқмай ўтирардим. Назаримда, ҳозир Азаматнинг отаси бир қўлида Дилбарни етаклаб, бир қўлида «Наташа»нинг бошсиз танасини кўтариб, уйимизга кириб келадигандек туюларди. Ишқилиб, Азамат ўйлаган баҳонамизни ишонарли қилиб айтган бўлсин-да, деб юрак ҳовучлаб ўтирардим. Кечки овқатни ҳам апил-тапил еб, яна китобларимга кўмилиб кетдим.

— Бугун роса кўп дарс қиляяпсанми ўғлим, — деди онам хавотир билан.

— Эртага синфдан ташқари ўқиш бор, кўпроқ китоб ўқишим керак.

Она дарсхонамнинг у ер-бу ерини тартибга келтирди.

— Унда бугун сенга шу ерга жой солиб бераман, шу ерда ухлай қол, эрталаб сигирларни соғиб бўлганимдан кейин келиб уйғотаман.

— Қўяверинг, кўрпа-тўшагимни ўзим тўшаб оламан.

Она майли деб чиқиб кетдилар.

Кўзларим китобда-ю, аммо ҳар хил хаёлларга берилиб, охириги ўйинимизни эслаб ётдим: «Синфда Баҳодир бошчилик болалар бир томон, мен бошчилик болалар иккинчи томон — тенг жамоа. Биринчи синфдан бери шу икки жамоа. Бу йил янги ўқувчи келиб, уни ҳам Баҳодир ўзининг жамоасига қўшиб олди. Биз майли дедик. Чунки янги келган бола футболнинг «ф»

харфини ҳам тушунмас экан. Шундай бўлса-да, охирги ўйинда биз ютқазиб қўйдик. Мана, уч кундирки, футбол бол ўйнамаяпмиз. Сабаби тўппи йўқ. Охирги тўппи — консерва банка янги келган боланинг бошига текканди, у йиғлаб берди-ку. Муаллим билиб қолиб, жаҳл билан «тўппи»мизни мактаб ахлатхонасига улоқтириб юборди. Мана, энди кўрамиз, эртага бўладиган футболда Баҳодирнинг жамоасини бир боплайликки...»

Шу пайт боғ томондан кимнингдир «вой-дод», деган чинқириғи хаёлимни жойига келтириб қўйди. Аввал кўрқиб, деразадан мўраладим. Қарасам, ҳовлида ҳеч ким кўринмади. Секин ташқарига чиқдим. Ҳовлидаги чироқ ва тўлин ой ҳамма томонни ёп-ёруғ қилиб турибди. Уйдагилар телевизор кўриб ўтиришибди. Овози баланд қўйилган. Балки кинода биров бақиргандир, деб ўйладим. Энди дарсхонамга қайтаман деб турсам, ишком тарафдан, кимдир «вой-воей», дегандек бўлди. Адашмасам, момоннинг овози. Ҳар куни молларни подага қўшишда фойдаланадиган таёқни олиб, секин ўша томонга яқин бордим. Қарасам, ишком тагида момом узала тушиб ётибди. Қўллари қалтирайди. Ёнида таҳорат обдастаси. Сал нарида эса мен яширган Наташанинг калласи кўзларини бақрайтириб ётарди. Кўғирчоқнинг калласини секингина помидор буталари орасига иргитдим-у, уйга югурдим.

Отам бувимнинг юзига сув урди, сўнг секин қўлтиқларидан олиб, уйга олиб кирдик. Билсак, энди таҳорат олиб бўлганларида олдиларига осмондан бир хотиннинг калласи тушган эмиш. Сочлари патак, кўзлари катта-катта бўлиб, ой ёруғида ялтираб кетганмиш...

Ҳаммасини қариликка йўйиб, «кўзига кўринган» деган тахминлар ва яна аллақанча шунга ўхшаш ваҳимали воқеалар ҳангомаси давом этаётганда мен «ухлайман» дея, секингина ўрнимдан тура бошладим. Онам, кўрқмайсанми, кўрқсанг, уйда ётавер, деб мендан хавотир олди. Мен ҳеч нарсадан кўрқмаслигимни, айтдим. «Кўрқсам, бувимга бир ўзим ёрдамга борармидим», дея «қаҳрамонлигим» билан мақтаниб ҳам қўйдим. Дарвоқе, дарсхонам уйимизнинг нариги чети-

да жойлашганди ва унга боғ томондан алоҳида эшикдан кириларди.

Мен тезда бориб, помидор буталари орасидан «Наташа»нинг калласини топдим. Хонамга кириб, унинг жингала-жингала малла сочларини қайчиладим. Энди сал коптокка ўхшади-ю, аммо бўртиб турган бўйинчаси тешишга сал халақит қилади, чоғи. Сўнг ошпичоқни олиб, «Наташа»нинг бўртиб турган бўйинчасини секин қиртишлай бошладим. Ниҳоят, қўғирчоқ калласининг тўппидан деярли фарқи қолмади. Ҳар ҳолда консерва банка ёки шампан қопқоғи олдида бу ҳақиқий футбол тўпи эди. Энди хотиржам ухласам бўлади. Аммо Азаматнинг синглиси эсимга тушиб, яна уйқум қочди. Э, нима қипти, унинг ўйинчоқлари шунчалик кўпки, бу қўғирчоқ эсига ҳам келмаса керак... Хуллас, ўзимга далда берадиган баҳоналар ҳам етарли эди. Мен «Наташа»нинг тақир бошини кучоқлаб ётарканман, шу кечани уйқусиз ўтказишга ҳам тайёр эдим. Ахир тасаввур қилияпсизми, эртага мактабда бизни қандай ажойиб футбол кутмоқда!..

Эрталаб апил-тапил нонушта қилиб, янги «копток»ни сумкамга жойлай олмай қийналиб турганимда, дарсхонамга ойим кириб келди.

— Ўғлим, тайёرمىсан, сени олиб кетгани келишди.

Ойимнинг гапидан хавотирга туша бошладим.

— Ким, қаёққа, ким мени олиб кетади? — дедим тутила-тутила.

— Азаматнинг дадаси ишга кетаётган экан, сизларни машинасида мактабга қўйиб кетмоқчи.

— А, нима?!

— Тинчликми, болам, нега рангинг ўчиб кетди?

— Ойи, мени уйда йўқ денг ёки мазаси йўқ, мактабга бормади, денг...

— Нималар деяпсан, — ойим, хавотир билан тезда кафтини пешонамга босди. — Иситманг йўқ-ку...

Шу пайт дарсхонам деразасидан Азамат мўралаб қолди. Негадир жуда хурсанд. Қошларини ўйнатиб, «чиқа қол» ишорасини қилади. Шундан сўнг ишониб-

ишонмай, «нима бўлса бўлар» деб, сумкамни кўтариб ташқарига чиқа бошладим. Йўл-йўлакай кўғирчоқ калласини помидор буталари орасига отиб юбордим. Азамат кўзини қисиб, нукул тиржаяди. «Нима гап?» десам, «Кўрқма, юравер, ҳозир биласан!» дейди.

Дарвозага яқинлашган сайин оёғим қалтирай бошлади. Азамат югуриб, дарвозадан чиқиб кетди. Оғир қадамлар билан мен ҳам ҳовлидан чиқдим. Қарасам, Азамат кўлида яп-янги чарм тўп билан машина эшигини очиб турарди. Дадаси рулда ўтирган ҳолда кулиб, мени машинага чиқишга имлади. Азамат менга «олдинга ўт» деб, ўзи орқа ўриндиққа ўтирди. Мен машининг олд эшигини очиб, унинг дадасига салом бердим. У киши жилмайиб алик олди ва кўзлари билан ўриндиққа ишора қилди.

— Қани, футболлист, ўтир-чи?

Мен бир Азаматга, бир дадасига қарадим. Машина жойидан жилди. Орқа ўриндиқда Дилбар ҳам хурсанд ўтирарди. Қарасам, унинг кўлида худди кечаги кўғирчоқ. Ғалати бўлиб кетдим. Яхшилаб қарасам, кўғирчоқ бошқа экан, яп-янги, боши, жингалак малла сочлари ҳам жойида...

Мактаб узоқ эмасди, тезда етиб келдик.

— Хурсандмисизлар? — сўради Азаматнинг дадаси машинасини тўхтатгач. Биз «ҳа» ишорасида бош силкидик. Аммо мен кечаги ишимиздан жудаям афсуслана бошлагандим. Буни сезибди шекилли, Азаматнинг дадаси бошимни силаб кўйди ва деди:

— Болаларим, доим хурсанд бўлинглар. Фақат сизнинг хурсандчилигингиз асло бировни ранжитиш эвазига бўлмасин. Бора қолинглар. Яхши ўқисанглар, яхши бола бўлсанглар, ўзим сизларни самолётда Тошкентга ўқишга олиб бораман...

Мен машина ортидан бир муддат тикилиб, хаёл суриб қолибман. Бу вақтда мактаб ҳовлисида болалар қувончдан қийқиришарди. Ахир тасаввур қиляпсизми, катта танаффусда уларни қандай ажойиб футбол кутмоқда!..

---

\* *Тўпни* — копток

## ЁМОН ЯХШИЛИК

Мен дунёда ўз дардларига таскин излаётган, фойдасиз бўлса-да, армонлари билан олишиб юрган инсонлардан бириман. Бунинг тақдир ҳадея этган айрим сабаблари бор. Яқинда бобом бу ёруғ оламини тарк этди. Тўғри, инсон қаригач, вақти-соати етиб, тангрининг омонатини топширади, ўлим ҳақ. Одатда тасодифан яқин кишисини йўқотиш одамни катта мусибат гирдобиди қолдиради. Аммо бобомнинг тасодифдан эмас, балки яқинда содир бўлишини ҳаммамиз билиб юрган ўлими менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Гап шундаки, бобом вафотидан бир ойча олдин бутунлай ўзгариб қолганди...

У бир умр одамларга хоҳ моддий, хоҳ маънавий бўлсин, қўлидан келганича ёрдам бериб келган сахий инсон эди. Ёшу қарини сизлаб гапирар, бировни ранжитиш у кишига мутлақо ёт эди. Уни оиладаги мурғак гўдакдан тортиб, маҳалла-қўйгача ҳамма-ҳамма яхши кўрарди. Маҳалла-қўйда ҳар не тадбир бўлса, оқсоқолларга хос заковат билан бош-қош бўларди.

Мен уни ҳаммадан кўра кўпроқ яхши кўрар эдим. Дадам шаҳарда ишлаб, фақат дам олиш кунларида қишлоққа, уйимизга келарди. Дадам доим ишда бўлганлиги боис, бобом мени ёнига олиб, турли ўйинчоқлар ясаб берар, отига миндириб сайр қилдирар, қариндошларнинг тўйларига ҳам ўзи билан бирга олиб юрар, йўлда қизиқ-қизиқ ҳикоялар айтиб берарди. Дадам ишдан роса чарчаганликларини айтиб, жаҳл қилиб, баъзан жеркиб бериши билан якун топадиган болаликдаги ҳар қанча хархашаларимга шу бобом чидаб берарди. Мени ҳимоя қилиб, дадамни койирди. Мен катта бўлиб, ўқишларни битириб, ишлаб юрган кезларимда ҳам бобом мени эркалатишдан қайтмасди. Бағрикенг, меҳрибон инсон эди.

Шундай инсон ўлиmidан бир ой олдин бутунлай ўзгариб қолди-я.

Ким ёнига келса, бўралаб сўкадиган, куракда турмас сўзлар билан ҳақорат қиладиган бўлиб қолди. Ке-



йинги кунларда оила аъзоларимиз ҳам унинг ёнига бироз ҳадик билан кирадиган бўлиб қолдик. Бобом фақат менга қаттиқ гапирмайди дея, бир куни ўзим унинг ёнига кирдим. Бироқ бобом мени ҳам қаттиқ сўкиб берди. Туғилганимдан бери эркаланиб юрганам учун бобомнинг гаплари менга ёмо-о-он ботди. Шу ондан бобом ётган хонага қайтиб кирмай кўйдим. Умри тутаб бораётган бобом эса ҳаддидан ошаверди. Охири паймонаси тўлиб, жони узилар чоғида барчамизни ҳузурга чақирди ва омонатгина табассум қилиб: «Мен барингиздан розиман, жигарларим», — деди...

Барча маъракалар ўтгач, бобомнинг яқин бир дўсти хонадонимизга ташриф буюрди. У бобомнинг ўлимини кеч эшитибди. Биз у киши билан биргаликда бобом ҳақида яхши хотираларни эслашдик. Мен унга бобомнинг сўнгги кунларда ўзгариб қолганликларини, кўпчиликни сабабсиз ранжитганликларини айтдим.

— Бекорга ранжибсизлар, болаларим, — хўрсиниб сўз бошлади меҳмон. — Бобонгиз шу қадар яхши, фаросатли инсон эдилар. Агар ўлими олдидан ўзгариб қолган бўлсалар, улар бу ишни атайлаб қилганлар. Улар ўлим ҳақлигини тан олганлар. Аммо сиз, яъни фарзандлари ҳали кўп яшайсиз. Бобонгиз, ўлганимдан сўнг фарзандларим, яқинларим менга кўп кўйинишиб, ўзларини олдириб қўймасинлар, деган ўйда шундай қилганлар. Бобонгиз ҳақида фикрингиз асло ўзгармаслиги керак. У киши беназир инсон эдилар.

Бобомнинг дўсти айтган фикр нега менинг хаёлимга аввалроқ келмаганидан ҳам уялиб, ҳам қийналиб кетдим. Бобомдан бекор ранжиб, сўнгги йўл остонасида ҳузурга қайтиб, ҳол сўраб кирмаганимдан қаттиқ афсусдаман. Қаранг-а, бобом ҳатто ўлим тўшагида ётиб ҳам бизга яхшилик қилишни ўйлаган экан-да.

## **ЁРДАМ КЕРАКМИ, КЕННОЙИ?!**

— Менга ишонмас экансиз, аввал бошда уйланмаслигингиз керак эди!.. Агар ўлиб қолганимда ҳам сизга барибир эканда-а?.. — деди Холида йиғламсираб ва

кўрпага ўраниб, тескари қараб ётди. Елкаларининг енгил силкинишидан унсиз йиғлаётганини билиш қийин эмасди...

Дилмурод бугун илк бора хотинини хафа қилиб кўйди. Албатта, рашкчилиги туфайли...

Байрамолди ҳашар муносабати билан ҳамкасблар ишхона ҳовлисини тозалашди. Холида каттагина фаввора теграсини супуриб-артаётиб, оёғи сирпаниб, кутилмаганда сувга тушиб кетди. Сузишни билмагани етмагандек, ҳовузнинг чуқурлиги Холиданинг бўйини кўмарди. Фаввора шовқинида ҳеч ким унинг дод-войини ҳам, сув шалоплашини ҳам эшитмасди... Яхшиям ҳамкасб йигитлардан бири сал нарида дарахт оқлаб турган экан... Вазиятни тез англаган йигит югуриб келиб, Холидани сувдан чиқариб олди... Бошқаларни ҳам чақирди. Ҳамкасблар югуриб келишганда йигит Холидани юз тубан ётқизиб, ўпкасига тўлган сувни чиқариш учун белидан елкаси томон кафтлари билан қаттиқ-қаттиқ силтаб босарди... Унинг ҳаракатлари палапартиш бўлса-да, Холиданинг оғзидан шарақлаб сув отилиб чиқди ва ўқтин-ўқтин йўталиб, ўзига келди...

Бу ерга тўпланган ҳамкасблар Холидага чин дилдан ачиндилар. Кимлардир кўрқиб кетган бўлса, аёллардан бири дарҳол «тез ёрдам»га кўнғироқ қилди. Ва албатта... йигитнинг биринчи ёрдамини шилқимликка йўйганлар ҳам бўлди. Айнан шулар, гарчи ёрдам беришга журъати етмаса-да, қутқарувчи ҳамкасб йигит ва Холида ўртасида аввалдан «илиқ муносабат» бўлганлиги, сувга йиқилиш воқеаси атайлаб «ўйлаб топилгани» ҳақидаги уйдирмаларни бир зумда Дилмуродга етказишни эплашди...

Дилмурод халоскор йигитга раҳмат айтмади... Аксинча, кўнглини шубҳалар забт этди... У ўзини йўқотган одамга ўхшаб қолганди... Хотинининг биргина гапи Дилмуродни ҳушига қайтарди: «Ўрнимда бошқа аёл сувга чўкканда-ю, мени қутқарган ҳамкасбимнинг ўрнида сиз бўлганингизда нима қилардингиз? Менга шуни айтинг, кейин эса ўзингиз биласиз»...

Бировнинг ўрни?.. Яхшиям кўҳна ҳикматлар бор...

Дилмурод бировнинг ўрнига ўзини қўйиб кўришнинг фойдаси борлигини вақтида англаб етди... Ростдан ҳам у халоскор йигит ўрнида бўлганида нима қиларди? Албатта, ўша йигит каби иш тутарди. Шундай қилган ҳам.

Бу фикрлар беихтиёр унга анча йиллар олдинги воқеани эслатди...

\* \* \*

Ҳали сабоқлар авжига чиқиб улгурмасдан талабаларни пахта ҳашарига олиб кетишди. Бегона қишлоқ, нотаниш одамлар. Талабалар тез орада у ерликлар билан танишиб ҳам кетишди. Мусофирчилик деб, маҳаллий аҳоли уларга кўпинча ёрдамлашиб ҳам юборишарди. Бу дамлар ўзига яраша қийинчиликлари баробарида турли саргузаштлар, қизиқ-қизиқ воқеалардан ҳоли бўлмас экан. Шунданми, аввалига имиллаб ўтган кунлар бирпасда тезлашиб кетарди.

Ҳашарнинг сўнгги куни кечқурун курсдошлар базм қилиб ўтиришганди. Бир маҳал домлалар Дилмуродни ўзларининг хоналарига чақиришди. Борса, тўрт домла қовоқ-тумшуқ қилиб туришарди.

— Нималар қилиб юрибсан? — дейишди бараварига жаҳл билан.

Дилмурод ҳеч нарсага тушунмади ва хавотирда тезлик билан кун бўйи бошидан кечирганларини бир-бир эслай бошлади. Йўқ, бирор ножўя ҳаракат қилганини эслай олмади. Ҳазиллашишяптимиқан-а?..

— Нима қилибман, домла? — Дилмурод гуруҳ раҳбари Илҳом акага юзланди...

— Ҳали, шу қишлоқлик бир «алкаш» тўппа-тўғри бизнинг хонамизга бостириб кириб, жанжал кўтарди. «Дилмурод деган болани топиб берасанлар, бировнинг хотинига кўз олайтиришни кўрсатиб қўяман унга!» деди. Домлалар билан бирга уни тинчлантиришга роса уриндик... «Ахир, бу тўполон оилангиз шаънини ҳимоя қилишдан кўра, ҳар хил гап-сўзни кўпайтириб, уни бадном қилишга олиб келади-ку» деб, ахийри уйига кузатиб қўйдик...

Илҳом аканинг гапларини услубчи домла Абдуқодир ака давом эттирди:

— Умуман олганда, биз сени яхши биламиз... Эсхушинг жойида, ўқишга ҳам юқори балл билан киргансан... Йигитчиликнинг қайноқ ҳисларини биз ҳам тушунамиз... Аммо, барибир бошида «эга»си бор жувонга яқин муносабатда бўлмаганинг маъқул эди...

— Домла, мен унинг кимлигини ҳам, хотини ким эканлигини ҳам эслолмаяпман... Теримчи аёллар билан бир далада пахта терган бўлсак ҳам, уларга гап отиш, қинғир нигоҳ ташлаш хаёлимга ҳам келмаган. Фақат...

— Нима фақат? Ҳаммаларингни гафғоларинг ана шу «фақат»лардан бошланади... — Илҳом ака бироз қизишди...

Дилмурад ўша кундаги воқеаларни яна қайта эсга олди ва ҳаммасига сабаб — пахта даласидаги арзимас бир иши эканлигини англади...

...Кеч кириб, «ишни тугатинглар», дейишгандан сўнг Дилмурад терган пахтасини орқалаб келаётса, икки-уч қатор нарида бир ёш жувонни кўриб қолди. У пахтасини фартукка ўзидан катта қилиб ўрабди. Кўтаришга бир-икки уринди, аммо эпллолмади. Сўнг пахта тўла фартукка ўтириб қолди. Жувон роса толиққан, ранг-рўйи сарғайиб кетган эди. Унинг тоби йўқлиги шундоқ билиниб турарди.

— Кеннойи, ёрдам керакми? — деди Дилмурад пахта тўла фартугини бир силтаб, елкасига янада қулайроқ иларкан.

— Йўқ, раҳмат, ўзим.

Жувоннинг овози ташвишли ва хаста эди. Сўнг пахтасини даст кўтариб, беш-олти қадам ташлади-да, йиқилиб тушди.

Энди Дилмурад жувоннинг қаршилигига ҳам қараб ўтирмади. Унинг пахтасини ҳам орқалаб олди.

— Бу нимаси, кеннойи, жонингизда қасдингиз борми?..

Кенг пахтазордан қабул қилиш жойигача анча йўл

эди. Дилмурод оғир хуржун ортилган туядек гоҳ лапанглаб, гоҳ лўккиллаб жўялар оралаб бораркан, ўйларди: «Эҳ, ўзбек аёли... «қизларнинг жони қирқта бўлади» деган чўпчакка бир умр ишониб яшайсиз-а...» Жувон ийманибгина унинг ортидан эргашиди.

Улар тарозига етиб келганларида деярли ҳамма теримчилар пахталарини топшириб бўлишганди.

— Раҳмат, иним! — деди жувон заифгина овозда Дилмуроддан бўш фартукларни оларкан.

— Арзимамайди, кеннойи, ўзингизни эҳтиёт қилинг. Ҳар қалай, бола-чақангиз бордир...

Атрофдаги қиз-жувонлар аёлга қараб: «Яхши ёрдамчи топиб олибсанми? Хушсуратгина йигит эканми?..» каби сўзлар қотиб, ҳазиллашгандек бўлишди гўё. Ортидан элас-элас эшитилган бу гапларга Дилмурод эйтибор ҳам бермаганди...

Кечқурунги базмда Дилмурод курсдош қизлар билан мириқиб рақсга тушди... У бу вақтда ҳалиги воқеа жувоннинг эрига сал «бошқачароқ» оҳангда аллақачон етиб боргани-ю, эр ичиб олиб, шусиз ҳам касалманд хотинини роса калтаклаётганини қаердан ҳам билсин...

Дилмурод жуда хафа бўлди.

— Бориб жувондан кечирим сўрайман, эрига вазиятни ўзим яхшилаб тушунтираман...

— Кераги йўқ, — деди домлалар. — Бировнинг оиласига аралашма, барибир сени тушунмасликлари мумкин.

Ҳашарчилар эртаси кунини у жойларни тарк этишди. Дилмурод анча вақт хижолат бўлиб юрди. Кейинчалик, тасодифан ёдига тушмаса, бу воқеа деярли эсидан чиқиб кетганди.

\* \* \*

Уйланганидан кейин Дилмуроднинг ҳаётга нисбатан қарашлари ўзгарган. Ўша воқеани эсласа, қайсидир маънода ҳалиги маст кишинини ҳам тушунмоқчи бўларди. Лекин, гумон иймондан айирар, дейишади-

ку. Унга кўпроқ алам қилгани, ўшанда теваарадагиларнинг бир зумда нотўғри гап-сўзларни чиқариб улгуришгани эди. Ўша касалманд жувоннинг ўрнига ўзларини қўйиб кўрганларида вазият бу қадар чигаллашмаган бўлармиди? Кейинчалик, уларнинг тақдири қандай бўлди экан, ҳазилдан ўт чиқарган дугоналари кейин уялиб қолишмадимикан, деб кўп ўйлади. Нима бўлганидан қатъи назар, Дилмурод ўша жувонга ёрдам берганидан афсусланмади. Унинг ўрнида бошқа курсдоши бўлганида ҳам, умуман, ҳар қандай виждонли, инсофли одам касалманд жувонга албатта ёрдам берган бўларди. Негадир шу тобда жувоннинг эридан ҳам кечирим сўрагиси келди... Чунки оила нақадар муқаддас эканлигини у бугун янаям теранроқ тушуна бошлаганди...

Шу пайт ташқари эшикдан кимнингдир «Дилмурод ака!» деган овози эшитилди... У ҳовлига чиқди. Дарвозахонада бозор-халта кўтарган бир йигит ва уч яшар болакайнинг қўлидан тутган ёш жувон кулиб туришарди...

— Ассалому алайкум, Дилмурод ака! — деди йигит унга қўл узатиб.

— Ваалайкум ассалом, келинлар...

— Холидахон тузук бўлиб қолдиларми? Келинингиз билан уни бирров кўриб ўтайлик, деб келгандик...

— Раҳмат, анча яхши, — деди Дилмурод кутилмаган бу ташрифдан бироз довдираб. — Ўзим ҳам сизга қандай миннатдорчилик билдирсам экан деб турувдим...

— Кўйсангиз-чи, арзимаиди, менинг ўрнимда сиз бўлганингизда ҳам шундай қилардингиз-ку...

Ташқаридаги ғала-ғовурни эшитган Холида тўшакдан секин бош кўтариб, деразага қаради ва эрининг жилмайиб, меҳмонларга илтифот кўрсатиб, ичкарига бошлаётганини кўрди. Сўнг чуқур бир уҳ тортди-да, жилмайиб ўрнидан тура бошлади.

Шу тобда Дилмуроднинг кўзларида миннатдорчиликдан кўра беҳуда шубҳалар ҳосили бўлмиш хижо-

латчилик нигоҳлари акс этарди... Меҳмон бўлмиш йигит Холиданинг халоскор ҳамкасби эди...

## РАҚҚОСАНИНГ ЯНГИ «СЕЗОН»И

— Сиз шоирмисиз?

Унинг шу саволи яқиндан танишувимиз учун илк «қадам» бўлди. Жудаям чиройли қиз. Рақслари ҳам бошқача, ҳаракатлари нафис, жозибадор ва анчайин саводли, яъни куй-қўшиқ оҳангига мос...

Мен биров сўзамоллигим боис тўйларда даврани бошқараман. Мавриди ва мавзусига мос шеърлар ўқийман. Табиийки, тўйда «навбатчи»лик қилаётган санъаткорлар гуруҳи билан мулоқот, мурсою мадора қиламиз. Гуруҳ бошлиғи шаҳарлашган жойлардан раққоса қизларни топиб келади. Улар ўзларининг жозибали рақсларини намойиш этишлари баробарида даврада ўйнаётгану столда ўтирган меҳмонлардан «ихтиёрий-мажбурий» тарзда пул «йиғиб» чиқиш вазифасини аъло даражада бажаришади. Раққосанинг афти-ангори, қомагининг бичими ва албатта бир қадар маҳоратига қараб, кимдир чин кўнгилдан, кимдир мастликдан, бошқа биров ҳирсланиб, яна аллаким эса видеога олаётган пайтни пойлаб (тўй эгаси кўриб қўйсин деган ўйда) баҳоли қудрат «саховат» қилади. Бир пиёла май узатиб, «кайф»дош бўладиганлар ҳам топилади. Ҳаддидан ошган шоввозлар тўй сўнгида «ўйинчи» қизларни очиқдан-очиқ «шакаргуфторлик»ка таклиф қиладилар. Ҳатто, улар сафига туппа-тузук оилали, бола-чақали акаси «қарағайлар» ҳам кўшилиб қолишади. Баъзан бу ҳаракатлар катта жанжал-тўполонга айланиб, дилхиралик билан якун топади. Қурғур ўйинчиларнинг ҳам кийимлари тобора юпқалашиб, калталашиб, қош қоқиши-ю, қилиқлари бежо бўлавергандан кейин, қишлоқнинг тўпори йигитлари ҳамма айбни ароққа ағдариб, шу «хурилиқолар»дан «бахт» излаб кўрадида... Начора, ҳаётнинг олдимиздаги ярим қадам сўқмоғи ҳам бизга қоронғу бўлса... Шу сабаб, қадамимизни ярим ўйлаб-ярим таваккал босамиз-да...

Аммо, бу ўйинчи бутунлай бошқача... У билан бир неча тўйда кўришдик. Либоси ҳам миллий матодан, қоматига мос, бежирим, товонидан томоғигача очиқ жойи йўқ, енги бармоқларига қадар узун... Ўзига шунақа ярашиб турадики... Фельи ҳам ўзгача... Бошқа ўйинчилардан фарқли ўлароқ, стол ораламайди, маст-аласт даврага яқин бормади. Одамларнинг ўзлари келиб, пул бериб кетишади... Бундай кўринишдаги ўйинчига, битта-иккита росмана ширакайфларни ҳисобга олмаганда, «шилқим»лик қилиш ҳам бировнинг хаёлига келмас экан.

У мени шоир атаганидан кейин, мен ҳам у ҳақдаги барча илиқ таассуротларимни айтдим. «Ҳа, шоирман», деганимдан сўнг, қиз ҳеч қандай савол беришимга ҳожат қолдирмай, тўғрироғи, саволларимни олдиндан уққан каби, ўз ҳаётини ҳикоя қилиб берди:

«Мен раққосаман. Жўяли асосим бўлмаса-да, ўзимни шундай ҳисоблайман. Ўзимни шунга ҳақли билгим келади. Ахир, рақс — буюк санъат. Аслида эса одамлар мен кабиларни «ўйинчи» дейишади. Манови тўйларни қиздирадиган ўйинчи. Майли, сиз ҳам мени ўзингиз хоҳишингиз бўйича атайверинг. Начора, барибир шу тақдирнинг ҳукмига кўниб қўйганман...

Тўғрисини айтсам, ўз онам тақдиримни ўзгартириб юборган...

Мен ҳозир тўйларда минг муқомга тушиб топган пулларни қурутдай санаб, ҳузур қиладиган онам ўйинчи эди. Ҳеч кимсага туққан онаси ҳақида мен каби сўзлашни раво кўрмасдим. Нетай, менинг қисматимда бир кун келиб ўз онамнинг асл қиёфасини англаш шу қалар даҳшатли кечиши битилган экан...

Аслида, ҳар бир инсоннинг кўнгил олами юз-кўзларида ё зиё сочар ёки, аксинча, қоракуяга ботгандек, нурсизликни акс эттираркан. Бир пайтлар, отам қамалганидан кейин (уни онам қаматган, мен эса унда ширингина қизалоқ эдим, эҳ-ҳ...) онам менга: «Бундан кейин кечки «смена»да ишлайман, янги иш топдим», — деди. Ярим кечаси келиб,ғижимланган пулларни тахларкан, юзида қандайдир қониқиш акс этарди. Лекин бу қониқишни асло завқ деб бўлмасди.



Она-бола шу зайлда яшардик. Қўни-қўшнилар ҳам биз билан имкон қадар кам гаплашишарди. Онамнинг дугоналари эса узоқда эди. Кунлар ойларга уланиб, йилларни ҳосил қиларкан, мен ҳам улғайиб бордим ва шунинг баробарида ҳаммасига аста-секин тушуна бошладим: уйга вақти-вақти билан келиб-кетиб юрган амакиларнинг ҳам аслида кимлиги маълум бўлиб қолди. Онам эса ҳаммасини табиий ҳол, кундалик ҳаёт тарзи ҳисобларди. Яъни, бу «сезон»дан фалон сўм ёки бирор нарса учун ишлаб қолиши зарурлигини айтиб юрарди. Ростини айтсам, «сезон»лар орасида қийинчиликлар сезиларли эди.

...Ҳаёт экан, йиллар ҳар нарсага ўз таъсирини кўрсатади. Йиллар шамолида тошлар емирилади. Онам ўзининг «вақти ўтиб» қолганидан ўксина бошлади. Рақобатчи «ҳамкасб»ларини кўп қарғайдиган бўлиб қолди. Мен бу орада тўққизни битирдим. Кўзга яқин эдим. Яхши ўқирдим. Шу боисдан бўлса керак, синф раҳбаримиз мени кўп тергарди. «Ўқимасанг, билиминг увол бўлади», дер эди. Шунда кун сайин келажакни равшанроқ, ўзимнинг орзуларимдагидек кўришга ҳаракат қилардим. Ич-ичимда улкан бир ишончни ҳис этиб, «мен бутунлай бошқа одам бўламан», дея завқланиб кетардим...

Одамнинг дилида орзулари мўл, аммо амалга ошиши мумкин бўлганлари саноқли бўларкан. Нега энди, айнан амалга ошмайдиган орзулар жудаям кўп бўлади-я?.. Улар ҳаммада бор... Аммо бу ҳақда ҳаммагаям айтиб бўлмайди. Эҳ, орзулар-орзулар... Улар шунчалик кўп ва ҳаммада бор. Агар одамларнинг барча орзуларига шакл беришнинг иложи бўлса бормиди, дунёда дунёнинг ўзига жой топилмай қоларди...

Хуллас, ўша кезларда менинг тақдирим ҳал бўлди. Бир куни онам анча хотиржам, босиқ ҳолда мени ёнига ўтқазди ва деди:

— Қизим, шароитни кўриб турибсан, нияям қилардик. Ўзимизни ўзимиз эплашимиз керак.

Билсам, мениям ўйинчиликка қўшаётган экан.

Шаҳарнинг энг олди бўлган отарчилар «состав»и билан гаплашиб ҳам кўйибди. Дафъатан устимдан совуқ сув қуйилгандек, сесканиб кетдим. Онам сўзларини яна такрорлагач, унинг онамлиги ҳам эсимдан чиқиб, оғзимга келган гап билан жавоб қайтардим. Ўзимни тутолмадим, биринчи марта ундан нафратланишимни айтдим. Ҳаммасини, шу вақтгача нимани кўриб-билган бўлсам, ҳаммасини кечириб келганимни, у ҳақдаги гап-сўзларни зўрга «ҳазм» қилиб келганимни, ҳамма-ҳаммасини тўкиб солдим.

Онам бир муддат ойнадаги аксига қараб, ўйга чўмган кишидек жим қолди. Яна босиқлик билан «тушунтира» бошлади. Мен яна чидолмадим. Кейин унинг жаҳли чиқди.

— Шу бўйи бастингга, шу ҳусни-сийратингга қандай «нон»ни еб эришдинг, нонкўр, — тутоқиб бақира кетди онам. Бу гапдан сўнг миямда қатъий мақсад чарх урди: «Уйдан кетаман!»

Шу қарорда даҳлизга югуриб чиқдим. Онам ортимдан келиб, энди жон ҳолатда бақириб, «шароитни тушунтирди».

— Барибир кетаман, қочиб кетаман, мен бошқа одам бўламан, — дедим.

Юлқиниб, онамнинг қўлларини силтаб ташлаб, ташқарига отилмоқчи бўлганимни биламан... онам газ плитада қайнаб турган бир чойнак сувни устимдан қуйиб юборди. Иккимиз ҳам кўрқув билан «дод-вой»лаб қолдик...

Бир ярим ой касалхонада ётиб, анча «босилиб» қолдим. Бу босиқликнинг сабабини тушунгандирсиз...

Кейин онамга қасдма-қасд иш тутдим. Шундан ўзга қарор энди менга бегона эди: «Мана сизга пул керак бўлса», деб ўйинчи бўлдим.

Ўтаётган умримдан эзиламан. Куйиб қолган бадани кўз олдингизга келтиришнинг ўзи қанчалик иштаҳангизни бўғади, кайфиятингизни тушириб юборади. Мен бундай ҳолатда, тўғриси, ҳеч кимни бахтли қилолмасам керак. Анчагина йигитлар ортимдан юришади. Мендан жўяли жавоб ололмагач, бор-йўғи ўйинчи

бўлсанг, деб олдин аччиқланишади, кейин сўкинганича кетишади.

Улар ҳеч нарсани билишмайди. Мен баданимни тўлиқ ёпадиган кийимда юраман-ку. Аслида, мен уларни аяйман. Бўз йигитларни қўрқитгим келмайди. Келажгим ҳақида, тўғриси, ҳозирча ўйлагим ҳам келмайди. Нимаям дердим — одам ўлмаса кўравераркан...

...Мана, яна «сезон» бошланди. Ҳаёт давом этмоқда... Айтганча, шоир ака, сизни вилоятда ҳам кўпчилик танийди-ку. Тўйларга кўп таклиф этишади. Илтимос, хизматга чақиришса, мени ҳам эсдан чиқарманг. Мана бу телефон рақамларим, сизга ишонаман... Мени тушунинг. Ахир, нима қилай, шароитимни тўғрилаш шу «сезон»нинг зиммасида бўлса...»

## ҲЎ, АРАВА! БУ ЁҚҚА КЕЛ!..

Худога беҳисоб шукрки, икки институтда эгалланган билимларимни ҳаётга татбиқ этиб, иқтисодий аҳолимни мустаҳкамлаб олганман. Ҳамма нарсам етарли. Аммо бу шунчаки бўлгани йўқ. Ўқишни битиргунимча, ҳаётда ўз йўлимни топиб олгунимча она сутим оғзимдан келган.

Аввал қишлоқда юрдим. Дипломинг тўғри келмайди, деб ҳеч қайси ташкилот ишга олмаган эди. Кейин, ўқишга сарфлаган умримга ачина-ачина бошқа ўқишга, иккинчи мутахассисликка ҳужжат топширдим. Тўрт йилда иккинчи диплом қўлга тегди. Аммо, барибир ишим юришмади. Қўш дипломли бўла туриб ҳам фақат оддий, маоши кам ишларни бажариб юрдим. Менга қўшилиб, оилам ҳам қийналиб кетди. Охири, «сутқатиқ» бўлиб турган сигир-бузоқни сотиб, тузукроқ иш ахтариб пойтахтга келдим. Яхши одамларга учраб, тез кунда ишга жойлашдим. Меҳнатдан, изланишдан қочмадим. Секин-секин қийин кунлар унут бўла бошлади. Ҳозир уй-жой, машина... ҳамма нарсам етарли.

Бу менинг умумий қисқача тарихим ва у аслида сизга айтмоқчи бўлган воқеага бевосита дахлдор. Аслида, мен бошқа гапни айтмоқчиман.

Рўзгорга мева-сабзавот харид қилиш учун Қўйлик бозорига тушдим. Хотиним бир варақ қоғозни тўлдириб ёзган харид рўйхатига қараб, бозор айлана бошладим. Бирпасда юкларим оғирлиги сезилди. Шунда тўрт-беш қадам нарида турган аравакаш йигитчага кўзим тушди.

— Хў, арава, бу ёққа кел!.. — дедим унга. У менга бироз ёвқараш қилгандек бўлди-да, сўнг тез-тез юриб, ёнимга келди. Чаққонлик билан юкларимни аравасига жойлаштирди. Мен яна бироз айланишимизни айтдим. Савдолашдик. Инсофли бола экан, тортишиб ҳам ўтирмади. Арава деярли тўлди. Тобора оғирлашиб бораётган аравани судрашга анча қийналди, шекилли, йигитчани тер босди.

— Ёрдамлашсам, хизмат ҳақингдан чегирасанми? — дедим унга ярим раҳм, ярим ҳазил билан. У менга бир қаради-да, бошини сарак-сарак қилди. Мен унинг бу ҳаракатидаги маънони англай олмадим. «Кераги йўқ», деганими бу ёки: «Яхшимас, терлаб-пишиб ишлаган одамнинг устидан кулиш, ака...» — дедимикин?.. Ҳартугул, ноўрин ҳазил қилганимни тушуниб етдим.

Яхши бола экан, нарсаларни машинаминг юкхонасига ҳам бирпасда жойлаштириб қўйди. Мен хизмат ҳақини бердим ва дедим:

— Ука, яхши йигит экансан, исминг нима?

У пулни санамасдан чўнтагига урди-да, индамай кета бошлади. Саволим жавобсиз қолганидан жаҳлим чиқди. Орқасидан бақирдим.

— Хўв бола, одам бунақа одобсиз бўлмайди! Мен сендан бор-йўғи исмингни сўрадим.

У тўхтаб, ўкрайганча ортига, менга қаради.

— Отинг нима? — сўрадим мен яна.

— Арава!.. — деди йигитча ва аравасини тарақлатиб, бозорга кириб кетди.

Уйга келдимۇ негадир юрагим ҳижил бўлаверди. Ўйлаб кўрсам, бир пайтлар мен ҳам шу йигитчага ўхшаган, ҳали ҳаётда ўз йўлимни топиб ололмай, ким-

ларнингдир калондимоғлигига чидаб юрган эдим-ку. «Хў, арава!» эмиш-а... Ўзинг кеча ким эдинг? Қаёқдан келди тилимга бу сўзлар? Шу «арава» бир кун келиб сендан ўн барабар зўр одам бўлиши мумкин-ку...

Виждоним қийналди. Эртага душанба — иш куни. Келаси дам олиш кунда яна бозорга бориб, ўша болани топиб, ундан узр сўрайман, деган қарорга келдим.

Имиллаб бир ҳафта ҳам ўтди. Яна бозорга бордим. Ул-бул нарсаларнинг нархини сўраган киши бўлиб раста айланар эканман, нигоҳларим ўша йигитчани қидирарди. Бироқ топа олмадим.

Кейин яна... Деярли, ҳар ҳафта бозорга чиқдим. Афсуски, ўша аравакаш йигитчани бошқа кўрмадим. Эҳтимол, ўқишга кириб кетгандир. Негадир шундай бўлишини жуда-жуда истадим.

Одам бироз бетоб бўлганида ёки бир муддат ишлари юришмай қолганида негадир ўз камчиликларини сарҳисоб қилиб қоларкан. Аслида, ҳар куни тонгда бошланган ҳаёт амалларини тунги ором олдидан сарҳисоб қилган одам донишманд бўлади. Мен ҳам ўша воқеани шу кунларда қайта-қайта эсга оляпман. Ҳамон аравакаш боладан узр сўраш нияти билан яшаяпман. Аммо уни тополганим йўқ. Ўшандан бери бозорга чиқиб, юкларимни аравага ортадиган бўлсам, биринчи галда аравакаш йигитдан исмини сўраб, ўз исми билан муурожаат қиламан ва хизмат ҳақини ўзи айтганидан кўпроқ кўшиб бераман: «Узр, укам, сени бироз овора қилдим-да!» — дейман. Уларнинг ҳар бири: «Узрга ҳожат йўқ, ака, ишимиз-ку бу!..» — дейишади. Мен эса шу тариқа бу йигитлар тимсолида ҳўв ўша мағрур аравакаш йигитни кўриб, ундан кечирим сўраган бўламан: «Кўнглимга қаердан кибр кириб келганини билмай қолибман. Келажакда сен мендан кўра омадироқ бўлишингни тилайман. Мени кечир, мен исмини билолмаган аравакаш укажон!..»

## БЕШИНЧИ ГОЛ

(Ҳажвия)

Тепадан қуёш стадионни қиздирса, пастда мураббийнинг тақир боши ялтираб, бу ҳароратга ҳисса қўшаётгандек, ўйинчиларнинг таъбини хира қиларди. Унинг хирилдоқ овоздаги: «Тезда ҳамма бу ёққа!» деган гапни тушунганлар тушунди, тушунмаганларни тушунганлар етаклаб, бир зумда уни ўраб олишди. Худди тилла топгандек, мураббийнинг кўзлари косасидан тошмоқ аҳволида. У ўйинчилар оша бўйин чўзиб, олазарак нигоҳларини ўнг-чап қилиб атрофга қадаб чиқди. Барибир биров эшитишидан гумони ошди, шекилли, жамоани кийиниш хонасига бошлади. Эшик бекитилди.

— Менга қаранглар, бугунги ўйин биз учун жудаям муҳим. Жамоамиз иложи борица бугун бешта гол уриши керак. Ҳатто, шарт!..

— Нега? — деди жамоа сардори ҳамманинг кўнглидаги савол бундан ортиқ бўлмаслигини уққандек.

— Биринчидан, ғалаба керак. Ютсак биринчи лигага чиқамиз. Иккинчидан, — шу жойда мураббий узу-у-у-н қилиб томоқ қириб олди, — ҳомийларимиз бугунги ўйинда рақиб дарвозасига бешинчи голни урган ўйинчига катта совға тайёрлаб қўйибди.

— Нима экан, нима совға, қанақа нарса??? — ўйинчилар мураббийни саволга кўмишди.

— Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ўша ўйинчи шу майдондан нақд «Матиз» миниб чиқиши мумкин, — деди мураббий терини артиш учун пешонасига рўмолча босар экан. Унинг қўллари ҳаяжондан тинмай қалтирарди. Салкам хушхабар даражасидаги бу гапдан мураббийнинг қалтироғи ўйинчиларга ҳам кўчди. Бир зум жимликдан сўнг ҳаммасининг оғзидан бараварига қувонч ифодаси отилди:

— Ессс, есс, есс, ура-аа!!!

— Бўлди, жим!.. Ҳамма бирдек фаол ўйнаши керак. Қани, олға, шунқорларим!

Мана, мусиқа садолари остида икки жамоа стадионга чиқиб келди. Томошабинлар олқиши авж олмоқ-

да. Ўйин бошланди. Стадионнинг марказий секторидagi кичик бир томчада маҳаллий телевидение шарҳловчиси ўйин жараёнини шарҳлаб бормоқда.

— Азиз телетомошабинлар, биз ҳозир вилоят биринчилиги учун «Шарпасой» ва «Лалмикор» жамоаси ўртасидаги финал учрашувига гувоҳ бўлиб турибмиз. Чап томонда қизил кийимда «Шарпасой», ўнг томонда эса ҳаворанг кийимда «Лалмикор» жамоаси ўз дарвозалари дахлсизлигини ҳимоя қилишади. Бугунги ўйинда голиб бўлган жамоа республикамиз футболининг биринчи лигасига чиқади. «Лалмикор» жамоасининг шашти ҳар доимгидан баланд. Ўйин аввалида ушбу жамоа мураббийи мухбирларимизга интервью берар экан, унинг жамоаси бугунги ўйинда рақиб дарвозасига камида бешта гол уришини ишонч билан маълум қилди. Унинг гапига ишонса бўлади. Негаки, «Лалмикор» жамоаси бугунга қадар ўтказган ҳар бир ўйинда рақиблар дарвозасига олтитадан кам тўп киритмаган. Қойил, деймиз уларга. Дарвоқе, яна бир янгилик, — шарҳловчи ўз овозини бир муддат стадиондаги карнайларга ҳам улаб қўйди, уни шунга «Лалмикор» мураббийси олдиндан «кўндирган» эди-да. — Ҳа, ажойиб бир янгилик, ўртоқлар! «Лалмикор» жамоасининг серҳиммат ҳомийлари ушбу ўйинда рақиб дарвозасига бешинчи голни урган футболчини (овозини баландлатиб) «Матиз» машинаси билан тақдирлашларини айтишга-а-ан!..

Стадионда ҳайқириқлар авжига чиқди. «Лал-ми-кор! Лал-ми-кор! Лал-ми-кор!» деган овозлар янада кучайди.

— Аммо, «Шарпасой» ҳам анойи эмас. Хуллас, бугун ажойиб футбол байрамининг гувоҳи бўламиз! Натижаларни эса вақт кўрсатади, — шундай дея шарҳловчи стадион карнайини узиб қўйди.

Шарҳловчининг сўзлари «Лалмикор»чиларга куч бағишлади, шекилли, ўн дақиқа ичида рақиб дарвозасини икки марта ишғол қилишди.

Ўйин тобора авж олди. Совринни эшитган «Лалмикор» жамоаси шиддатли ўйин олиб борди. Биринчи тайм 4:0, «Лалмикор» ҳисобига ҳал бўлди.

Танаффусда «Лалмикор» мураббийи ҳар бир ўйинчининг пешонасидан ўпиб чиқди.

— Галабага ярим қадам қолди, шунқорларим! Бўш келманглар. Наҳотки, «Матиз» мингиларинг келмаяпти. Қани, олға!..

Иккинчи тайм бошланди. Шарҳловчи яна бир муддат овозини стадион карнайига улаб гапирди.

— Азиз футбол ишқибозлари, мана, «Шарпасой» ва «Лалмикор» жамоалари ўртасидаги финал учрашувининг иккинчи тайми ҳам бошланиб кетди. Жамоалар майдон алмашишди. Энди ўнг томонда қизил кийимда «Шарпасой», чап томонда эса ҳаворанг кийимда «Лалмикор» жамоаси ўз дарвозаларини ҳимоя қилишади. Биринчи бўлим шиддатли кечди. Ҳисоб сизга маълум. «Лалмикор» ажойиб ўйин кўрсатмоқда. Уларнинг маҳоратига қойил қолмай илож йўқ. Бунда албатта бешинчи голга ваъда қилинган «Матиз»нинг ўз ўрни бор. Бироқ «Шарпасой» ҳам бўш келаётгани йўқ. Бироз омад етишмаяпти, холос. Хуллас, ўйинни кузатамиз. Ана, «Лалмикор» яна шиддат билан олдинга ташланмоқда.

Стадионда ҳайқириқлар...

— «Лал-ми-ко-о-ор! Лал-ми-ко-о-ор! Лал-ми-ко-о-ор!»

«Лалмикор» жамоаси жонини жабборга бериб гол уришга уринмоқда. Аммо, танаффусда «Шарпасой» ҳам ўз мураббийидан яхши кўрсатмалар олган шекилли, гол уришга боролмаса-да, ҳар ҳолда бутун жамоа бўлиб ҳимояга ўтишди.

«Лалмикор» дарвозабони анча зериккан ва асабийлашган. Кўлидаги бакалажқадан тез-тез сув ичади, баъзан бошига ҳам қуяди. Унинг хуноби ошганича бор. Ахир, иккинчи таймининг ярми ортда қолди, қани, бояги ўйин? Тоқати тоқ бўлиб, бақирришга ўтди.

— Теп! Тепсанг-чи, сўтак! Бир-бирингга ошир, лапашанглар!!! Э, худо, ҳозир ўзим ўйинга тушиб кетаман-ов...

Дарвозабон, бир зум ўйлаб қолди: «Дарвоқе, ким-



нинг ҳам «Матиз» мингиси келмайди. Шошмай туринглар!»

Шундай ўй билан у ҳам турган жойини тарк этиб, рақиб дарвозаси томон югуриб кетди. Ҳимояни ёриб, гол уришга уриниб кўрди. Бўлмади. Ҳимоя маҳкам. «Мингга қўйиб» ўз дарвозасига қайтди.

«Лалмикор»нинг ҳамма ўйинчиси «Шарпасой» ҳимоясини ёриб киришга ҳаракат қиларди. Ўзларининг ҳимоясида эса бир ўйинчи ва дарвозабон қолган... Бироқ ҳамма уринишлар беҳуда. Сира гол уриб бўлмапти. Гол бўлмаслигига уларнинг ўзлари англаб етмаган сабаблар бор — худбинлик... Ўзини ўйлаш... Нафс балоси... Яъни, «Матиз» талвасаси... Ана шу нарсалар устунлик қилиб, «Лалмикор»чилар бир-бирига тўп оширмай қўйишди. Фақат ўзлари тепишни ўйлай бошлашди. «Шарпасой»нинг бошқа ўйинчилари атрофда югуришиб, ҳимояда қолган ўйинчисидан тўпни амаллаб олдинга ташлаб беришини талаб қилишади.

Улкан таблонинг бир томонида соат кўрсаткичлари ўйин вақти тугаб бораётганини кўрсатмоқда, бошқа томонида ҳамон 4:0 деган ёзув.

Телешарҳловчи ўз ўрнида ҳаяжон билан шарҳини давом эттиради.

— Азиз футбол ишқибозлари, бунақаси ҳали бўлмаган. «Шарпасой»нинг ҳимоясига қойил қолмай илож йўқ. Мана, ўйиннинг сўнгги дақиқаси ҳам ўтиб бормоқда. Ҳадемай ҳакам финал ҳуштагини чалади.

Ҳакам, тинмай соатига қарамоқда. Бу ҳолатни ҳар иккала жамоа ҳам ҳис этиб турибди чоғи, якунига яқин палла ўйин қизигандан-қизимоқда. «Лалмикор» жамоасидан бир ўйинчи зарб билан тўпни тепди. Дарвозабон тутиб қолди. Рақиблар бироз чекингандай бўлди. «Шарпасой» дарвозабони рақиблар узоқлашишини кўп кутмасдан, тўпни яқинроқда турган ҳимоячига ташлаб берди. «Лалмикор»чилар асаларидай яна ёпирилиб кела бошлашди. Ҳимоячи йигит тўпни ўзида тутиб, жамоадошларини қидирди. Уларга тўп узатиш жуда ноқулай. Стадиондаги «Лал-ми-ко-о-ор! Ма-ти-и-из! Лал-ми-ко-о-ор! Ма-ти-и-из! Лал-ми-ко-о-ор! Ма-ти-и-из!» деган

хайқириқлар ҳимоячи йигитнинг асабини чақнатиб юборарди. «Лалмикор» ўйинчилари эса бундан руҳланибми ёки бошқа сабаб, кўзлари янада олайиб, югура бошладилар. Ва ниҳоят, тўп дарвозада.

— Го-о-ол!!! — Ҳар томондан шундай хайқириқлар янгради. Ҳакам хуштагини чалиб, қўли билан ўйин тугаганига ишора қилди. Таблода 5:0 рақамлари пайдо бўлди.

Телешарҳловчи ўзи «Матиз» ютгандек, ҳаяжон билан гапирарди.

— Мана, ҳурматли футбол ишқибозлари, «Шарпасой» ва «Лалмикор» жамоаси ўртасидаги финал учрашуви ниҳоясига етди. Биз «Лалмикор»чиларни бугунги ғалаба билан табриклаймиз... Ие, ғалаба қозонган бўлса ҳам негадир «Лалмикор»чиларнинг кайфияти тушганми? Дарвоқе, бешинчи голни ким урди экан? Ўйин шиддатли тус олгани боис мен ҳам англамай қолибман. Ҳозир вазиятни такрорий лавҳадан биргаликда кузатиб, сизга маълум қиламиз.

Шарҳловчи режиссёрдан такрорий лавҳа берилишини сўради. Маълум бўлишича, рақиблар бироз чекинганда дарвозабон тўпни яқинроқда турган ҳимоячига ташлаб берганди. Ҳимоячининг эса асаларидай ёпирилиб келаётган «Лалмикор»чилар орасидан тўпни ўз жамоадошларига ошириб бера олишига кўзи етмабди. Аммо тўпни рақибга ҳам бергиси келмабди. Стадиондаги: «Лал-ми-кор! Ма-тиз! Лал-ми-кор! Ма-тиз!» деган хайқириқлардан аламзада бўлиб, сўнгги сониягача тўпни оёғида тутиб турибди. Рақиблар тобора яқин келиб, тўпга энди етай деганларида ҳимоячи шарт орқага бурилибди-да... тўпни ўз дарвозасига йўллаб қўя қолибди...

Бу вақтда стадионда бошқача манзара...

«Шарпасой» дарвозабони жаҳл билан ҳимоячини кувиб кетяпти. Ҳимоячи қочиб, майдон четидаги «Матиз»га қараб югурмоқда. «Лалмикор»чилар рақиб ҳимоячисининг ортидан жаҳл ва алам билан қараб қолишган. Айни дамда тепадан қуёшнинг қиздиргани-ю, паст-

да мураббийнинг тақир боши ялтираб, бу ҳароратга ҳисса қўшаётгани кимнингдир алам ўти, бошқа бировнинг қувонч тафти ортида қолиб кетгандек, ҳеч кимни безовта қилмасди, сезилмасди ҳам...

Мана, ҳомийлар ўз дарвозасига гол урган «Шарпасой» ҳимоячисининг қўлини сиқиб, «Матиз»нинг эшигини очишди ва унга машинанинг калитини тутқазишди.

Шундай қилиб, бешинчи гол эгаси (қайси жамоадан бўлишидан қатъи назар) адолатли тарзда «муносиб» тақдирланди...

## ТЕЛЕВИЗОРДА КЎРСАТАДИ...

*(Ҳажвия)*

Одий қишлоқ ҳовлиси. «Вага-ванг» тўй авжида...

Дарвозадан кираверишда отахонлар чой ичиб, меҳмонларга «келинг-келинг»лаб ўтиришибди. Кимсан, Тошкентдан, машҳур телебошловчи Дониёр Ширинбоев меҳмон бўлиб келяпти, деган хабар қишлоққа ёйилиб бўлган. Отамдан кекса одамлар мени қўллари кўксида, кулиб қарши олишди. Хижолат бўлиб кетяпман. Тўй қолиб, ҳамма мен билан суҳбатга ошиқётгандек туюлди менга. Тўй эгасининг бир ишораси билан мезбонлар мени ҳовлидаги алоҳида безатилган столга етаклашди. Хизматчилар дастурхонга яна қўшимча ул-бул тортишмоқда. Тўй эгаси келиб, фотиҳа қилинди.

— Хуш келибсизлар, Тошкенжондан келган меҳмонжонлар! — деди тўй эгаси кўзлари қувнаб. Бу орада бу қувноқ кўзлар атрофдаги бошқа столларга ҳам бир-бир қадалиб улгурди. Бу қарашларда: «Кўряпсанларми, мани тўйимга ким меҳмон бўлиб келганини?!» деган маъно ҳам йўқ эмасди-ёв.

— Тўйлар муборак бўлсин, Абдусаттор ака! — қутладим мен уни.

— Келмай қоласизми, деб хавотирланган эдим. Раҳ-

мат, келганингиз жуда яхши бўлди-да. Қани олишиб ўтиринг.

— Ака, биз бир сўзимиз. Айтдикми, ваъданинг устидан чиқамиз.

— Отангизга раҳмат! Шу кичкинитоимиз, сизни жуда яхши кўради-да. Энди, сизга бир сўз навбати олиб берамиз, яхшилаб гапирасиз-да. Гапни ўзингиз болайсиз-ку, а, тилвизордагидек!.. — дея яйраб кулди Абдусаттор ака.

— Хўп, ака. Бизга ҳам шундай тўйлар насиб қилсин.

Ноз-неъматлардан еб-ичишдик. Ҳазил-ҳузул, мутойиба, кулгилар авжида бўлди. Бир вақт карнайлардан даврабоши гапириб қолди.

— Энди тўйболани табриклаш учун сўз пойтахтдан келган азиз меҳмонларимиздан бири Дониёр ака Ширинбоевга. У кишини сиз яхши танийсиз. Ўзимиззи вилоятдан... Телевидениеда ишлайди. Ҳаммани кулдириб, одамларга яхши кайфият улашадиган одам. Қисқаси, гуж-гуж талант. Мен каби кўплаб ёшлар у кишини ўзимизга устоз деб биламиз. Марҳамат, устоз, хуш келибсиз!

— Раҳмат, раис бова, сўз берганингиз учун! — дея гап бошладим. Тўй даврабошисини бу ерларда «раис бова» дейишини ва унинг иши тўйдаги энг обрўли хизмат ҳисобланишини яхши билардим. Ёнимга тўй эгаси Абдусаттор ака ва тўйболани чақирдим. Тўйболага бир оғиз ширин тилак билдирдим. Бир жуфт латифа ҳам айтиб бердим. «Яна бир бор тўйлар муборак бўлсин!» — дея қарсақлар остида тўй эгасини кучиб кўйдим.

— Раҳмат, Дониёр ака, саломат бўлинг! Сизнинг ҳам телевидениедаги ишларингизга, ижодингизга ривож тилаймиз.

Мен қўлимни кўксимга қўйиб, ташаккур билдириб, жойимга ўтира бошладим. Йўлда мени икки қўлида чойнак кўтарган йигитлардан бири тўхтатди.

— Кечирасиз, Дониёр ака, бир дақиқа.

- Нимаиди?
- Сиз телевидениеда ишлайсизми?
- Ҳа, нимаиди?
- Ҳув анави, отахонни кўряписизми? Кўчқор бова бўлади. Қишлоқнинг энг ҳурматли отахонларидан бири. Шу кишининг сизда иши бор экан.
- Хўп, ҳозир бораман.
- Мен бир мезбон кузатувида ўша томонга йўналдим. Отахонга яқин бориб, саломлашдим.
- Бардам-бақувват юрибсизми, отахон.
- Раҳмат, болам, тузукман. Бу, сен тилвизорда ишларкансан, туврима?
- Тўғри, ота. Нимаиди?
- Ундай бўлса, сенга гиртак илтимос бор.
- Бажонидил, айтаверинг.
- Шу десанг, менинг тилвизорим олти ойдан бери кўрсатмайди. Бир бало бўлган. Олдин зўр кўрсатайди. Артистлар ичидан чиқиб кетай-чиқиб кетай деярдди. Билмайман, не бўлди, жин чалдими, ишқилиб ўзидан-ўзи кўрсатмай қолди. Менимча, уста Михлининг кўзи теккан бўлишиям мумкин. Бир куни шу Михли мих сўраб кирувди. «Вўҳ, тилвизорингиз зўр кўрсатайкан», — деганди ўшанда. Шундан бери аҳвол шу-да. Қишлоқда битта мантир бор, ҳамманинг тилвизорини созлаб юради. Лекин меникига «тиши ўтмади» баччагарнинг.
- Хўш, мендан нима хизмат, ота?
- Сен, хў-ў катта тилвизорда ишлар экансан. Жон болам, илтимос, шу тилвизоримни тузатиб бер.
- Содда отахоннинг гапларидан яйраб кулдим.
- Сизни тушундим, ота. Лекин мен телевизор тузатишни билмайман.
- Э, ҳазилингни қўйсанг-чи, — деди отахон жиддий тортиб. — Бобой одамни калака қилма-да. Биламан, сизларга тилвизор созлаш карнайчидан пуф дегандай гап. Йўқ, дема, болам.
- Йўқ, отахон, сиз нотўғри тушунибсиз. Биз телевидениеда ишлаймиз. Лекин бу дегани телевизор тузатамиз дегани эмас-да.

— Демак, тилвизоримни созламайсан.

— Хафа бўлманг, ота, мен умримда телевизор тузатмаганман, тўғриси айтсам, ўзимнинг ҳам телевизорим бузилиб, бир ойдан бери устахонада ётибди.

— Сен қизиқ бола экансан-ку. Тилвизорда ишлайман деб ваҳима қиласан-да, тилвизор созлашни билмайман дейсан, — отахоннинг росмана жаҳли чиқди, шекилли, овози қалтираб чиқа бошлади. — Ким сени ишга олган ўзи, унгаям қойил қолмадим-да. Тилвизор тузатишни билмасанг, тилвизорда ишлаб нима қиласан. Қўй-ей!..

Отахон ёнидагиларга қаради, уларга ҳам шу гапларини такрорлади.

— Қаранглар мановни, тилвизорда ишлармиш-да, тилвизор созлашни билмасмиш...

Нимадир демоқчи бўлувдим, мезбон «фойдаси йўқ» дегандек кўзини қисиб, мени секин орқага торта бошлади. Сўнг бориб, ўзимизга тегишли стол атрофига жойлашдим ва тўйни томоша қилиб ўтирдим.

Қишлоқнинг тўйлари бошқача-да. Бу ерда ҳеч ким бойлигини кўрсатиш учун «кимўзар» чиқимлар қилмайди. Нон, мева-чева, гўшт-газак, хуллас, ароқдан бошқа барча ноз-неъматлар табиий... Агар Челакнинг ароғини меъеридан кўп ичиб юборадиган битта-иккита шоввозларни ҳисобга олмаганда, ҳамма самимий ва ҳамжиҳат...

Шуларни ўйлаб турганимда санъаткорлар хониши тўхтаб, яна даврабошининг овози янгради. У тўйбоп шеърни «эхо» билан ўқиб, навбатдаги меҳмонга сўз берди. Меҳмон камгап экан, бир оғиз сўз билан тилак билдирди. Даврабоши уни олқишлаб, микрофонни кўлига олди.

— Тўй тобора қизимоқда, дўстлар. Энди табрик учун навбатни қишлоғимиз телетомошабинларининг илтимосига кўра, яна устозимиз Дониёр ака Ширинбоевга берамиз.

Мен оғзимдаги бир бўлак гўштга тиқилиб қолай дедим. «Бу қанақаси?» деган нигоҳ билан даврабошига қарадим.

— Дониёр ака, узр, халқ сўраяпти-да, нима қилай?..  
Келинг энди!

Мен чиқиб эфирга кетмайдиган, аммо хатна тўйга мос тушадиган яна бир-иккита латифа айтиб, даврадагиларни кулдирган бўлдим... Сўнг даврабошига микрофонни бериб, кета бошладим. Аммо даврабоши мени яна тўхтатди.

— Кечирасиз, устоз, илтимос, микрофондан узоқ кетмай тулинг. Аслида сизга бошқа бир муҳим илтимос бор эди. Азиз дўстлар, тўй эгасидан Тошкентдан, телевидениедан келган азиз меҳмонимизга бир илтимос тушяпти. «Мана шу тўйдан бир яхши эсдалик бўлиб қолсин, Дониёр акамиз кўп эмас, 10 дақиқагина даврани олиб борсин», дейишяпти. Ростданам, яхши бир эсдалик бўларди-да, устоз, — деб у менга яна микрофон тутди.

— Раҳмат, раис бова! Нима дердим, тўй эгасининг сўзи биз учун қонун. Чунки, бугун бу оиланинг энг бахтли кунларидан бири. Мен эса ҳозир тўйболанинг кичкинтой ўртоқларига сўз бермоқчиман. Қани, ширинтойлар, менга яқинроқ келинлар-чи...

Тўйболанинг дўстлари, болакайлар бир зумда теварагимни ўраб олишди. Улар навбат билан шеърлар ўқишди, ўйнашди. Сўнг жойларига қайтишди. Бир қўлимда микрофон, бир қўлим Абдусаттор аканинг елкасида, сўзимда давом этдим.

— Азиз меҳмонлар, мен вақтинчалик даврабошилик лавозимидан фойдаланиб, шуни айтмоқчиманки, бугун биз мана шу камтарин инсоннинг бахтли кунини биргаликда жуда чиройли ўтказишимиз керак. У киши бугун ўз қувончини биз билан баҳам кўряпти экан, буни ҳурмат қилиш керак. Даврада ҳам тартиб сақлаб, ҳам ўйнаб-кулиб, тўйни қиздирайлик. Мана, бу ёқда видеога олишяпти, эртага буларнинг ҳаммасини телевизорда кўрсатишади. Шунинг учун ҳаммаси чиройли бўлиши керак. Энди менга ҳам рухсат, азиз дўстлар. Яна бир бор тўйлар муборак бўлсин!

Сўзларим қарсақлар билан олқишланди. Бу вақтда менинг ортимда бир ширакайф йигит пайдо бўлгани-

ни сезмай қолибман. Секин жойимга қайтарканман, ҳалиги ширакайф йигит ҳам ортимдан эргашди.

— Кеч-чирасиз, ок-ка, бир дақиқа, илтимос.

Мен тўхтаб, унга қарадим.

— Менга айтаяпсизми?

— Канешна, сизга-да. Яхшим-мисиз, ҳийқ! Қўлингизни олиб қўяйлик.

У билан қўл бериб кўришдик.

— Тузукмисиз, дўстим? — дедим истамайгина ҳол сўраб.

— Нима, мени Тузикмисиз деяпсизми, мени итсан, демоқчимисиз?

— Йўғ-е, аҳволингиз тузукми, яхшимисиз демоқчиман.

— Ҳа, майли, ундай бўлса, бошқа гап. Менинг кичкинагина кучугим бор. Оти Тузик. Хотиним, ичиб борганимда, сиздан Тузик ҳам тузук, дейди-да. Шу эсимга тушиб кетди.

— Ҳа шунақами, хўш, жўра, менда бирор ишингиз борми?

— Бор-да, ака, бор! Сиз ҳозир даврада нима дедингиз?

— Нима дедим?

— Видеога оляпти, эртага тилвизорда кўрсатади, дедингиз-а.

— Ҳа, шундай дедим, нимаиди? — дедим ҳайрон ҳолда. Йигит лабини буриб, кўрсаткич бармоғи билан осмонга ишора қилди.

— Ў! Вўт-так! Гап бундай... сиз йигитмисиз?

— Нима демоқчисиз ўзи, мундай тушунтириб гапиринг.

— Сиз тилвизорда ишлайсиз. Демак, бугунги тўйни тилвизорда кўрсатишади. Тўғрими?

— Ҳа, албатта... кўрсатади, — дедим ҳам кулгим келиб, ҳам бироз каловланиб. Йигит кўзлари билан давра четида, катта тут тагидаги чорпояга ишора қилди.

— Гап бундай, ока, ҳув чорпояда менинг отам ўтирибди. Баҳодир бова дейишади у кишини. Қишлоқда



номер один бобой. Бобойни тилвизорга оласиз, ярим-таси мендан, ўғил бола гап!..

— Шу холосми, гап бўлиши мумкин эмас, — деб, видеочи болани ёнимга чақирдим. — Укажон, илтимос, биз билан юринг.

Ширакайф йигит бизни сўрига бошлади. Мен йўл-йўлакай, видеочининг чўнтагига минг сўм солиб, унга кўз қисиб кўйдим. У «раҳмат» маъносида кўлини кўксига кўйиб, биздан олдин сўри ёнида пайдо бўлди. Сўрида ҳалиги Қўчқор бова ҳам бор.

— Мана, ота, мана шу тўйни тилвизорга чиқарман деган йигит шу бўлади, — йигит мени ўзича таништира кетди. — Қани, нима гапингиз бўлса айтаверинг. Отамни олинглар. Тезроқ олинглар. Отам қисқа, лўнда ва бир марта гапиради. Кеч қолсанглар, илтимос қилсанглар ҳам гапирмайди.

— Ростданам тилвизорда кўрсатадими? — сўради бобо.

— Нима десам экан, отахон, биласизми? — мен отамдан катта одамга ёлғон гапиргим келмасди. Шу боис ҳалиги йигитга хўмрайган қараш қилдим...

— Ока, чайналманг, йигит битта гапиради, ваъданинг устидан чиқинг.

Қарасам, аҳвол чатоқ... Бир нима ўйлаб топиш керак.

— Хўп-хўп... қани, отахон, мана бу камерага қаранг ва тўйболага тилаклар бўлса, марҳамат, айтинг.

— Апсаттарди тўйи зўр бўляпти. Худо хоҳласа, «Фарғона тонг отгунча» давом этади. Менинг тўйдан бошқа срочний гапларим бор, аввал шуни айтишим керак. Ростанам тилвизорда кўрсатама?

— Ҳа, отахон, шундай-шундай, — дедим бироз чайналиб.

— Оляпсанма, — деди отахон камерага қараб. — Нега аллайсан, хўв бола, бунинг қизил лампичкаси жонмаяпти-ку. Нима, мени Қўчқорга ўхшатиб, ўқимаган чол деб ўйлаяпсанма? Мени билмас экансан. Расмга олсанг, халтура қилмай ол.

— Ука, яхшимас бу иш. Тўғрилаб олинг, — дедим мен видеочини койиган бўлиб. Видеочи янада чаққонлашди.

— Бўлди-бўлди. Мана, мото-о-ор, кетди! Гапиринг ота!

— Мен Эшонкулов Боҳодир... Иккинчи жаҳон урушида, пронт ортида меҳнат қилганман. Жуда қийин замонларди кўрдик. Давлатимизга раҳмат, мана яхши кунларга жетдик. Ҳозир пенсадаман. Ҳаммаси яхши, тўйлар бўляпти. Фақат бир арзим бор. Мана, икки ойдан ошди Тоштемир пўштачи пенса пулимни бермай, мени аллаб журипти, баччағар. Биламан, у жуда қитмир бола, Жумабозорда тўчкаси бор. Нос сотади. Менга ўхшаганларди пенса пулини вақтида бермай, бозорда «оборот» қилади, номард.

— Бўлди-бўлди, ота, ахир бу бировнинг тўйи бўлса, Тоштемир пўштачига нима бор бу ерда, тилак айтинг, бобо!.. — дедим унинг сўзини бўлиб.

— Ҳа, шунақа, туври гап туққанингга жохмайди-да. Сенлар ҳақиқатди айтишга кўқаслар-да, а...

— Хўп, отахон, яхши гапирдингиз, бу муаммони ҳал қиламиз.

— Менга қара, шу гапларимни тилвизорда кўрсат. Тоштемирди апирислигини ҳамма билсин. Пенсамди вақтида берсин, ҳа!

— Маладес, ота, — деди ширакайф йигит қарсақ чалиб. — Ока, мен сизга ишондим, ўғил бола гап... Қани, энди икковимиз 50 грамм-50 грамм оламиз.

— Мен умуман ичмайман, узр. Сиз бемалол, ўзингиз...

— Нима?.. М-мен жинниманми, ўзим билан ўзим ичиб. Келинг, энди. Бир эсдалик бўлсин. Мен кейин ҳаммага айтиб юраман, тилвизорда чиқадиган Дониёр окам билан бирга ичганман, деб.

— Ие, ҳали шунақами? — дедим жаҳлим чиқиб. — Сиз мени одамларга алкаш деб таништирмоқчимисиз? Айтиб қўяй, мен сиз билан бир грамм ҳам ичмайман. Яхшиси, телевизорда ишлайдиган окам мен билан бир грамм ҳам ичмаган деб айтиб юра қолинг. Қаранг-а...

— Ҳа, майли, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Лекин гапингизга жавоб берасиз-а, шу тўйни, отамни тилвизорда кўрсатишади-а?..

— Ҳа, дедим-ку. Керак бўлса, ўн марта кўрсатишади.

Кутилмаганда йигитнинг авзойи бузилди. Жаҳл билан сенсираб, менга бақира кетди.

— Ним-ма?.. Ў-ўв, менга қара, ўн марта дедингми? Сен мени ғалча деб ўйлаяпсанми? — у менга бостириб кела бошлади. Мезбонлардан бири уни тўхта-тиб қолди. — Қайси тилвизорда бировни тўйини ўн марта кўрсатар экан. Қишлоқ одамларини содда деб, устидан кулаверасанми, номард. Индамаса, жа ўзингдан кетасан-а!..

— Мен ҳеч қачон бировнинг устидан кулмаганман, оғайни, ўпкангни босиб ол! — мен ҳам сенсирашга ўтдим.

— Менга қара, гапингга жавоб бермасанг, шу қишлоқдан соғ чиқиб кетмайсан. Мени билмас экасан. Менчи, ҳўв, Тошкентингда ўн йил яшаб қўйганман. Ўн йил ТТЗда ишлаганман. Билдингми, ТТЗ!?

— Нима бўпти, ТТЗда ишлаган бўлсанг... Сен менга буйруқ қилиб, ким бўпсан!.. Хоҳласам, шу тўйни умуман телевизорда кўрсатмайман, хоҳласам ўн марта эмас, йигирма марта кўрсатаман. Мен билан ишинг бўлмасин.

— Қўйинг, ака, шу билан тортишиб ўтирасизми, маст бўлса, — деб мезбон мени ҳалиги стол томон бошлади.

— Ўв, ким маст? Мен маст эмасман. Мен гапимга жавоб бераман. Йигит киши айтган гапига жавоб бериши керак. Агар шу мухбиринг ҳамсоямни тўйини тилвизорда кўрсатишини исботлаб бермаса, мендан қутулиб бўпти...

Мезбонлар йигитни амаллаб тинчлантиришди. Биз ўзимизнинг столга бориб ўтирдик. Бу гапларга парво қилмай, яна ҳазил-ҳузул, мутойибага киришиб кетдик.

Бу орада ҳалиги маст йигит столимизга бир неча

бор яқинлашишга уринди. Мезбонлардан бири хижолат бўлди, шекилли, бизга бир таклиф айтди.

— Меҳмонжонлар, узр, тўйчилик, ҳамқишлоғимизнинг бироз кайфи ошиб қолибди, ичса шунақа шира бўлиб қолади. Юринглар, биз сизлар учун ичкари уйга алоҳида жой ҳозирладик. Ўша ер тинчроқ, яйраб ўтирасизлар.

Суҳбатимиз ичкари уйда давом этди. Ўйлаб кўрсам, анчадан бери қишлоқ одамлари билан учрашмаган эканман... Мириқиб гурунглашдик. Бир маҳал даҳлиздан «тарақ-туруқ» тўполон кўтарилиб, ҳалиги маст йигитнинг овози эшитилди.

— Оббо, — деди ҳамма бирдан.

— Қани, ўв, тилвизорчи бола, қани? Гапига жавоб берсин!

Биз ўтирган хона эшиги тарақлаб очилиб, шоввоз кириб келди-ку!.. Қўлини бигиз қилиб, яна менга бақира кетди.

— Ўв, сан, тилвизорчи!.. Эркакмисан, гапингга жавоб бер энди... Қанақа қилиб қишлоқи бир одамнинг тўйини тилвизорда кўрсатасан? Сен бу гапинг билан бутун қишлоқнинг устидан кулиб, уларни ҳақорат қилганингни биласанми? Мен сенга ўхшаганларни кўп кўрганман. Қани, жавоб бер гапингга... Абсаттор акамни тўйини тилвизорда кўрсатармиш... Ҳе, сани...

У ошкора уятсиз сўзлар билан сўкиниб қолса бўладими. Тамом. Буниси энди ошиб тушди...

— Стоп!!! — деб бақирдим жаҳл билан. Ҳамма бир зум жим бўлиб қолди. Ўрнимдан туриб, йигитга яқинлашдим. Қўлимда ароқ тўла қадах, уни бир кўтариб ичиб юбордим. — Мана, мен ҳам ичдим. Энди мен ҳам сендек маст бўлдим. Ҳар нарсанинг чегараси бўлади. Индамаса, сўкина бошладинг, кимсан ўзи?...

— Ҳеҳ, гапига жавоб бермаган йигитни сўкиш ҳам кам, билдингми? Ҳе, сани онангни...

Йигитнинг гапи оғзида қолди. Сўкишнинг давомини айтишга улгурмади. Шашт билан бўғзидан олиб, деворга тираб, уни бўға бошладим.

— Менга қара, хўв, ТТЗ! Мен шу тўйни телевизорда кўрсатади дедимми?

— Дед-динг!.. — йигитнинг овози хириллаб чиқарди.

— Видеочи тўйни суратга оляптими?

— Ҳмм.

— Видеокамеранинг ичида кассета борми? — дедим овозимни янаям баландлатиб.

— Бор!!! — деди йигит ҳам бақириб.

— Кассета тўлгандан кейин видеомагнитофонга тикиладими?

— Ҳа!!!

— Видеомагнитофон телевизорга уланадими?

— Ҳмм... — деди йигит сал юмшаб. Нимадир бўлишини сезгандекми ёки бўғилиб кетдими, кўзлари олая бошлади.

— Хўш, видео телевизорга улангандан кейин телевизорда кўрсатмай энангнинг қорнида кўрсатадими, тупой?!

Бир зум жимлик... Сўнг ҳамма кулиб юборди. Ҳалиги йигит мулзам бўлиб, бирпасда кайфи ҳам тарқаб қолди. Мезбонлар кулишиб-кулишиб, уни туртиб-туртиб, хонадан чиқариб юборишди. Ҳазил-хузул, кулгу яна давом этди.

## МЕН КИММАН?

Қишлоғимиз кенг тепаликда жойлашган бўлиб, уйлар тугаган жойдан сойликка эниб кетадиган йўл бор. Сойлик эса катта кўлдан бошланади. Жудаям катта кўл. Қирғоғини айланиб чиқсангиз, икки километр йўл юрган бўласиз. Одатда, кўлларга тоғу қир ирмоқларидан оқиб келган сувлар қуйилади ва бир томонидан чиқиб кетади. Аммо бизнинг кўл бошқача. Унга ҳеч қаердан сув оқиб кирмайди, фақат чиқиб кетадиган сув нариги қир этагидаги катта сойга қуйилади. Хўш, унда шундай катта кўл қандай қилиб сувга тўлиб туради деб ҳайрон бўляпсиз-а... Чунки унинг ўзанида минглаб булоқлар қайнаб, жимирлаб туради. Шу боис суви доим тип-тиниқ... Ёзда болаларнинг, умуман, каттаю

кичикнинг севимли жойи ҳисобланган бу кўл тепадан, айтайлик, тоғдан ёки вертолётдан қараганда худди улкан булоқни эслатади.

Эслайман, эртага мактаб деган кун эди. Олтинчи синфга боришимиз керак. Болалар билан эрталабдан кўлга тушиб олганмиз. Тоғлар орасидаги қишлоқ эмасми, ёз тугагандан сўнг салқин тушиб, кўлнинг суви совийди. Мактаб бошлангач, унда чўмилиб бўлмайди. Биринчидан сув муздек бўлса, иккинчидан дарслар ва қишлоқ ишларидан ортмаймиз. Хуллас, эртага мактаб деган кун бўлгани учун мириқиб чўмилиб, кун туш маҳал бўлганини болаларнинг уйларидан тушликка чақирувчилар бир-бир кела бошлагач билибмиз...

— Қаёқларда санқиб юрибсан, ҳўв бола! Мени шарманда қилдинг-ку... — ҳовлига кириб, салом беришга улгурмасимдан отамдан эшитадиганимни эшитдим. Буткул эсимдан чиқибди. Бугун бизникида лойсувоқ ҳашари эди-ку!..

Ўша вақтлар қишлоқда яхши анъана бор эди. Ёзнинг сўнгги ойида қишлоқда лойсувоқ ҳашарлари уюштирилди. Навбат-навбат билан ҳар бир ҳовли уйлари-нинг томлари лойсувоқ қилинарди. Ҳамма ҳамжиҳат ишга киришиб кетарди. Бу тадбир ҳашардан кўра, тўйга ўхшаб кетарди. Қишлоқдошлардан кимдир ҳашарга айтилмай қолса: «Сенга нима ёмонлик қилдим, нега мени одамгарчиликдан чиқаряпсан?» — деб, ўша одамдан жуда қаттиқ хафа бўларди.

Ҳашарчилар «қўйинг-қўйинг»лаб, отамни сўкишдан тўхтатди. Онам «ҳашар оши»га барак туйган экан. Тушлик қилиб бўлгач, ҳамма яна ишга шўнғиди. Отам менга ҳовлимиз четидаги эски ҳовлидан қолган, нураб бораётган деворни бузишимиз кераклигини айтди ва бутун фиштларини (кейин яна ишлатиш учун бўлса керак) авайлаб, синдирмасдан кўчиришимни тайинлади. Мен айбдорлигим учунми, кўлда топ-тоза бўлиб келганимни ҳам унутиб, ишга киришиб кетдим. Деворни «эшак» қилиб миниб олдим ва теша билан кесакларини уриб-учириб, фиштларини бир-бир қўпо-риб ола бошладим. Тоғамнинг мендан бир ёш катта ўғли Фазлиддин мен узатган фиштларни авайлаб, бир

четга тахлаб турди. Отам сал нарида сомонлой тайёрлар эди. Лойсувоқ ҳашарига чиққан қўшнилари ҳазилхузул қилишиб, отамга ёрдамлашишарди. Биз катталардан қолишмай ишлашга тиришардик.

Кеч тушай деб қолди. Бир маҳал навбатдаги гишти кўпорганимни биламан, остидан аввал битта-иккита, кейин ўнлаб ва саноксиз арилар галаси учиб чиқса бўладими?! Қарасам, гишт тагида ковак бўлиб, унда ариларнинг кунгабоқар шодасига ўхшаган каттакон ини бор экан. Бевозга арилар мени талаб қолишди-ку. Юзкўзимга, майкам орасига кириб, бутун баданимга ёпиша кетса денг... Уларни қайтаришга қўлимдаги тешадан фойдаланиб бўлмади. Оғриқ азобидан додлаб, икки метрлик девордан ўзимни пастга отдим. Шу ҳолатда ҳовлидан чиқиб, сойга югурдим. Ортимдан Фазлиддин ҳам додлаб келяпти. Иккимиз ҳам кийим-пийимимиз билан сувга шўнғидик.

Бир амаллаб арилардан қутулдик. Ари чаққан жойларимизга лой чаплаб чиқдик. Қирғоқда ўтирсак, «нима бўлди»лаб ҳашарчилар ҳам ёнимизга етиб келишди. Аҳволимизни кўриб, бири ачинса, бири кулади. Биз эса йиғламоқдан беримиз. Ахир эртага байрам — биринчи қўнғироқ. Мактабга юз-кўзимиз шишиб борамизми?..

Менинг бутун аъзойи баданим, юзларим қизиб борарди. Фазлиддин иккимиз лойга беланган афти ангоримизга қараб, бўлар иш бўлди деб, роса кулишдик. Сўнг яна кўлга бир-икки калла ташлаб, топ-тоза бўлиб чиқдик. Фазлиддин пишиқ экан. Ҳар ҳолда мендан бир ёш катта-да... Ариларни кўрган заҳоти тугмалари қадалмаган кўйлаги билан юзларини бекитишга улгурибди.

Кўлларимни юзимга боссам, юзим юмшоқдек туюлди. «Наҳотки шишиб кетган бўлсам?» деган ҳадик билан уйга кела солиб, ойнага қарадим. Йўқ, сал-пал қизарганини ҳисобга олмаганда, худога шукр, башарамиздан нолимасак ҳам бўлаверади. Эртага байрамга киядиган янги кийимларни қайта-қайта кийиб кўриб, сўнг хотиржам уйкуга кетдим.

Тонг отди. Эрта турдим. Турдим у шифонер ойнасига қарадим: ҳаммаси жойида!

Ювиндим. Нонушта қилдим. Онам янги кийимларимни тахлаб қўйибди. Маза. Бугун уч ой — ёз бўйи кўришмаган синфдошлар билан учрашамиз. Ҳамма янги кийим кийиб боради. Шу ёзда менинг бўйим тез ўсди. Болалар ҳайрон қолишса керак. Шуларни ўйлаб туриб, сочимни тараш учун яна шифонер ойнасига яқин бордим... Қарасам... Даҳшат!!!

«Дод» деб бақиргим келди. Ўзимни йиғидан зўрға тутиб турибман. Кўзгуда гўё менинг ўрнимга қовоқлари, юзлари шишиб, кўзлари қисилиб, кўриниб-кўринмай, бошқа бир бақалоқ бола термулиб турарди. Арилар заҳри кечаси билан таъсирини ўтказиб, тонгда уйғонганимдан сўнг, бир нонушталик вақт ичида менга шундай бадқовоқ қиёфани «совға» қилиб турган экан.

Шу пайт онам Фазлиддин чақираётганини айтди.

— Бормайман мактабга, унга мени уйда йўқ, денг, — дедим онамга. Фазлиддин кетди, шекилли, онам қайтиб келиб, аҳволимни кўриб, «бор» ёки «борма» дейишини ҳам билмай қолди.

— Фазлиддиннинг кўриниши қанақа эди, оий?

— Яхши, туппа-тузук кийиниб олибди!

Бир муддат Фазлиддинга нисбатан ич-ичимдан алам ўтди. Энди нима қилдим? Мактабга борай десам, аҳвол бунақа... Бормай десам, бугунги байрамни ўтказиб юбориш, гўё ҳаётни йўқотиш билан баробар.

Болаликнинг завқи, мактаб соғинчи устунлик қилди. Қолаверса, қишлоқ болалари унча-мунча оғриқларни оғриқ демайди. Ари чаққанига ҳам кўрпа-тўшак қилиб, вой-войлаб ётадиган эркатой эмасмиз. Нима бўлса бўлди деб, мактабга йўл олдим...

Ҳамма ёқ чиройли, ҳамма чиройли!.. Янги кийимлар ял-ял ёнади-ей! Туфлилар ойнадек ялтирайди. Уларга қараб соч тарасангиз бўлади. Ҳув ана, бизнинг синфимиз болалари. Уларнинг ҳузурига ошиқардим.

Нега бунча менга ҳамма ҳайрон тикилмаса... Эндигина биринчи синфга борадиган болакайлар мени кўрган заҳоти кўрқиб, қочиб қолишарди. Ўзимизнинг синфга яқинлашдим.

— Қалайсизлар? — саломлашиш учун қўл узатдим. Улар мен билан саломлашишни ҳам, саломлашмаслик-



ни ҳам билмай, анграйиб қолишди. Айримлари қўрқиб ўзини четга тортяпти. Билдим, улар мени танишмади. Ҳарқалай, янги кийимдаман, тагин очилиб-сочилиб..., тўғрироғи, ёйилиб кетганман. «Ҳеч ким танимасаям, Азамат танийди. У менинг энг яқин дўстим. Бир партада ўтирамиз». Шундай хаёл билан сал нарида мактаб пештоқидаги ёзувларни ўқиб турган Азаматга яқинлашдим. Секин ортидан бориб: «Қани, топ-чи, кимман?» — дегандек, кўзларини иккала кафтим билан маҳкам сиқиб олдим. Азамат ўзича беш-олтита боланинг исмини айтиб чиқди. Бўлмагач, яна бир-иккита қизларнинг ҳам отини айтди... Мен қиқирлаб, маза қилиб кулардим. Аммо овозимни чиқармасдим. Йўқса, таниб қолади-ку!.. Шунда Азамат қўллари билан юзимни пайпаслай бошлади.

— Э-э-э, топдим! Буфетчи холам! — деди қийқириб. Роса кулги бўлди. Менинг эса бироз жаҳлим чиқди. Наҳотки, юзим мактаб буфетида ишлайдиган дўмбоқ холани эслатадиган даражада шишиб кетган бўлса?..

— Бу менман-ку, хумпар, — дедим унинг кўзларини бўшатиб... Азамат бир зум кўзларини ишқалаб, секин менга қаради... Қарадию ранги оқариб, орқа-олдига қарамай қоча бошлади... Мана сизга байрамда текин томоша!..

Ахийри, болалар мени танишди. Кулги баттар авжига чиқди. Шу тобда мен учун: «Майли, бу кунлар ҳам ўтиб кетар» деб, арилар галасини бўралаб сўкишдан бошқа хуморимни босадиган таскин йўқ эди.

## УВОЛ БЎЛАДИ

— Кечирасиз, опажон, сиздан илтимос, мана бу нонни олинг. Ивитиб, сигирингизга берарсиз, — дея моғор босган, қотиб қолган нонни сут сотиб юрадиган аёлга тутқаздим.

— Ука, кўнглингизга олманг-у, аммо нима қилардингиз ортиқча нон олиб, уни исроф қилиб, — деди у нонни халтачага жойларкан.

— Нонни исроф қилиш яхшимаслигини биламан.

Лекин бу нон мендан ортган эмас, узр. Кимдир буни ахлат қутиси ёнига ташлаб кетибди. Мен ҳам уволи тутмасин, деб олгандим.

— Ё тавба, — аёл ҳайратланиб, алланималар деб пичирлади. — Вой, худобехабарлар-ей, нонни ахлатга ташлашибдими-а, вой уволидан қўрқмаганларини-чи... Ҳай, аттанг... Раҳмат сизга, ука, Аллоҳ ризқингизни бутун қилсин!

Мен аслида унга раҳмат айтишим кераклигини айтдим... Сутчи опа нарсаларини кўтариб, бошини сарак-сарак қилиб кета бошлади. Мен бундан анча йиллар илгари, Мустақилликдан олдинги бир воқеани эсладим...

Ўшанда ёз эди. Биз абитуриент эдик. Олис вилоятдан келган абитуриентлар ўқишга ҳужжат топширган бўлишса, имтиҳонлар ўтгунига қадар ётоқхона беришарди.

Бир куни абитуриентларга ҳашар эълон қилишди. Комендант аёл рус тилида бақириб-чақириб ҳаммамизни ҳовлига бошлаб борди. Биз қишлоқдан келмаганмизми, ишдан қочадиган бола эмасдик. Айтганини қилиб, ётоқхона теварагини тозаладик. Атроф тоза бўлса, бу ўзимиз учун ҳам яхши-ку. Мен катта белкуррак билан ахлатларни махсус қутиларга сола бошладим. Қарасам, ахлат қутиси ёнида ўн-ўн беш чоғли буханка нон ётибди. Қаттиқ таажжуб ва афсус билан бу ҳақда комендант аёлга айтдим. У эса парвойи фалак: «Ҳаммасини ахлат қутисига ташла», — деди.

— Қанақасига, ахир бу нон-ку, — дедим.

— Нима қилай нон бўлса, ташла дедимми, ташла, — деб бақирди ўрис аёл.

— Нонни ахлатга ташлаш яхшимас, опа.

— Нима, ахлатга ташламасдан бу нонларни емоқчимисан, — деди устимдан кулгандек. Сўнг, яна бақирди: «Ахлатга ташла, тез бўл!»

Ўша вақтларда русчани яхши билмаганим учун «Нон — ризқ-рўзимиз, унинг уволидан қўрқаман. Бу ишни қиломайман», — деган гапларимни унга тушунтира олмадим. Аммо, айтганини қилмадим. У мени

ўқишга кира олмайсан, менинг гапимни икки қилганинг учун сени ўқишга қабул қилишмайди, деди.

Балки соддалигим учундир, унинг сўзлари менга бироз хавотирли туюлди. Аммо, мен ўқишга кирдим. Талаба бўлиб, ўша ётоқхонага борганимда эса, ҳалиги комендант аёл ишдан бўшаб кетган экан. Бу ҳолатдан ҳайрон қолдим.

Шу хотиралар билан мен сутчи аёлнинг ортидан бир зум қараб қолибман. Сўнг секин йўлимда давом этдим. Кичкина бир ушоқ тушиб кетиб, уни тополмагач, уволидан қўрқиб, ушоқ тушган жойни девор билан айлантриб қўйган киши ҳақидаги ривоятни тез-тез эслаб тураман. Шу кечаю кундуздаги ушбу воқеа эса кун бўйи хаёлимдан кетмади. Нонни ахлатга ташлайдиганлар ҳамон учраб туришидан кўнглим хира тортса, сут сотувчи опанинг ўша моғор босган нонни тавоф айлаб, авайлаб халтачага жойлаштирганини эслаб, дунёда ҳалол инсонлар кўплигига шукрона келтираман. Бор бўлинг, яхши одамлар! Сизга раҳмат, сутчи опа!

**ЁҚМАЙДИГАН НАРСА ЕБ...**  
**ЁХУД**  
**«АФАНДИНИНГ БЕШ ХОТИНИ»ГА**  
**ЎХШАТМА**

*(интермедия)*

*Бола замонавий Афанди кийимида, белбоғига сотка осилган. Қиз — Тўтихон, ёш, бешинчи хотин қиёфасида саҳнага чиқиб келади.*

*Куёв ва келиннинг чиқишига икки томондан иккита доирачи жўр бўлади.*

Афанди: — Қалай, жоним, тўй зўр бўлдими? Бир-ровчилар ҳам роса кўп келди-а!..

Тўтихон: — Йўқ, раҳмат, қорним тўқ...

Афанди: — *(Ҳайрон, секинроқ овозда)* Кулоқ масаласи чатоқ, шекилли?

Тўтихон: — А?

Афанди: — Кулоқ масаласи чатоқ шекилли, дейман.

Тўтихон: — Ёқмайдиган нарса еб қўйган бўлсангиз керак-да...

Афанди: — ...Худо берибди бешинчисини. Кундошларинг кўринмайди?

Тўтихон: — Менам шуни айтаман-да, ёмон нарса еб қўйган бўлсангиз керак деб.

Афанди: — Э, тавба, худо урибди мени. Энди нима қилдим... Бундан кейин менинг хотинимсан. Ҳар куни ишдан келганимда уйимиз тоза, овқатлар пиширилган ва яна...

Тўтихон: — *(гапини бўлиб)* Йўқ, йўқ... Ҳаммаси яхши, мени ҳеч ким хафа қилгани йўқ...

Афанди: — Э, аттанг, энди нима қилдим... Вў-ў!... *(калласига зўр фикр келгандек, кўрсаткич бармоғини осмонга бир кўтариб қўяди, у ёқ-бу ёққа аланглаб)* ... Жонгинам, сенга менинг арзимас совғам бор... *(секин қўлини чўнтагига тиқади.)*

Тўтихон: — *(бақириб)* Қани-қани?... *(Афанди чўнтагидан тилла узук чиқаради. Қизнинг кўзи ўйнаб)* ... Вуй-й-й!!!!

Афанди: — Ҳой, жим... Секинроқ... Совғани эшитиб, қулоғинг очилиб кетдими? Бошқа хотинларим эшитиб қолишмасин... Уларга бунақа узук совға қилмаганман... *(қиз ҳам у ёқ-бу ёққа аланглайди.)*

Тўтихон: — Ёқмайдиган нарса еб қўйишган бўлса керак-да...

Афанди: — Унисини билмадим. Хуллас, уларда бунақаси йўқ... Ахир бу чистий тилла, висший проба... Уларники, эса мис, алюмин, хуллас, бир тийинга қиммат темир-терсақлар... Сени эса ҳаммасидан яхши кўраман-да, жоним...

Тўтихон: — *(узукка қараб яна бақириб)* Вуй-й-й!!!!

*(Шу пайт доирачилар чалишади, қиз мазза қилиб ўйинга тушиб кетади. Узукни кўрсатиб, кўрсатиб ўйнайди)*

Афанди: — Яна бошланди-ю... Э, жим-е... Жим!.. Бу дейман, тўйдан олдин дўхтир-пўхтирдан ўтганми-лар?

Тўтихон: — Ўтмаган дўхтирим қолмаган. Ҳаммасига кириб чиққанман..

Афанди: — Йўғ-е, наҳотки?.. Хўш, қаеринг оғриганда қаерга боргансан?.. Бир бошидан айтиб бери-чи?..

Тўтихон: — Бир куни кўзим оғриб қолди. Ёқмай-диган нарса еган бўлсам керак-да... Кўз дўхтирга бордим... Бу кўз дўхтир дегани ваабше чаласавод... Катта-катта ҳарфларни ҳам танимайди. Мендан сўраяпти... Бу қайси ҳарф, буниси-чи, деб... Тағин, сизнинг кўзингиз «минус бир» экан дейди. Ахир менинг кўзим иккита, бақрайиб турибди... Мана, мана... (кўзини бақрайитиради) ... «Минус икки» бўлмайдими?..

Афанди: — (ақл ҳам кетганми дегандек, кўрсаткич бармоғини бошига текизиб, бошини сарак-сарак қилади.) Ҳа-а, шўрим қурипти...

Тўтихон: — Ёқмайдиган нарса еб қўйган бўлсангиз керак-да... Бир куни психопатга бордим... Хотирам паришон бўлиб қолди... Ёмон нарса еб қўйганман, шекилли-да... Бу дўхтирам ғалати экан... Тиззамга болға билан солиб қолса бўладими? Қайтиб келолмасин деган-да... Ўрнимдан туrolмасам керак деб, қўрқиб кетдим. Йўқ, яхши бўлди. Тиззам фақат орқага букиларди. Дўхтир болғаси билан ургандан кейин олдингаям букиладиган бўлиб қолди...

Афанди: — Ўшанда бир йўла кувалда билан урмаган экан-да...

Тўтихон: — А, лаббай?..

Афанди: — Йўқ, ўзим... мен ҳам гапингиздан қўрқиб кетдим..

Тўтихон: — Ёмон нарса еб қўйган бўлсангиз керак-да..

Афанди: — Ҳа энди, қўявер, нима еган бўлсам егандирман. Хўш, давом этавер...

Тўтихон: — Тиззам олдинга букиладиган бўлиб қолгач, хирургга — жарроҳга борадиган бўлдим... Жарроҳ, аввал рентгенга боринг, деди... Ёмон нарса еб

қўйган бўлсам керак-да... Рентген дегани ваабше галати экан... Рентгендан ҳеч қандай фойда йўқ аслида... Қоп-қоронғи кабинага киргизиб қўяди-да, «ечининг» дейди... Тушунмайман, пойламоқчи бўладими булар? Кабина қоп-қоронғи бўлса, ниманиям кўрардинглар... Жа, томошага ўч экансан, кабинангга, хирароқ бўлсаям, битта чироқ ўрнатиб, ёқиб қўймайсанми?.. Главврачлар қаёққа қарайди, билмадим... Ҳе, ўргилдим...

Афанди: — Тўғри, сенинг калланг ишламаса, главврач айбдор....

Тўтихон: — Ёқмайдиган нарса еб қўйишган бўлса керак-да...

Афанди: — Хўш, иннанкейин-чи?

Тўтихон: — Иннанкейин, энг зўри терапевт дегани экан. Шуларнинг иши жуда қизиқ экан, менга ёқди...

Афанди: — Нимаси ёқди?

Тўтихон: — Асбоби ёқди...

Афанди: — Нима, нима?

Тўтихон: — Ҳалиги, *(қўли билан ишора қилиб)* қулоққа тақадиган асбоби... Сал муздей нарса экан-у, аммо яхши нарса экан. Ичингиздаги ҳамма нарсани эшитса бўларкан. Илтимос, хўжайин, менгаям ўшандан битта обери-и-и-инг...

Афанди: — Уни нима қиласан, дўхтир бўлмасанг...

Тўтихон: — Кундошларимнинг деворига тутиб, мен ҳақимда нима дейишаётганини эшитиб ўтирардим...

Афанди: — Майли-ю, лекин бу асбобнинг фойдаси бормикан сенинг том битган бу қулоқчаларингга?

Тўтихон: — Фойдаси бор. Намунча қулоғимга тил текиздингиз. Қулоғимни кўрсатиш учун уч ҳарфли дўхтиргаям борганман...

Афанди: — Уч ҳарфли дўхтирмас, ЛОР. Ухо-горло-нос... Бешёғочда прашкасиям бор...

Тўтихон: — Ишқилиб ўшангга борганман-да... Қулоғим шанғиллаб қолганди. Ёқмайдиган нарса еб қўйганман, шекилли-да... Хуллас, қулоқларимнинг муаммоси жиддийлигини айтдим... Бир қулоғимда Озодбек Назарбеков, бир қулоғимда Гулсанам ашула

айтгандай бўлаверади десам, нима дейди денг ўша уч харфли дўхтирингиз...

Афанди: — Хўш-хўш...

Тўтихон: — Телевизорни кўрганда магнитофонни ўчириб қўйиш керак, дейди... Ёки бўлмаса, қулоғингизга пахта тиқиб олинг деганди... Ҳа-я, ўшандан бери пахта тиқиб юрувдим... Мана.. *(қулоғидаги пахта-ни олиб кўрсатади. Шу пайт қулоғи яхши эшита бошлайди.)* Ие, вой... қаранг, ўшандан бери пахта олиш эсимдан чиқиб қолган экан-ку...

Афанди: — Э, хайрият-э... Ҳеч бўлмаганда қулоқ бутун экан-ку...

Тўтихон: — Ҳа, бутун-бутун...

Афанди: — *(синамоқчидай секин овозда гапирди)*... Чой тайёрми, хоним?

Тўтихон: — *(бақириб)* Ҳа, тайёл-тайёл!!!

Афанди: — *(Хурсанд бўлиб)* .... Э, қуй унда чойдан, асалим...

Тўтихон: — Малҳамат, тақсилим!!! *(чай узатади)*

Афанди: — Тақсилим?.. Ие, тилга нима бўлди энди, жоним...

Тўтихон: — Ийй, сизга айтиш эсимдан чиқипти, тақсилим... Қулоғим очилганига хулсанд бўлиб кетдим... Қаттиқ хулсанд бўлсам, *(қўли билан ҳавода Р ва Л ҳарфларини чизиб)* «р» ни «л» деб қоламан-да...

Афанди: — *(жаҳли чиқиб)* ...Кеча тўйда ёмон нарса еб қўйган бўлсанг керак-да... Э, худо-о-о!!! Шуниси кам эди... *(Афанди бошини чангаллаб саҳнадан чиқиб кета бошлайди, рўмолчаси тушиб қолади... доирачилар чалади)*

Тўтихон: — *(рўмолчани олиб, силкитиб, орқасидан югуради)* ...Тўхтаг, тақсилим, тўхтаг... Лўмолчангиз тушиб қолди... лўмолча-а-а-а!!!

*Доира садолари остида парда туширилади, қиз чиқиб кетади.*

**ТАМОМ**

## ИСМСИЗ МАКТУБЛАР

*Менда бир хусусият бор. Билмадим, у хислатми ё фазилат?.. Ҳартугул мен бу каби табиатимдан ҳар доим ҳам хурсанд бўлавермайман. Гап шундаки, ким биландир эндигина танишган бўлсам-да, тез орада у менга ўзининг шахсий муаммолари, дардлари ва ҳатто, сирларини ҳам ошкор қила бошлайди. Мен ҳам инсонман. Ўзимнинг дардим ўзимга етарли. Бошқалар дарди учун куйиниб юриш зарил кептими, ким бўпти менга улар, дейман гоҳида... Бошқа бир жиҳатдан эса хурсанд бўламан: «Одамлар менга ишонишяпти... Гарчи дардини енгиллатиш учун қўлимдан бир иш келмаслигини билсалар-да, ичидагини айтиб, енгил тортишяпти. Баъзан маслаҳат бериб, турмушини яхши томонга ўзгартирган ҳолатларим ҳам кўп бўлган. Демак, бежиз яшамаяпман бу турфафеъл одамлар орасида».*

*Ҳаёт кўҳна бир кўзгу, дейман уларга. Биз кўзгуга қараймизу аксимизни кўрамыз. Табиийки, танамизнинг ўнг аъзолари чан, чаплари эса ўнг бўлиб кўринади... Начора, ўзимиз ҳақимизда тўғри хулосалар чиқаришимиз учун тесқари қиёфамизга тез-тез қараб туришга мажбурмыз.*

*Навбатдаги ҳикоялар ижодкор сифатида бевосита суҳбатлар ва мактублар асосида суҳбатдошларимнинг номларидан ёзилган. Сизга мутолаа завқи баробарида, ундаги воқеалар баёнидан тўғри хулосалар чиқариш имконини тилайман.*

**Муаллиф**

## ҚАСОСКОР ОПА

Бу мактубни ёзиш мен учун бунчалик азоб эканлигини ўйламагандим. Гапни нимадан бошлашимни ҳам билмай, роса йиғладим. Неча йилдирки, ичимни қасос ўти куйдиради. Синглим учун ололмай юрган қасос оловини кўз ёшларим билан зўрға ўчириб тураман.

Оилада икки ўғил, икки қизмиз. Қиз бола палахмон тоши, бировнинг хасми деганидек, балоғатга ет-



гач, ҳамма қизлар қатори турмушга чиқдим. Фарзандларим туғилди. Кейин катта укам уйланди. Вақт ўтиб, ота-онам укам ва келинни болалари билан алоҳида яшашлари учун кўп қаватли уйга чиқаришди. Ҳаёт экан, бу орада дадамни бериб қўйдик. Бу мусибат узоқ вақт оиламизнинг қувонч нурларини сўндириб турди. Ойим мактаб буфетида ишлаб, қолган фарзандларини бир ўзи боқа бошладилар. Аммо, тез-тез касал бўлиб турардилар.

Вақт ҳар не дардга даво экан... Кейинроқ яна тўйлар қилдик. Синглимни куёвга узатдик. Катта укам алоҳида яшайди. Ўзининг бола-чақасидан ортмайди. Онамга ҳам ўғил, ҳам қиздек дастёр бўлган кичик укам талаба бўлди. Онамга қарашадиган асосий қаровчи қолмади. Эрим ва унинг оиласидагилар доим мени тўғри тушунишади. Тез-тез қизлик уйимга бориб, онамдан хабар олиб келишимга рухсат бериб туришарди.

Бора-бора болаларим улғая бошлагач, ўзимга ҳам оналик ташвишлари юк бўла бошлади. Шундай бўлсада, ойимдан хабар олиб туришга бир амаллаб вақт топардим. Баъзан синглимдан хафа бўлардим. Онамнинг олдидаги фарзандлик бурчини унутдими деган хавотирли ўйга борардим. Негаки, синглим онамнинг ҳолидан хабар олиш учун истаган пайтида оиласидан рухсат ололмасди. Рухсат олганида ҳам эри билан бирров келиб-кетишарди, холос. Мен ҳайрон бўлардим. Қудаларимиз намозхон, иймон-эътиқодли, обрўли одамлар. Наҳотки, бу каби иложсиз вазиятларда синглимни тушунмасалар. Ҳеч бўлмаса, укамни уйлантириб олгунимизча, синглимга ҳар замонда онамга қарашиб келиш учун рухсат берсалар бўларди-ку...

Бу борада синглимга етарлича дашном берардим.

— Мен фақат куёвингиз рухсат берсагина уйдан чиқа оламан. Уларнинг гапларини икки қилолмайман. Ўзлари билиб, бориб келгин, десалар бораман. Шунда ҳам фақат у киши билан бирга бораман. Бошқа иложим йўқ. Мени қийнаманг, опа, илтимос! — деб йиғларди у.

Сира уни тушунолмас, тушунишни ҳам хоҳламас-

дим. Аммо, оиласида тинчлик бўлишини истаб, бу ҳақда мен ҳам, онам ҳам бир оғиз гапирмасдик. Ҳаммасини яна синглимнинг ихтиёрига қўйишдан бошқа иложим қолмасди.

Бир куни онамнинг тоби қочиб, талаба укам икки кун ўқишдан қолиб онамга қарагани, ҳатто, кийимларини ювиб қўйганини эшитиб, росмана жаҳлим чиқди. Онамнинг олдига борганимда, синглим ҳам шу куни куёв билан бирга келган экан. Бор захримни синглимга тўкиб солдим:

— Одам шунчалик ҳам бўш-баёв бўладими?! Сенинг оиланг ҳали ёш, ортиқча ташвишинг йўқ, уйинг ҳам унча узоқда эмас. Ҳеч қурса, бир ойда бир келибкетишнинг иложи йўқми-а? Онамнинг аҳволини қара, шунчалик бағритошмисан!

Синглим йиғлаб юборди. Сўнг зўрға тилга кирди.

— Опажон, мени қийнаманг. Мен сиз айтган нарсаларни жуда яхши англайман. Аммо, эримга ўзимча гапиролмайман. Унинг рухсатисиз остона ҳатлай олмайман. Бу ундан кўрққаним учун эмас, уни жудаям қаттиқ ҳурмат қилганим учун.

«Нега-нега»ларимдан бешиб кетган синглим мени имлаб, нариги хонага ўтишимни сўради. Сўзларимизни ҳеч ким эшитмаслигига ишонч ҳосил қилгач, бор дардини тўкиб солди. Мен уни тинглаганим сайин қарахт қолга тушиб борардим...

Дадам оламдан ўтганда, синглим учинчи синфда ўқирди. Укам ҳали жуда кичкина, мен эса ўқишда эдим. Онам ишдан қайтгач, буфетда ортиб қолган нон ушоқ, қовун-тарвузларнинг пўчоқларини уйга олиб келардилар. Уч ҳовли наридаги қўшнимизнинг сигирлари бор эди. Ойим буларни ўша қўшнимизга берардилар. Улар ойимларга сут бериб туришарди. Бир куни роса чарчаб келган эканлар, ойим ушоқ ва пўчоқларни қўшникига олиб чиқишни синглимга буюрибди. Ун яшар синглим пақирни кўтариб. қўшнимизникига йўл олибди.

Қўшнимизнинг олти фарзанди бўлиб, ҳаммаси ўғил болалар эди. Ўша куни, уйларида икки катта ўғилла-

ридан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Синглимга «пақирни ўзинг молхонадаги тоғорага бўшатиб кетавер», дейишибди. Синглим молхонага кириб, ушоқ-пўчоқларни тоғорага тўкиб, энди ортга қайтмоқчи бўлганида, молхона эшигидан икки ака-ука кириб келибди. Ўшанда уларнинг бири 21, иккинчиси 19 ёш бўлган. Кўзлари ҳирсдан олайиб кетган ака-укалар мурғаккина синглимга пичоқ ўқталиб: «Овозингни чиқарсанг, ўлдирамиз», – деб кўрқитишган ва ўша ерда ифлосларча уни мажбурлашган. Сўнг қўлига пақирни тутқазиб, яна бўғзига пичоқ тираб: «Бу ҳақда бировга чурқ этсанг, сениям, оилангидан ҳам сўйиб ташлаймиз», – деб дўқ уришган. Кўрқувдан эсини йўқотган синглим бўлиб ўтган воқеанинг маъносини ҳам англамаган гўдак ҳолича уйга югурган. Аммо, азбаройи кўрққанидан ростданам бу ҳақда ҳеч кимга айтмаган экан. Ўша куни ҳовлимиз яқинида муюлишдан югуриб чиққан бир болани машина уриб кетибди. Одамлар тўпланиб, ғала-ғовур бўлиб қолган. Онам синглимнинг юзларидаги кўрқув аломатини шу воқеага йўйиб қўя қолибди.

Синглим жуда содда, беозор, оғир-босиқ қиз эди. Йиллар ўтиб, совчилар келиб, уни турмушга бериш масаласи кўтарилди. Уни унаштириб қўйишди. Масаланинг ўта оғир томони ҳали олдинда эканлиги унинг хаёлига ҳам келмаган экан. Содда қиз оила, эр-хотин муносабатлари, уйланиш шартлари ҳақида кеннойилардан маълумот ва кўрсатмалар олганида, қачонлардир бўлган воқеанинг моҳиятини англаб, даҳшатга туша бошлабди.

Тўй бошланди. Синглимни ёқтириб қолган оила барча тадбирларни бекаму кўст ўтказишди. Уни энг замонавий «Лимузин»да узатиб кетишди. Узатилиб кетаётган синглимнинг ўксиб-ўксиб йиғлаши ҳар қандай бокира қизларнинг одатдаги хайрлашув йиғисидан бошқача эканлиги ҳеч биримизнинг хаёлимизга келмаган.

Никоҳнинг биринчи кечаси синглим чимилдиқда куёвни ўзига яқинлаштирмай, нуқул йиғлабди. Янгалар унинг бу ҳаракатини куёвга қизнинг ўта соддали-

гидан деб тушунтиришибди. Эртаси куни яна шу ҳол такрорланибди. Вазият яна соддаликка йўйилибди. Учинчи куни синглим иложсиз қолибди. Ҳаммасини айтаман деган қарорга келибди. Аммо қандай қилиб айтишга яна журъат тополмабди. Хуллас, шу кеча у муҳим «синов»дан ўтибди. Натижа ҳам рисоладагидек, ҳаммаси жойида. Худо ўша куни синглимга раҳм қилибдими, ҳартугул куёв томон унинг бокиралигига ишонч ҳосил қилибди. Синглимнинг ўзи ҳам бу ҳолдан тааж-жубга тушиб, нуқул йиғлармиш. Маълум бўлишича, ўша куни синглимнинг навбатдаги ой кўриш вақти бўлган экан.

Тўйнинг барча расм-русумлари ўтиб, синглимнинг оилавий ҳаёти барча қатори бир маромда давом эта бошлабди. Келин бўлиб тушган оиладаги одабийлик муҳити уни ҳайратга солибди. Ҳамма бир-бирига меҳрибон, ота-она, ака-ука, опа-сингил ва келинлар ўртасидаги меҳрга фақат ҳавас қилиш мумкин экан. Шу жумладан, синглимнинг ҳам иззатини жойига қўйишаркан. Бундай покдомон оилада қандай бош кўтариб юрганини ўйлаб, синглим барибир унинг фойдасига хизмат қилган тақдир «ўйини»дан таскин тополмабди. Виждони қийналибди. Ва бир куни мавриди келиб, болаликнинг машғум ва маҳзун хотирасини эрига рўй-рост, йиғлаб-йиғлаб айтиб берибди. Эри табиийки, бундан ғазабга келибди:

— Бориб ўша ифлосларнинг уйига ўт қўяман!

Синглим уни бу йўлдан қайтаришга уринибди.

— Агар кечиролсангиз, мени кечиринг ва жавобимни беринг...

— Сен... сен ахир, бор-йўғи ўн яшар қизалоқ, бу нарсаларнинг моҳиятига ақлинг ҳам етмаган, ожизгина бир гўдак бўлгансан-ку. Аммо, у ит эмган, ҳаромилар бу ифлос ишлари учун жазосини олишлари керак!.. — деб куёв уни кечирибди. Бу воқеани эл эшитса, ўзларининг ҳам номига яхши бўлмаслигини ўйлашиб, зўравон ака-укаларнинг жазосини Худога солишибди...

Синглим, шу-шу бу бағрикенг инсонни умрбод ҳурмат қилишга, ардоқлашга аҳд қилибди.

— Опажон, — дея йиғлай-йиғлай давом этди синг-лим. — Ўзингиз ўйланг, мен қандай қилиб, бу одамнинг раъйига қарши иш қилайин. Тўғри, агар мен: «Ойимга бир-икки кун қарашиб келишимга рухсат беринг», — десам, куёвингиз қаршилиқ қилмайди. Аммо, уни азборойи хурмат қилганимдан шу гапни ҳам айта олмайман.

Синглимнинг гапларини ортиқ эшита олмадим. Ҳаммаси тушунарли эди. Энди менинг юрагимда ўша беномус ака-укаларга нафрат уйғонган, қандай қилиб улардан қасос олиш мумкин, деган аламли ўйлар олов ёқарди. Аммо, бундан ҳам алам қиладигани — бир йил олдин ўша қўшниларимиз ҳовлисини сотиб, қаёққадир кўчиб кетишганди. Мен қасос олиш учун аёл бошим билан уларни қаердан ҳам қидиравдим.

Синглимнинг эса бардошига қойил қолдим. Ҳозир унинг тўрт фарзанди бор. Бу йил тўнғич қизига тўй қилишади.

Бу мактубни ёзиш менга азоб бўлди. Бироқ, ёзма-сам кўнглимдаги қасос ва алам олови ўзимни куйдириб адо қиладигандек туюлди. Дардимни ёзиб, бироз таскин топишни ўйладим. Энг муҳими, бу ғамгин тақдир тарихи атрофимиздаги одамларда ҳеч қачон бу каби хатоларга йўл қўймаслик, гулдек нозик қизалоқларни асраб-авайлаш керак, деган фикр уйғотишига умид қилдим.

## КИМ ҚЎРҚОҚ?

Мен ҳам кўплаб тенгдошларим қатори талаба бўлдим. Бу даврнинг китоблардан бош кўтармайдиган дамлари-ю, қувноқ ва эҳтиросли онларини бирдек бошимдан кечирдим. Яхши ўқирдим, курсдошларим мени хурмат қилишарди. Қизларнинг ҳам эътиборидан четда қолмаганман.

Курсдош қизларимиз бир-биридан чиройли, ақлли ва одобли эди. Аммо мен ўзимиздан икки курс кейин ўқийдиган бир қизга кўнгил боғладим. У курсдош қизлардан бирининг ҳамшаҳари эди ва шу боис унга

ёрдам беришимни сўради. Мен йўқ демадим. Тез орада турли фанлардан ўзлаштиришига кўмак беришдан бошланган муносабат секин-аста муҳаббатга айланиб кетди.

Бизга ҳавасмандлар кўп бўлди ва табиийки, ҳасад қилувчилар ҳам топилди. Биз ҳеч нарсага парво қилмадик, муҳаббатимиз тобора кучая борди. Турмуш қуришга-да, аҳдлашдик. Ҳали ота-оналаримиз нима дейишадди, бу ҳақда ўйламасдик. Билардик, бу хавотир орзумиз йўлидаги катта довонлардан бири эди. Ҳаммасини тўғри тушунтирибгина, биз бу довонни забт этишимиз мумкин ва бунга қаттиқ ишонардик.

Аммо... аммо таассуф билан айтишга мажбурманки, биз бу довонгача етиб ҳам боролмадик. Ҳаётда ҳар доим ҳам истаганингиз бўлавермайди. Унинг сўқмоқлари кутилмаганда бошқа бир тўсиқларга дуч келтириб қўяр экан. Севгилим бир куни мени ваъдага вафосизликда айблади. Севганингизга ваъдалар, табиийки, кўп бўлади. Уни ҳамиша ҳар қандай хавфдан ҳимоя қилишга ваъда бергандим. Кунларнинг бирида мен уни ҳимоя қила олмаган одамга ўхшаб қолдим...

Биз барча ёшларга ёқадиغان кинога тушдик. Атрофимиздаги ўриндиқларда асосан йигитлар ўтириб қолишди. Бизга яқин ўриндиқдаги йигитлардан бири бироз ширакайф эди. Улар кино бошлангач, ҳар хил бўлмағур, уятсиз сўзларни айтиб, кинони муҳокама қилиб кўришарди. Жамоат жойи эканлиги уларни асло қизиқтирмас, баъзан бақриб кулишарди. Бунга-ку, унчалик эътибор бермадик. Бир пайт улардан бири ёнимда ўтирган севган қизимга ҳам шилқимлик қила бошлади.

— Биз сизга ҳалал бермаяпмиз-ку, сизлар ҳам бизга ҳалақит берманглар, — дедим.

Йўқ, улар яхши гапни тушунадиганлар тоифасидан эмасди. Мендан яхшигина сўкишни эшитгач, албатта, жанжал бошланди. Жанжалга қиз ҳам аралашиб, уларни қарғаб берди. Муносабатларни ташқарига чиқиб, яккама-якка ойдинлаштиришга келишиб, жим бўлдик.

Кино тугагач, киносарой ортидаги дарахтзорга бордик. Йигитлар уч киши эди. Мен муштлашишда ҳам чакки эмасдим. Ҳатто, учаласи бирдек ёпирилса ҳам, уларни енгишимга ишонардим. Ҳеч нарсадан чўчимай, улар айтган жойга бордим. Аммо бу шоввозлар кино тугагунча, бир гуруҳ ҳамтовоқларига телефон қилиб улгуришган ва аллақачон дарахтзорда бизни яна ўн-ўн беш чоғли йигит кутиб турган экан. Мен вазиятни тушуниб, шартга жойимда тўхтадим.

— Ҳаммаси мендан ўтибди, узр, йигитлар, — деб қизнинг қўлидан тутиб, ортга қайтдим.

Севгилимнинг эса жаҳли чиқди. Мени кўрқоқликда, гурусизликда айблади. Керак бўлса, кучим етмаса, муштлашишда ўзи менга ёрдам бериши мумкинлигини ҳам айтди. Шу-шу мен билан гаплашмай қўйди.

Энди ўйланг... Мен бу каби номард шоввозларни кўп кўрганман. Уларда на уят бор, на фаросат. Улар ҳеч қачон эр йигитга хос иш тутишмайди. Агар мард бўлишганида ёнимда бир ожизгина қиз бўлгани ҳолда менга бундай муносабатда бўлмасдилар. У қиз менинг хотиним, синглим ёки жияним бўлиши мумкин-ку... Мард йигитлар бундай пайтда бўлмағур сўзлар айтиб, шилқимлик қилмайдилар.

Хуллас, мен бу вазиятда бошқа нарсани ўйлагандим. Яъни улар шерикларини чақириб, пасткашлик қилдиларми, демак, ҳеч қачон яккама-якка уришмайдилар ва табиийки, ёнимда севган қизим турганлиги улар учун менинг ожиз нуқтам сифатида хизмат қилишини яхши биладилар. Улардан ҳар нарса кутса бўлади. Аслида мен улар билан уришмай, ўз жонимни оғритгим келмади эмас, балки ёнимдаги қизга бирор зарар етишидан хавотирга туша бошлагандим. Бу ердан тинчгина кетишдан бошқа тўғри йўлни кўрмагандим. Қиз эса мени кўрқоқликда айблаб, барча муносабатларга чек қўйди.

Аслида қиздан хафа эмасман. Кап-катта йигитларнинг ҳақиқий эркакларга хос бўлмаган қилиқлари, тушунчаларига куяман. Гап-сўзлари кулоқни қоматга

келтиради-ю, аслида улар энг кўрқоқ кимсалардир. Бир шоирнинг шеърида тахминан шундай маънодаги сўзлар бор эди: «Ботирлар ҳеч қачон душмандан енгилмаган, уларни ҳамма замонларда номардлар ва кўрқоқлар ўлдирганлар».

## НИЯТИМ ЯХШИ ЭДИ...

Мактубим орқали сизга етказмоқчи бўлган воқеага муносабат билдиришингиз ва тўғри хулоса чиқаришингизни истар эдим. Негаки, яна кимдир қачондир менинг аҳволимга тушиб қолиши мумкин. Шундан чўчи-япман. Бу воқеа бир яқин дугонамнинг ҳаёти ва бизнинг дарз кетган дўстлигимиз билан боғлиқ...

Дугонам билан институтга ҳужжат топшираётган пайтимиз танишганман. У ўзининг гўзаллиги, ширин муомаласи, одоб-ахлоқи, оғир-вазминлиги билан эътиборимни тортди. Имтиҳонлар бўлиб ўтди. Иккимиз ҳам талабалар сафига қўшилдик. У билан бир гуруҳда ўқий бошладик. Гуруҳимиздаги барча талабалар иқтидорли эди, аҳил-иноқ курсдошларга айланиб кетдик. Бизга ҳамманинг ҳаваси келарди. Мен дугонам билан янада яқин, чин дўст бўлиб қолдим.

Ўқиш даврида дугонам дарсларга фаол қатнашиб, аъло баҳоларга ўқиб, курсдошлар орасида ажралиб борарди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас у менга тўйи бўлаётганини маълум қилиб қолди. Ҳамма қизлар уни табрикладик ва ҳар хил саволларга кўмиб ташладик. Унинг эса, негадир юзида хурсандчилик сезилмасди.

Дарслар тугагач, ёнига бориб, нима бўлганини сўрадим. У келин бўлиб тушмоқчи бўлган оила эски қадрдонлари бўлиб, ниҳоятда бой-бадавлат, ота-онаси уни мажбурлаб турмушга бераётгани, аммо ўзи норози эканлигини айтиб қолди. Мен ундан норозилик сабабини сўрадим. У негадир кўнгли чопмаётганини, умуман, боши қотиб, аниқ фикрга келолмаётганини айтди.

Мен яна сўрадим:

— Аҳду паймон қилган йигитинг борми?



— Йўқ, — деди у қатъий. — Мен умуман севгимухаббат деган нарсаларга ишонмайман.

Маълум бўлишича, у турмушга чиқаётган йигит олий маълумотли, ишбилармон инсон экан. Йигитнинг отаси бўлажак келинини ҳеч нарсага зориқтириб қўймаслигини, ўқишини битириб олишига қулай шароит яратиб, шартнома пулларини охиригача ўзлари тўлашини ваъда қилибди.

Мен унинг айти дамбадаги вазиятини таққослаб кўрдим.

— Сен норози бўлма. Қизини турмушга бериш, ўғлини уйлантириш ҳар бир ота-онанинг фарзи. Турмуш қилиш ҳар бир йигит-қизнинг бошида бор, ота-оналар фарзандларига ёмонлик соғинмайдилар, — дедим уни койиган оҳангда ҳамма биладиган ҳақиқатларни эслатиб. — Балки, ўз орзуларингга эришиш учун бу ҳам бир яхши имкондир.

Вақт ўтди. Тўй куни яқинлашар эди. Дугонам эса кун сайин озиб-тўзиб борарди.

Тўй шаҳримизнинг энг ҳашаматли ресторанидан бирида бўлиб ўтди. Дугонам келинлик либосида янаям гўзаллашиб кетган эди.

Курсдошлар билан узоқ вақт дугонамнинг тўйи ҳақидаги таассуротларимизни гапириб юрдик. Ўқишга келганида қизлар уни ўртага олиб, келинлик қийин эмасмикан, каби саволларни ёғдиришди. Дугонам эса қимтинибгина: «Ҳаммаси яхши, келинликнинг ҳам ўзига яраша гашти бор», — деб жавоб берарди.

Ойлар ўтди. Дугонамнинг ҳомиладор эканлигини эшитиб, ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Кунларнинг бирида у менинг ёнимга келиб: «Жуда ҳам сиқилиб кетдим, ичимдагиларни сенга айтамасам бўлмайди, дугонажон, — деди. — Ота-онамга бу гапларни айта олмайман».

Сўнг келинлик уйидаги аҳволни тасвирлаб кетди, яъни тўй олдида айтилган барча ваъдалар унут бўлганини, ўқишнинг шартнома пулини тўлашдан бош тортишиб, аксинча, ўзи пул топиб тўламаса, ўқишни йиғиштиришини талаб қилишаётганини, ҳомиладор

эмасми, ҳатто бошқоронғи бўлганида оддий олма келтириш ҳам уларга малол келаётганини бир-бир айтиб, ўксиб-ўксиб йиғлади.

Хуллас, дугонамнинг дардлари саноқсиз эди. Ўқишининг шартнома пулини ўзининг отаси бир амаллаб тўлабди. Кейинги ўқиш йилини қандай ўтказишини тасаввур қилолмай қийналяпти экан.

Бир куни у ўқишга бир аҳволда келди. Ҳеч ким билан саломлашмади ҳам. Уйида нималар бўлгани қоронғу. Сўрашга юрагим дов бермади. Дарсни ҳам парвойи фалак ўтказди. Унга қўшилиб мен ҳам бир аҳволга тушдим. Институт дарвозасигача ёнма-ён бордим. У менга қарашни истамасди. Нима десам бу меҳрибон ва мунис дугонамни овутишим, дардига малҳам бўлишим мумкин деб, минг хил омил қидирардим. Бир жумла таскин сўз тополмаётганимдан эзилардим. Бир вақт, кутилмаганда у мен томон шарт ўгрилиб, бақриб қолса бўладими...

— Ҳаммасига сен айбдорсан! Сенинг маслаҳатингга кириб, мен шу хонадонга келин бўлдим. Ҳаётим кун сайин жаҳаннамга айланиб боряпти! Сен эса устимдан кулиб юрибсан! Сен ҳам мендан беш баттар бўлишингни истайман! Сени ёмон кўраман! Менга яқин юрма!

У шундай дея югуриб кетди.

Жойимда тошга айландим, гўё. Бир қултум заҳар ютгандек, ичим ёниб борарди. Сўнг оёқларимга қалтироқ кириб, секин ерга ўтириб қолдим. Бўғзимга нимадир тиқилиб келди. Бироз ўзимга келгач, кўзим жиққа ёш ҳолатда ётоқхонага йўл олдим. Шу кеча уйқум келмади. Дугонам билан танишганимдан бери бўлган барча муносабатларимиз хотирамда бир-бир жонланди...

Наҳотки, ҳаммасига мен айбдор бўлсам. Мен ўшанда унинг билими, гўзаллиги бир томон-у, оилавий шароити, қийналиб катта бўлгани бир томон эканлигини тасаввурга келтиргандим. Илло, муҳаббатга ишонмас, ҳаётга реал кўз билан қарар экан, келажакда тўқис

ҳаёт кечириб, орзуларига етишсин, деган ниятда уни ўша оилага келин бўлишига ундагандим. Назаримда, у буни тўғри қарор деб билган эди. Менинг эса ниятим яхши ва холис эди-ку.

Шуларни ўйлаб, бир эски ривоят ёдимга тушди.

Бир одам саҳрода узоқ йўл юриб, олисда жимирлаган чашмани кўриб қолибди. Чашмага яқин жойга отининг қозигини қоқиб, сўнг чашмадан сув ичибди. Кетар чоғида, отининг қозигини суғуришга чоғланиб, хаёлидан бир ўй ўтибди: «Қозиқни олиб кетсам, мендан кейин келган одам отини қаерга боғлайди. Кел, шу қозигимдан воз кечиб кўя қолай. Кимнингдир ишини осон қилади».

Йўловчи қозигини қолдириб кетибди.

Орадан кунлар ўтиб бошқа бир йўловчи ҳам узоқдан шу чашмани кўриб қолибди. Азбаройи чанқаганидан отини янада тезроқ чоптирибди. Бир маҳал оти ҳалиги қозиққа қоқилиб, йиқилибди. Сўнг, йўловчи ўрнидан турибди. Ўша қозиққа отини боғлаб, сув ичибди. Кетар маҳали эса: «Мендан кейин келган йўловчи ҳам йиқилмасин», — дея қозиқни суғуриб, ўзи билан олиб кетибди.

Бир қарашда кейинги йўловчи тўғри иш қилгандек туюлади. Аслида ҳар иккисининг ҳам иши тўғри эди. Чунки уларнинг ниятлари яхши эди. Ташвишни эса, эҳтиётсизлик, шошма-шошарлик, жоҳиллик, нафсини тия олмаслик, сабрсизлик каби номаъқул кўникмалар келтириб чиқаради. Дугонам бир кун келиб шу ҳақиқатларни тушунармикан, билмадим...

## **ҚАНЧА БИЛАН КИРДИНГ?**

Мен, ўзига тўқ оилада улғайдим. Мактабни битиргач, институтга ўқишга кирдим. Гарчи баҳоларим аъло бўлса ҳам, тўғрисини айтаман, ўқишга дадамнинг «ёрдам»и билан кирганман. Ўшанда бундай ишлар гўё одатий, ҳеч ким ажабланмайдиган ҳол эди. Ҳамма бир-бирини кимнингдир кучи билан ўқишга кирган деб ҳисобларди.

Институтни битирдим. Ўзим ўқиган мактабга ишга келдим. Қишлоғимиздан бир йигит мен ўқишни битирганимда ўқишга кирибди. Отаси оддий ишчи, оилавий шароити ҳамин қадар эди. Унинг институтга қандай кирганига ажабландим. Бир куни тасодифан ўша йигитга дуч келиб қолганимда, табриклаб қўйдим. У хурсанд бўлиб, «раҳмат» деди.

— Қанча билан кирдинг? — сўрадим мен.

— Ўн икки балл билан, — деди у ўзини соддаликка олиб.

— Қўйсанг-чи, сен кирган факультетнинг баҳоси нари борса беш «балл», қолаверса, сенга ҳозир ҳеч ким шунча пулни тайёрлаб қўймагандир, — дедим.

— Нималар деяпсиз, қанақа пул? Мен учта имтиҳондан ҳам тўрт балл билан ўтдим, — деди у жаҳли чиқиб.

— Демак, «тўрт»тага кўнишибди-да, — дедим.

Йигит бошқа ҳеч нарса демай кетиб қолди. Мен барибир ишонмадим. Аммо шу «тўртта»ни, яъни ўша пайтдаги тўрт минг сўмни тўплаш учун отасининг қурби етмаслиги аниқ эди. Бироз таажжубландим, кимдир ёрдам бердимикан, деб ўйладим. Кейин: «Э, менга нима», — деб, бу гапларни унутдим.

Шу суҳбатдан сўнг у менга рўбарў келганида тузукроқ саломлашмай ўтиб кетарди.

Орадан беш йил ўтиб, йигит институтни битирди. У ҳам мен ишлайдиган мактабга келди ва бирга ишлай бошладик. Ўқитувчилар собиқ ўқувчилари бўлгани учунми, унинг иззатини жойига қўйишарди. Эшитишимча, институтда ҳам жуда фаол бўлган экан. Шеърлар ёзаркан. Кичкинагина китобча ҳам чиқарибди. Мен унга ҳамма қатори муомалада бўлардим, у ҳам худди шундай. Гўё ўтган барча гапларни унутгандик.

Аммо бир куни, аслида, у мендан қаттиқ хафа бўлиб юрганлигини сезиб қолдим.

Гап шундаки, менинг кенжа синглим шу йили институтга ўқишга кирганди. Оиламиздаги фарзандлардан фарқли ўлароқ, шу синглим ҳеч кимга ортиқча «юк»

бўлмай, ўз билими билан ўқишга кириб кетди. Ким ҳам бундай воқеадан қувонмайди дейсиз.

Катта танаффусда, ўқитувчилар хонасида синглим ҳақида сўраган ҳамкасбларимга мақтаниб гапириб турсам, улардан бири бир гуруҳ ўқитувчилар орасида: «Пуллларинг кўп-да. Пул билан нималар қилса бўлмайди», — деб қолди-ку...

— Нималар деяпсан, оғзим бор деб гапираверар экан-да, одам. Синглимнинг қандай ўқиганини ҳамма биллади-ку, — деб унга бақриб юборибман.

Оддий гап жанжалга айланиб кетай деганда, ўша йигит менинг ёнимни олди. Дарсга киришга қўнғироқ чалиниб, ҳамма тарқала бошлади. Ҳалиги йигитга «раҳмат» дедим.

— Арзимамайди. Сизларнинг баҳсларингиз ҳам жанжалга арзимамайди. Ахир, бир пайтлар яхши ўқиган одам ўз кучи билан ўқишга кира олишини сиз ҳам тасаввур қилолмасдингиз-ку! — деди.

Ҳеч қачон бундай мулзам бўлмагандим. Бундан анча йил олдин унга айтган гапларимни эслаб, уни ўшанда қаттиқ ранжитганимни англаб етдим. Шунга яраша жавоби қайтди, шекилли. Мен ўшанда ундан узр сўрашга ўзимда журъат тополмадим. Бир йил ўтиб, йигит пойтахтга ишга кетди.

## **«ҚОВУННИНГ ЯХШИСИНИ ИТ ЕЙДИ»МИ?**

Менинг мактубимни барча синфдошларим номидан, деб қабул қилсангиз ҳам бўлади. Чунки биз адабиёт фанидан дарс берадиган ўқитувчи опамизни жуда яхши кўрардик.

У киши бизга фақат сўнги, битирувчи синфдагина дарс ўтди, холос. Аммо шу қисқа вақт ичида бутун синфимизнинг меҳрини қозонди. Адабиёт дарсини жудаям қизиқарли ўтардики, ўқиши суст синфдошларимиз ҳам бадий китоблар ўқийдиган бўлиб қолишганди. Унинг хушмуомаласи, куюнчаклиги ва ҳар бир сўзини дона-дона, тушунарли гапиришлари сира эсимиздан чиқмайди. Ўқувчиларни яхши-ёмонга ажратмасди. Ҳар

бир бола билан алоҳида, эринмасдан машғулот олиб борарди. «Агар тўртинчи синфдан бошлаб шу опа бизга дарс ўтганидами!» — деб орзиқиб қўйган пайтларимиз кўп бўлган. Одоб-ахлоқ ҳақида шу қадар таъсирли гапирардики, ўқувчиларнинг хулқида ҳам яхши томонга ўзгаришлар сезилиб борарди. Шу ўқитувчи туфайли синфимизда аҳиллик кучайди. Унга ҳаммамизнинг ҳавасимиз келарди. Чин маънода ўрناق олишга арзирди.

Сиз ҳам уни яхши тасаввур қила олдингиз, деб ўйлайман.

Хуллас, мактаб яқунига етиб, ўқитувчи опа энг сўнгги дарслардан бирини ўтаётган кун эди. У ҳаммамизга омад тилади. Қачонлардир қаттиққўллик қилиб, озгина ранжитган бўлса, бунинг учун ҳар бир ўқувчидан узр сўраб чиқди. Бу дарс анча эркин бўлиб, гўё хайрлашиш тадбирига айланиб борарди. Баъзи қизлар ошкора кўз ёши ҳам қилиб олдилар. Синфдошлар бирма-бир опага ташаккур айтишиб, берган сабоқлари учун миннатдорчилик билдиришарди.

Самимий суҳбат гўзал тус олиб турган бир пайтда эшик тарақ-туруқ очилиб, бир маст киши синфхонага бостириб кириб келди. Ҳе йўқ-бе йўқ, ўқитувчи опани куракда турмас сўзлар билан сўкиб кетди. Ортидан мактаб директори кириб келди. Уни судраб ташқарига тортишга уринарди. У куч бермас, нақ ўқитувчи опани уришга шай эди. Ҳаммамиз жим қотиб қолдик. Йигитлар бир-бирларига қарашди. Гўё: «ўрнимиздан туриб опани ҳимоя қиламиз, ўша мастни дўппослаб, таъзирини бериб қўямиз», деган маъно бор эди, бу қарашларда. Опа бизга қараб, қўли билан: «Хотиржам бўлинглар, ҳаммаси жойида», — дегандек ишора қилди. Сўнг ҳалиги мастни ташқарига чиқариш учун директорга қўмаклашди. Бечора ўқитувчимиз йўл-йўлакай бу ширакайф одамдан бир неча бор туртки ҳам еди.

Мен йигитларга: «Ортларидан борамиз», — дегандим, қизлардан бири, бу одам ўқитувчи опанинг турмуш ўртоғи эканлигини айтиб қолди. Шундан сўнг ҳаммамиз жим қолдик.

Албатта, бу манзара опа ҳақидаги тасаввурларимизга асло акс таъсир қилгани йўқ. Аммо негадир шундай ажойиб аёлга ширакайф турмуш ўртоғининг бундай муносабати дилимизни ғашлаб қўйди. Наҳотки, «қовуннинг яхшисини ит ейди», деган гап тўғри бўлса...

Мана, мактаб ҳам ортда қолди ва энг ёмони, биз ўқитувчи опани ўшандан бери бошқа кўрмадик. Йўқ, опа бошқа ёқларга кетиб қолгани йўқ. Аммо, оилавий машмашалари билан ўралашиб қолди, шекилли. Ҳар кимнинг оиласи ўз сири билан яшайди. Эҳтимол, ҳаёт шуниси билан қизиқдир. Менинг мактуб ёзишимдан мақсад, ўша кунги воқеа учун ўқитувчи опамизнинг биз ўқувчилардан сираям хижолат бўлмасликларини истардим. Биз энди ёш эмасмиз, анча улғайдик. Биз барибир ўқитувчи опани жудаям қаттиқ ҳурмат қиламиз!

## **БЕВАФО ҚИЗ, СЕНИ КЕЧИРДИМ!..**

Ўзини таҳлил қилган одамларнинг кўпчилиги кимдандир узрлар сўраганлигини кўп кузатдим. Менинг мактуб йўллашимдан мақсад бировдан кечирим сўраш эмас, аксинча, мен шу вақтга қадар бевафоликда айблаб юрган бир қизни кечирганимни айтмоқчи эдим. Агар у ҳам ҳозир ёзганларимни ўқиб турган бўлса, айтмоқчиманки, мен уни аллақачон кечирганман...

Фақат, илтимос, бу гапларимдан мени кибрли одам экан деб ўйламанг. Бизнинг муносабатларимизга алоқадор воқеалар асло кибр билан боғлиқ эмас. Шунчаки, муҳаббат можаролари эди.

Ҳа, мен бир пайтлар бир қизни қаттиқ севиб қолгандим. Назаримда, унинг ҳам менда кўнгли бор эди.

Биз аслида битта жойданмиз, ўқишга бирга келдик, бирга ўқидик. Институтни битиргач, пойтахтда қолиб, соҳамиз бўйича ишлай бошладик. Фақат бошқа-бошқа корхоналарда. Ўтган вақт оралиғида самимий муносабатлар билан йўғрилган кўп қизиқарли саргузаштларни бошдан кечирдик. Аслида бу муносабатлар-

нинг ҳақиқий либоси севги бўлса керак ва биз бир куни турмуш қуриб, бир оила бўлиб яшаймиз, деб ўйлардим. Ишга киришиб кетгач, у билан камроқ учрашадиган бўлиб қолдик. Аммо, мен доим унинг хаёли билан яшаганман.

Охири сабрим тугаб, пайт пойлаб, унинг қўлини сўрадим.

— Бир-биримизни яхши биламиз, ота-онамизни кўндирсак бўлди-ку, — дедим.

— Бу жиддий масала, шошилмаслик керак, азизим.

— Майли, ҳозир аниқ бир жавоб айтмай қўя қол. Мен қанча бўлса ҳам кутаман...

Умидларни ўз кучида қолдириб, бир муддат бу мавзудан сўз очмасликка қарор қилдим.

Бир куни...

Унинг ўзи билан бирга ишлайдиган, ўзидан беш ёш катта йигитга турмушга чиқаётганини эшитиб қолдим... Жинни бўлиб қолсам керак, деб ўйладим. Бир амаллаб у билан учрашдим. Негадир, у хотиржам. Менда кўнгли йўқ экан-да, деб хавотирим оша бошлади.

— Бу гаплар ёлғон деб айт, — ўтиндим ундан.

У эса, бир сўз демади. Ҳамма гапларимни жим эшитди. Сўнг: «Мени тушунинг, илтимос», — деди.

Мен уни ҳеч қачон кечирмаслигимни айтдим. Дарвоқе, у кечирим сўрагани ҳам йўқ эди. Аммо, унинг нигоҳлари мендан узр сўраётгандек туюлаверди. Шарт бурилиб, ортга қайтдим.

Кунлар қандай ўтганини билмай юрдим. Бора-бора кўникдим. Ишим юришмай, тез орада қишлоққа, уйимга қайтиб келдим.

Мана, шунга ҳам тўрт йилдан ошибди. Мен ҳам ўтган ёзда уйландим. Ўша қизни кечиримнинг сабаби фақатгина шу, яъни ўзим ҳам уйланганим эмас. Йўқ... Бунинг бошқа сабаби бор.

Мен унинг оилавий аҳволини яхши билардим. Олдий, молиявий ночор, бунинг устига нотинч оилада ўсган қиз эди. У оилавий қийинчилик ва бунинг оқибат



тида юзага келадиган турли жанжалли вазиятларни кўриб, эзилиб катта бўлган. Шунга қарамай, яхши ўқирди, билимли ва мағрур эди. Ўқишга ўз билими билан кирди. Одоб-ахлоқи аъло. Хушмуомала. Ишхонасида ҳам тезда жамоасининг хурматини қозонди. Бўлажак турмуш ўртоғига келсак, у ақлли, фаросатли, ишбилармон, меҳнаткаш йигит чиқди. Уйланишидан олдин ҳамма шароитини тўғрилаб олган экан. Алоҳида уй-жой, машина, оила учун ҳамма зарур нарсалар. Ҳозир улар биргаликда ажойиб оила бўлиб, рўзгор аравасини аҳил тортишмоқда.

Қиз бу вақтга қадар ўтган барча севги изтиробларини унутди, шекилли. Балки, унда севги бобида мен ўйлаганчалик изтиробнинг ўзи ҳам бўлмагандир.

Аввалига рашқдан, балки озгина ҳасаддан ҳам, куйиб-ёндим. Кейин-кейин уни тушуниб, ҳатто хурсанд бўлдим. Ахир, ўйланг, агар қиз мен билан яшаганда нима бўларди? Мен ҳам оддий оилада қийинчилик кўриб ўсдим. Ҳалиям ишларим юришиб кетгани йўқ. У ҳамон мен билан қийналиб яшармиди?..

Хуллас, энди ўйласам, ундан хафа бўлмаганим яхши экан. Романтика бошқа, ҳақиқий ҳаёт бошқа экан. Яна билмадим.

## **ХУРМАТНИНГ ЖОЙИ ҚАЕРДА?**

Мен автобусда, дераза томондаги ўриндикда кетардим. Қўлимда икки яшар болам. Ёнимдаги ўриндикда ёшгина бир қиз борарди.

Талаба бўлса керак. Навбатдаги бекатларнинг бирида 50 ёшлар чамаси бир аёл чиқди. Автобусда бўш жой йўқ. Жудаям тиқилинч бўлмаса-да, анча одам бор эди. Ҳалиги аёл бизнинг қаршимизга келиб туриб олди. Менинг қўлимда бола бор, тушунарли. Аёл, «жой берармикан», деган маънода ёнимдаги қизга тез-тез қараб кўярди. Қиздан садо чиқмас, ҳатто парво ҳам қилмасди. Аёл пичирлаб, алланималар деб борарди. Мен жуда ноқулай бўлдим. Ўрнимдан туриб, онахонга жой бе-

риб, қўлига боламни ҳам бериб қўяй десам, болам ҳам инжиқ, бегонанинг қўлида йиглайди. Аёлнинг овози секин баландлаша бошлади.

— Бу ёшлар гўё ҳеч қачон қаримайдигандек, без бўлиб кетишини кўрмайсизларми!.. Буларнинг тарбияси бузилиб бўлган. На каттани, на кексани ҳурмат қилишни биледи... Уятсизлар...

Ва яна анча қўпол сўзларни ишлатиб, аёл ўз бека-тига етиб ҳам олди. Қарғанганича автобусдан тушиб кетди.

Қиз эса ҳамон бепарво, жим борарди. Қизга қараб ўйладим: бу қиз ростданам шунақа безбетмикан ёки касалмикан?! Йўғ-э, афтидан соппа-соғ, юз-кўзлари тиниқ, чиройли қиз, аммо жуссаси бироз нозик. Ҳартугул, ҳалиги аёлдан анча нозик. Виждоним қийналди. Кейин аёлни ўйладим. Ёши катта, гавдаликкина ва овозининг ўктамлигидан кўриниб турибдики, у бу қиздан жисман анча бақувват. Лекин унинг шу қиз қатори ўғил-қизлари бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан у ҳурматга лойиқ. Хуллас, виждоним қийнаиб, қизга гапиришга жазм қилдим.

— Синглим, шу онахонга жой бермадингиз. Рост-да, сиз ҳам, мен ҳам бир куни кексаямиз-ку... Кечирасиз-у, негадир шу аёлнинг ўрнига ўзимни қўйиб кўрдим-да. Агар сўзим малол келган бўлса, кечирасиз.

— Кеннойи, менинг ҳам виждоним қийналди, — дея тилга кирди қиз ҳам. — Мен болалигимдан доим ёши катталарга жой бериб келардим. Аммо атрофга қаранг. Ҳаммаси йигитлар, эркаклар. Мен ҳозир туриб аёлга жой берсам, атрофдаги йигитларнинг менга шилқимлик қила бошлаши тайин. Бунақа воқеа кўп бўлган... Автобус тикилинч бўлмаганда ҳам, майли эди...

Қарасам, ростданам атрофда фақат эркаклар, йигитлар туришарди. Нима дейишимни билмай қолдим, қизни тушунгандек бўлдим. Ажаб ҳолат — ҳурмат ҳам ўзига вазият ва жой қидириб қоларкан-а?!

## ЁЛФИЗЛИК АЗОБИ

Мактубимни исмсиз тарзда ёзиб, бироз енгиллашиб олишим мумкин, деб ўйлаб қолдим. Қолаверса, одам дил дардини доим ўзи билан «кўтариб» юраверса, охири йиқилиши мумкин. Юракни кимгадир ёриб, енгил тортишнинг ҳам катта хазинага тенглигини англагандек бўляпман. Чунки, яшаяпман-да... Ҳаёт тугагани йўқ-ку... Аммо, ҳамма гап инсоннинг инсонга ўхшаб яшашида. Менинг сизга айтадиганларим нафақат менга енгиллик беради, эҳтимол кимгадир сабоқ бўлиши ҳам мумкин. Ёшим 45 дан ошганда кимларгадир озгина яхшилигим ҳам шу бўлар...

Хуллас, хотиним билан беш-олти йил чамаси тинч-тотув яшадик. Ўғил фарзанд кўрдик. Йиллар ўтиб борар, менинг эса ишларимда барака, ҳаракатларимда унум йўқ эди. Замона ўзгариб, улкан шўро ҳукмронлиги нурай бошлаганида ҳар хил кооператив фирмалар ташкил қилина бошлагач, ишларим юриша бошлади. Дастлаб оддийгина ҳисобчи бўлиб ишга кирганман. Тўрт-беш йил ичида мени раҳбарлик жойларидан бирига тайинлашди. Бу вақтда иккинчи фарзанд «режа»си амалга ошиб қолганди. Кутилмаганда хотиним бетоб бўлиб, бир ой ётиб қолди. Дард-ку, ўтиб кетди. Аммо, унинг асорати шу бўлдики, бизнинг иккинчи фарзанд кўриш «режа»миз охирига етмай барбод бўлди. Фақат бугина бўлса майли эди, ҳатто, бошқа фарзанд кўришимизга кўзим етмай қолди. Начора, бунга ҳам кўникишга мажбурмиз...

Вақт тизгинсиз ўтаверди. Ишларим янада юришиб, турмушимиз ўзгарган — рўзгоримиз янгича «чирой» касб этганди. Менга ҳам раҳбарлик нуқси уриб, дағдағам, ўзимни тутишим ҳам энди бошқача эди. Ана шундай шароитда мен... ишонмассиз, бошқасини... севиб қолдим...

Бир куни ишхонамизга ёшгина бир жувон иш сўраб келди.

— Ўзим ўқимаганман, нима иш бўлса ҳам қилман, — деди.

Унинг ўзини тутиши, кийиниши янги келин эканлигини айтиб турарди. Ўйланиб тургандек бўлдим-да, котибани чақирдим. У яқинда «декрет»га кетиши керак эди.

— Бу синглимизга компьютерда ёзишни, у-бу ишларни ўргатиб туринг, — дедим.

Шундай қилиб бегона аёл хонамга, хонамдан чиқиб эса қалбимга ва, ҳатто, ҳаётимга кириб кела бошлади. Кўп ўтмай котиба «декрет» таътилига кетди. Ҳалиги жувонни унинг ўрнига олдим.

Бу жараён секин-аста уйдан совий бошлашимга сабаб бўлди. Хотинимнинг «бола туғмаслик» қисмати гашимга тега бошлади. Кундан-кун у менга ёқмай борарди. Мени нима жин урди, билмадим, гўё, яна болам бўлиши керак, менга бола муҳимдек, хотиним билан тез-тез жанжал қила бошладим...

Янги котиба бир куни эрталаб хонамнинг эшигини ичкаридан ёпаркан, «эрдан чиқдим», деди. Шу куни иккимиз бу «озодлик»ни «муносиб» нишонладик. Кейин кўп ўтмай мен ҳам «озод» бўлдим. Котибани ниқоҳимга олдим.

Эр-хотин бўлгач, бир жойда ишлашимиз шарт бўлмай қолди. Янги уй сотиб олиб, «бахтли» яшай бошладик.

Бу каби ҳуриликлар саҳродаги сароб каби экан. Кўп ўтмай менга бир дунё ғалвалар етаклаб келишини билмабман. Вазият шунчалikka бордики, бир куни уни бошқа билан кўриб қолдим... Уйни, тагин битта машинанинг пулини бериб, ундан ажралиб қутулдим.

Аслида мени ўйлантираётгани бу гаплар эмас, бутунлай бошқа бир масала... Мен учун умрбод долзарбга айланган масала...

Неча йилдирки, ўз ўғлим менга у билан кўришимни қатъий рад этиб қўйган. Уни олисдан кўриш ҳам менга улкан армонга айланиб бораётганидан хавотирдаман... Шунча қилғиликларни қилиб, бу гапларни айтишим гашингизни келтираётгандир... Аммо, ишонинг, бугунга келиб жуда одми одамман.

Хотинимга, «кел, бирга, яшаймиз, ҳаммасини қайтадан бошлаймиз», дедим. У бечора меҳнатдан эзилиб, турмушнинг барча «юк»ини бўйнига олиб қолган экан, ҳатто, эрсиз яшаш қисматига ҳам кўникиб бўлган экан, қатъий оҳангда «йўқ», деди.

— Бизни ортиқ безовта қилманг. Шаҳрингизда, ўз дунёнгизда ўз кунингизга омон бўлинг!

Хотинимнинг қатъий қарор оҳангидаги бу сўзлари юрагимга ханжардек ботди. Ўғлим эса қишлоққа келганимни эшитиб, қаёққадир кетиб қолибди.

Эринмадим... Ўғлимни кўриш илинжида, у билан бафуржа гаплашиш умидида қишлоққа кўп бордим. У эса мени кўрмаслик мақсадида қочиб қоларди.

Бир сафар қишлоқнинг ўртасида учратиб қолдим. Машинани ёнгинасида тўхтатдим. Ана, келяпти, менга ўхшайди у.

— Ўғлим! — дедим унга қулочимни очиб...

Айтдим узимнинг овозимдан ўзим ларзага тушдим. Вужудимни таърифсиз титроқ босди. У хаёл суриб келаятган эканми, мени кўриб шошиб қолди. Бир зум эсанкирагач, кескин орқага ўгирилди ва мени сўкди... жуда ёмон сўкди...

Кейин бормай кетдим. Лекин бу юришим ҳам бўлмайти. Яқинда қишлоқлик бир хотинни кўриб қолдим. Бизга узоқроқ қариндош. Ёлғизлик қурсин. Шу кишига кўп нарсаларни ишондим, вазиятимни имкон қадар тушунтирдим.

— Ўғлим билан яраштириб қўйсанг, сенга бошдан оёқ сарпо қиламан, — дедим.

Аслида сарпо эмас, унга кўп нарса бераман, фақат ўғлимга тушунтира олса бўлгани. Тушунармикан... Одамни урмаслик керак, сўкмаслик керак, уни ёлғиз ташлаб қўйиш керак экан. Ўша аёлга ўғлимнинг номига бир энлик хат ёзиб бердим. Фақат ўқирмикан. Ўқиса, зора мана бу гапларим унга таъсир қилса: «Ўғлим, одамни урмаслик, сўкмаслик керак, ёлғиз ташлаб қўйиш керак экан. Тортган азобларингни, қандай улгайганингни биламан. Лекин... лекин мени эшитишинг керак. Босиқроқ бўл. Мен сенга барибир ўзимни ту-

шунтиришим керак. Томирингда менинг қоним оқяпти. Мен одам бўлиб яшасам фақат сенда яшашимни англаб етдим. Мени тушун... Тушунмасанг бўлмайди... Тушунмасанг, менинг ҳаётим тугайди...»

## ОНАЛИК ТАДБИРИ

Оналар фидойиликлари баробарида ҳамиша тадбиркорликларини ҳам намоёиш этиб яшайдилар. Бу тадбиркорлик бирор-бир бизнесни ривожлантириш нуқтаи назаридан эмас, балки оилада, фарзандлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хайрли ва адолатли мувозанатини сақлаб туриш борасидаги тадбиркорликдир.

Мен онам ҳақида нега бундан йигирма йиллар аввал ҳозиргидек фикр юритмаганимдан афсусланаман. Тўғри, бу менга боғлиқ бўлмаган ҳолат эди, яъни у вақтда мен мурғак гўдак ҳолимда болалик дунёсида яшаётган бўлганман. Аммо барибир, ўшандаги хархашаларим билан онамнинг кўнглига кўп бора озор етказганимдан жуда-жуда пушаймон бўламан.

Гарчи қиз фарзанд бўлсам-да, оиланинг кенжаси дея мени роса эркалатишган. Шунга яраша инжиқ бўлиб ўсганман. Отам колхозда оддий ишчи, онам уй бекаси эди. Оиламиз кўп фарзандли бўлгани учун моддий жиҳатдан анча қийналиб яшаганмиз. Ака-ука, опа-сингиллар кичиклари катталарининг кийимларини кийиб улғайган оилалардан бири эдик. Онам бизни доим эркалаб, қўлимизни совуқ сувга урдирмасди, десам ёлғон гапирган бўламан. Йўқ, онам бизни ўз ўрнида суйиб-эркалаб, ўз вақтида қаттиққўллик билан меҳнатга ўргатардилар. Ножўя ҳаракат қилсак, керак бўлса, яхшилаб қойиб, ҳатто қарғаб ҳам берардилар. Аммо онанинг қарғиши фарзандига ҳеч қачон ёмон таъсир қилмайди, кўнгилга ботмайди. Чунки, барибир унинг кўнглида дунёларга сиғмас даражада меҳр товланиб туради.

Отамнинг топганини оила учун тежаб-тергаб сарф-

лаш, асосан, онамнинг зиммасида эди. Мендан катта опам Гулшода билан ёшимиз бир йилга фарқ қилар, унинг жуссаси мендан сал каттароқ эди, холос. Шу боис ота-онам шу опамни ҳам мен билан бирдек, худди эгизаклардек кўришарди. Иккимизга эгизаклар сингари бир хил нарса, бир хил кийим олиб беришарди. Кийимларимиз ҳар доим ҳам янги бўлмаса-да, доимо тоза тутиб, озода юрардик. Бизга бўлган бундай муносабатлар мен ва Гулшода опам ўртамизда худди эгизаклардек меҳрни ҳам шакллантириб борган экан. Аммо, болалик эмасми, тагин, биргалик муносабатларига ўрганиб қолмаганмизми, баъзида биттамизга бирор нарса олиб беришса, бошқа биримиз хафа бўладиган бўлиб қолгандик. Шундай пайтларда онам: «Қизларим шунга ўрганиб қолган экан, улар ўртасидаги меҳр дарз кетмасин», дея турли чораларни ўйлаб топиб, бизни тезда овутиб қўяркан.

Бир куни уйимизга шаҳарда яшайдиган амакимиз меҳмонга келди. Амакимнинг Зарифа исмли биз тенги қизи бўлиб, унинг катак гулли чиройли кўйлаги бор эди. Мен унга роса ҳавас билан тикилдим. Ойим буни пайқаган экан. Чунки, аввал ҳам қишлоғимиздаги айрим қизалоқларда шунақа кўйлак борлигини айтиб, менгаям шунақасидан олиб беришларини сўраб, бир неча марта онамга хархаша қилган эдим. Онам, албатта олиб беришини, аммо бироз сабр қилишимни, олгандан кейин Гулшода опамга ҳам, яъни иккимизга бир хил қилиб олиб беришларини айтганди. Аммо бундай кўйлакнинг нархи бирмунча қиммат эканлиги боис онам ҳадеганда бунинг иложини қила олмасди.

Меҳмонга келган амаким ва қизи Зарифа ўз уйига қайтиб кетишди. Икки кун ўтгач, ойим шкаф ичидаги тугунларни титкилаб туриб, ҳалиги мен ҳавас қилган катак гулли кўйлакни олиб чиқарди. Уни кўриб опам иккимизнинг кўзимиз қувнаб кетди. Шунда онам, ажабланиб, қошларини чимирди.

— Ие, Зарифанинг кўйлаги қолиб кетибдими? — деди. Биз ҳамон кўйлакка ҳавасланиб тикилардик. Ойим

ташвишлангандек оҳангда сўзини давом эттирди. — Эй, яхши иш бўмапти-да. Энди бу кўйлакни ким шаҳарга олиб боради. Зарифа эса энди келаси йил келади. Унга бу кўйлак унга кичрайиб қолади-ку. Яхшиси, уни иккалангдан бирларинг кия қолинглар. Зарифа ҳам бегона эмас, синглларинг-ку. Қани, Гулшода, сен шуни кийиб кўр-чи, тўғри келса, кийиб юраверасан.

Мен онам ва Гулшода опамга ёвқараш тикилиб, ўзимники бўлмаса-да, ҳавас қилган кўйлагимни опам кийиб кўраётганидан хафа бўлиб турардим. Гулшода опам биров қийналиб кўйлакни кийди. Унга кичик келди. Сўнг онам, энди сен кийиб кўр-чи, деб кўйлакни менга тутқазди. Кўйлак менга роса лойиқ келди.

— Қара-я, қизим, бу кўйлак сенга тўғри келаркан. Майли, сен кия қол, опанга кейинроқ янгисини олиб берамиз, — деб, онам Гулшода опамни ҳам эркалаб қўйди. Мен ўзимда йўқ хурсанд эдим.

Кейин-кейин билсам, бу кўйлак меҳмон қиз Зарифаники эмас, балки онажоним, атайлаб мен учун худди шу кўйлақдан янгисини сотиб олган экан. Гулшода опам учун ҳам яна битта олишга пули етмаган, мен кийиб, опам хафа бўлиб қолмасликлари учун шу томошани ўйлаб топган экан.

Ҳозир опам иккимиз ҳам оилали, иккимиз ҳам онамиз. Фарзандларимизга онам каби меҳрибон бўлишга ҳаракат қиламиз. Олисдаги онамиздан хабар олиш учун қишлоғимизга борганимизда онамнинг қошида бир муддат ўша шаддоқ қизалоқларга айланиб, тиззаларига бош кўйиб, ўша адолатпешалик тадбирларини ҳам кулиб, ҳам йиғлаб эслаймиз. Сўнг онажонимизга олиб борган совғаларимизни топширамыз. Бутун дунё бойликларини йиғиб, онамнинг оёқлари остига тўкканимизда ҳам, ўша болалик давридаги бизга берган меҳру қувончлари ҳақини адо этолмаймиз.



## АЛВИДО, ЖОҲИЛЛИК!

Билимсиз одамни жоҳил дейишади. Жоҳил одам ҳаётининг мазмуни нимада эканлигини англамай умрини ўтказаверади. Гўёки, фақат қорин тўйғазишдан бўлак гами йўқдек. Ваҳоланки, бундай яшаш тарзи фақат ҳайвонларга хос. Улар учун битта қонун бор — яшаш учун кураш.

Мен бундан бир йил олдин ўз жоҳиллигимдан жудаям уялиб кетдим. Ва ўша кундан ўзгардим. Бунга сабаб бўлган инсон, афсуски, унинг исмини ҳам сўрамабман, ҳартугул ёш бўлишига қарамай анчайин билимли, зиёли, бамаъни киши эди. Дарвоқе, у қайсидир радиода ишлашини айтди.

Биз «Отчопар» деб аталадиган катта бозорда эркаклар пойабзали билан савдо қилардик. Бозорнинг ўз қонун-қоидалари бор. Маҳсулотнинг нархи асл нархидан анча юқори айтилади. Харидор сотувчи билан тортишади. То ҳар икки томонни қониқтирувчи нархга — бир тўхтамга келмагунча савдолашиш давом этади.

Одатдаги ҳолат. Яъни, мен савдо қилаётган растага харидорлардан бири яқинлашди. Ўзига ёққан туфлини олиб, мен билан савдолашишга тушди. Мен айтган нархдан паст сўрай бошлади. Охири у бир нархни айтди. Бу туфлининг ўз нархи эди. Мен устига уч минг қўшиб айтдим. Олсангиз шу, бўлмаса, майли, ана бозор, айланиб чиқинг, дедим. У кўп тортишмади.

— Начора, бор пулим шу эди. Агар берсанг, олиб кетай, сени дуо қилиб юраман.

— Сизни тушунаман, аммо мен ҳам эрта тонгдан кечгача тик оёқда туриб меҳнат ҳақимни чиқариб олишим керак-да, ака, — дедим вазиятимни англатиш учун.

У бироз нари кетди-да, туфли роса ёқиб қолганиданми, қайтиб келди. Мени кўндиришга яна бир бор уриниб кўрди. Аммо, мен ўз нархига бериб юборишдан ҳеч бир наф кўрмасдим. Аксига олиб, шу куни бозорим юришмай турганди. Бир маҳал қайсидир радиода ишлашини, истасам, менинг бирор яқинимга табрик йўллашини айтди.

Мен унга, бунақа нарсалар мени қизиқтирмаслигини, фойдасиз гап эканлигини айтдим. Шунда у менга қараб туриб:

— Сен жоҳил одам экансан, — деди.

Мен жоҳил дегани жаллод деган сўзга яқин бўлса керак деб, ундан хафа бўлдим.

— Нега ҳақорат қиласиз?

— Бу ҳақорат эмас, ҳақиқат, — деди у ва менга жоҳил сўзининг жаллодга алоқаси йўқлигини, асл маъносини тушунтирди. — Сен худбин, яъни фақат ўзини кўрадиган одамга айланиб бораяпсан. Бу жоҳилликдан пайдо бўлади. Қани, айт-чи, оилангда ака-ука, опа-сингилларинг борми?

— Бор, — дедим мен.

— Улардан қай бирининг туғилган куни қачонлигини биласанми? — деди.

Мен дабдурустдан берилган саволга бунчалик довдираб қоламан деб ўйламагандим. Ростини ҳам яқинларимнинг туғилган кунларини эслай олмасдим.

— Ака, — дедим бироз жаҳл аралаш. — Бизда туғилган кунни нишонлаш анъана эмас. Унақа нарсаларга қизиқмаймиз.

— Сен бола яна ўзингни ўйлаяпсан. Ахир оилангдаги бошқа инсонларнинг номидан ишонч билан гапиришинг нотўғри. Ҳатто, қара, атрофда сен бегона деб билган мана шу одамларнинг ҳам ҳар бирининг кўнглида сендан ва ҳаммадан қизганиб, авайлаб юрадиган орзулари, истаклари, умидлари бор. Майли, яқинларингни туғилган кунларини эслай олмас экансан, балки улардан бирининг ҳаётида яқинда бахтли бир воқеа содир бўлгандир, кимдир фарзанд кўргандир, кимнингдир тўйи бўлиши керакдир... ҳаёт гўзалликларга, яхшиликларга тўла. Фақат уни кўра билиш керак.

Мен унинг бу сўзларидан бир қадар сергак тортдим. У гўё ҳамма нарсани билиб айтди: Ростдан ҳам шу ҳафта сўнгида синглимнинг тўйи бўлиши керак. Мен эса унга совға олишга ҳалиям шошмаётганимдан уялиб кетдим. Синглим учун бахт тўйи барча қизлар қатори

хаётидаги энг муҳим байрам-ку. Аммо, миллий руҳиятимиз тақозосига кўра, ака сингилнинг никоҳ тўйи билан радио орқали очиқдан-очиқ табриклаши нокулай. Мен ҳалиги кишига шу фикримни айтдим.

— Тўғри, — деди у ва сўзида давом этди. — Сен синглинга онанг ёки опаларинг номидан табрик йўлла. У албатта хурсанд бўлади.

Ҳа-я, буниси хаёлимга ҳам келмабди. Мен янада қизиқа бошладим. У оиламизнинг манзилини, синглим ва бўлажак куёвимнинг исмларини ёзиб олди.

— Энди табрик сўзларингни айт, — деди у.

Мен синглимга бир оғиз ширин сўз айтолмас эканман. Ҳар куни бозорда юзлаб одамларга молларимни мақтайман, уларга ёқиши учун ҳар хил мақтов сўзларни топаманки, аммо ҳозир ўз жигаргўшам — азиз синглимга бир оғиз дил сўзи тополмасам денг. Энди мен жоҳиллигимни тан ола бошладим. Журналист яна мени вазиятдан қутқарди. Ўзи менинг кўнглимдаги гапларни шунақа чиройли ифодаладики, мен ёнимда гўё энг яқин одамимни кўриб турардим. Бир ўқимишли дўстим сингилсининг туғилган кунида жуда чиройли сўзларни гапиргани, сингилсининг кўзлари қувончдан, меҳрдан қанчалик порлаб тургани кўз олдимга келди. Ҳаётда бошқалар учун вақтини аямай, ҳаётнинг янада гўзал бўлиши учун қайғуриб юрадиган одамни биринчи кўриб туришим эди.

— Табрикни фалон куни, тўйдан бир кун олдин эфирга берамиз, — деди у.

Мен маъқулладим ва табрик нарҳини сўрадим.

— Ана, кўрдингми, сен яна савдолашишга тушдинг, — деди у. — Биламан, ҳозир беш минг бўлади десам, шу пулни берасан ёки тортишиб нарҳини бироз туширасан. Йўқ, ука, табрик учун сендан бир тийин ҳам керакмас. Синглинг, оилангдигилар хурсанд бўлишса, буни сен қилганингни билишса кифоя. Сен эса жоҳил бўлма, ҳамма нарсани пулга чақиб, вақтингни беҳуда ўтказма. Бу бозор ташқарисида жуда катта ва рангбаранг олам борлигини унутма.

У шундай дея кета бошлади. Мен унга ёққан ҳалиги туфлини олиб, ортидан бордим.

— Ака, манави туфлини, ҳали ўзингиз айтган нархга олақолинг, — дедим. У йўқ деди. Мен нархини янада тушириб айтдим.

— Текин берсанг ҳам олмайман, гап битта, — деди у менга қараб. — Йўқ, ука, сен шу кунларда тўй қилаётган оиладан экансан. Харажатларинг кўп. Тирикчилигингга зарар етмасин. Мен кейинги ҳафта келиб, албатта сендан туфли сотиб оламан.

У бир жилмайди-да, харидорлар оломони орасига кириб кетди.

Мен ҳаяжонланганимдан унинг исмини ҳам, қайси радиода ишлашини ҳам сўрамабман. Тўғриси, табрикни ўзим эшитмадим. Ахир қайси радиодан берилишини билмасдим. Бироқ кўпчилик қариндошлар, танишлар эшитишибди. Қайси радио деб сўрасам, ҳаммаси ҳар хил радиоларни санашди.

Муҳими, мен шу вақтдан ўзгардим. Бозордаги ишларимни енгиллаштириб, китоб ўқий бошладим. Бу йил институтга ҳужжат топшириб, тест синовларида қатнашаман. Омадим чопиб, ўқишга кириб кетсам, самимий муносабат ва бардам руҳият ила ҳаётнинг янада гўзал бўлишига ўз ҳиссамни қўшаман. Алвидо, жоҳиллик!..

---

---

## МУНДАРИЖА

ҚИШдаги ИШҚ.....	3
НОГИРОН ҚИЗ ФАРОСАТИ.....	10
АРОСАТДАГИ САДОҚАТ.....	13
БИРГА ЎЛМАЙМИЗМИ, ДЎСТИМ?!.....	19
ДИЛНИНГ ТИЛСИЗ ИЗҲОРИ.....	23
ОНАМНИ ЙИФЛАТИБ ҚЎЙДИМ.....	26
ОНАМ БЎЛОЛМАЙСИЗ, КЕННОЙИ.....	30
«ФАРҚ»ЛИ ОПА.....	33
БЕГОНА ҚИЗИМ.....	38
ЯНГИ ОЙИ.....	41
ДУГОНА.....	45
ФУТБОЛГА ТИКИЛГАН «БОШ».....	49
ЁМОН ЯХШИЛИК.....	56
ЁРДАМ КЕРАКМИ, КЕННОЙИ?!.....	57
РАҚҚОСАНИНГ ЯНГИ «СЕЗОН»И.....	63
ХЎ, АРАВА! БУ ЁҚҚА КЕЛ!.....	67
БЕШИНЧИ ГОЛ.....	70
ТЕЛЕВИЗОРДА КЎРСАТАДИ.....	75
МЕН КИММАН?.....	85
УВОЛ БЎЛАДИ.....	89
ЁҚМАЙДИГАН НАРСА ЕБ... ЁХУД «АФАНДИНИНГ БЕШ ХОТИНИ»ГА ЎХШАТМА.....	91
ИСМСИЗ МАКТУБЛАР.....	96

ҚАСОСКОР ОПА .....	96
КИМ ҚЎРҚОҚ? .....	101
НИЯТИМ ЯХШИ ЭДИ .....	104
ҚАНЧА БИЛАН КИРДИНГ? .....	107
«ҚОВУННИНГ ЯХШИСИНИ ИТ ЕЙДИ»МИ? .....	109
БЕВАФО ҚИЗ, СЕНИ КЕЧИРДИМ! .....	111
ҲУРМАТНИНГ ЖОЙИ ҚАЕРДА? .....	113
ЁЛҒИЗЛИК АЗОБИ .....	115
ОНАЛИК ТАДБИРИ .....	118
АЛВИДО, ЖОҲИЛЛИК! .....	121

*Адабий-бадиий нашр*

**Қувондиқ СИДДИҚ**

**ФУТБОЛГА ТИКИЛГАН «БОШ»**

*Ҳикоялар*

Муҳаррир *Л. Игамова*

Рассом *А. Саидбердиев*

Бадиий муҳаррир *Р. Зуфаров*

Техник муҳаррир *Т. Харитонова*

Мусахҳиҳ *М. Исҳоқов*

Компьютерда тайёрловчи *Д. Габдрахманова*

Нашриёт лицензияси АИ № 158, 14.08.09.

Босишга рухсат этилди 10.08.2011. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>.

Офсет қоғози. Офсет босма. Шартли босма табоғи 6,72.

Нашр табоғи 4,48. Адади 3000. Буюртма № 11-144.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи

100129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

*e-mail: iptduzbekistan@mail.ru www.iptd-uzbekistan.uz*

**Сиддиқ, Қувондиқ.**

С 52 Футболга тикилган «бош»: (ҳикоялар) / Қ. Сиддиқ. —Т.: О‘zbekiston, 2011. — 128 б.

ISBN 978-9943-01-698-9

Қувондиқ Сиддиқ кузатувчан ижодкор. У ҳаётнинг кўҳна ҳикматларига асосланиб шундай ёзади: «Биз кўзгуга қараймиз-у, аксимизни кўрамиз. Табиийки, танамизнинг ўнг аъзолари чап, чаплари эса ўнг бўлиб кўринади... Начора, ўзимиз ҳақимизда тўғри хулосалар чиқаришимиз учун тескари қиёфамизга тез-тез қараб туришга мажбурмиз».

Қўлингиздаги китоб ижодкорнинг насрдаги илк тақдимотиدير.

Барчангизга мутолаанинг бетакрор завқи ёр бўлсин!

УДК: 821.512.133–32

ББК 84(5Ў)6